

**«НОРМА МАСЛАҲАТЧИ»  
ГАЗЕТАСИ КУТУБХОНАСИ**

**БУХГАЛТЕРИЯ  
ҲИСОБИГА ДОИР  
НИЗОМЛАР**

**Тошкент — «NORMA» — 2007**

**Таҳрир кенгаши:**

**Э. ВОҲИДОВ, Р. КАРИМОВ, Ф. ҚУРБОНБОЕВ,  
М. МЕЛИБОЕВ, М. ПЕРПЕР**

**Тузувчи Мелибоев М. М.**

Тўшамга тегишли давлат органлари томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган, 2007 йил 1 апрель ҳолатидаги барча ўзгартириш ва қўшимчалар билан Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар киритилган.

Мазкур тўшам аввало бухгалтерлар ва аудиторлар, шунингдек иқтисодий соҳадаги олий ўқув юртлири ўқитувчи ва талабалари ҳамда барча қизиқувчи кишиларга мўлжалланган.

# **БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ТЎҒРИСИДА**

**Ўзбекистон Республикаси  
Қонуни**

**30 август 1996 й. 279-І-сон**

**1-модда. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ҳамда ҳисобот тузиш билан боғлиқ муносабатлар ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Башарти, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ушбу Қонунда баён этилганидан кўра бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартномалар қоидалари қўлланади.

**2-модда. Бухгалтерия ҳисобининг мақсади ва вазифалари**

Бухгалтерия ҳисобининг мақсади фойдаланувчиларни ўз вақтида тўлиқ ҳамда аниқ молиявий ва бошқа бухгалтерия ахбороти билан таъминлашдир.

Бухгалтерия ҳисобининг вазифалари:

бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида активларнинг ҳолати ва ҳаракати, мулкӣ ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг ҳолати тўғрисидаги тўлиқ ҳамда аниқ маълумотларни шакллантириш;

самарали бошқариш мақсадида бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш;

молиявий, солиққа доир ва бошқа ҳисоботларни тузишдан иборатдир.

**3-модда. Бухгалтерия ҳисоби субъектлари**

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар, уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда ундан ташқарида жойлашган шуъба корхоналари, филиаллари,

ваколатхоналари ва бошқа таркибий бўлинмалари бухгалтерия ҳисоби субъектларидир.

— ~~Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритади ва бухгалтерия (молия) ҳисоботини тақдим этади.~~

#### **4-модда . Бухгалтерия ҳисоби объектлари**

Асосий ва жорий активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, захиралар, даромадлар ва харажатлар, фойда, зарарлар ҳамда уларнинг ҳаракати билан боғлиқ хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисоби объектларидир. Бухгалтерия ҳисобининг объектлари жамлама ҳисобварақларда акс эттирилади. Аналитик ҳисобни юритиш тартиби бухгалтерия ҳисоби субъекти томонидан мустақил равишда белгиланади.

#### **5-модда . Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш**

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш, бухгалтерия ҳисоби стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига юкланади.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидалари бухгалтерия ҳисоби стандартлари билан, шу жумладан кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун соддалаштирилган бухгалтерия ҳисобини юритиш стандарти билан белгиланади.

Банкларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш Марказий банк томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

#### **6-модда . Бухгалтерия ҳисобининг асосий қоидалари**

Бухгалтерия ҳисобининг асосий қоидалари қуйидагилардир:

бухгалтерия ҳисобини икки ёқлама ёзув усули билан юритиш,  
узлуксизлик;

хўжалик операциялари, активлар ва пассивларнинг пулда баҳоланиши;

аниқлик;

ҳисоблаш;

олдиндан кўра билиш (эҳтиёткорлик);

мазмуннинг шаклдан устунлиги;

кўрсаткичларнинг қиёсланувчанлиги;

молиявий ҳисоботнинг бетарафлиги;

ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мувофиқлиги;

активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоланиши.

### **7-модда . Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш**

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишни корхона, муассаса ва ташкилот раҳбари амалга оширади.

Раҳбар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

бош бухгалтер раҳбарлигида бухгалтерия ҳисоби хизматини ташкил этиш ёки шартнома асосида жалб қилинган бухгалтер хизматидан фойдаланиш;

бухгалтерия ҳисоби юритишни шартнома асосида ихтисослаштирилган бухгалтерия фирмасига ёки таркибига бухгалтерия ҳисоби субъекти ҳам кирадиган хўжалик бирлашмасининг марказлаштирилган ҳисобга олиш бўлимига юклаш;

бухгалтерия ҳисобини мустақил юритиш.

Раҳбар қуйидагиларни таъминлаши шарт:

ички ҳисоб ва ҳисобот тизими ишлаб чиқилишини;

хўжалик операцияларини назорат қилиш тартибини;

бухгалтерия ҳисоби тўлиқ ва аниқ юритилишини;

ҳисоб-китоб ҳужжатларининг сақланишини;

ташқи фойдаланувчилар учун молиявий ҳисобот тайёрланишини;

солиқ ҳисоботлари ва бошқа молиявий ҳужжатлар тайёрланишини;

ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилишини.

### **8-модда . Имзо ҳуқуқи**

Пул, товар-моддий ва бошқа бойликларни қабул қилиш ва бериш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳуж-

жатлар, корхона, муассаса ва ташкилотнинг кредит ва ҳисоб-китоб мажбуриятлари, шунингдек бухгалтерия ҳисоботлари ва баланслари раҳбар томонидан ёки у белгилайдиган шахслар томонидан имзоланади.

Раҳбар имзолаш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг иккита рўйхатини тасдиқлайди. Биринчи рўйхатга раҳбарлик вазифаларини амалга оширувчи шахслар, иккинчисига — бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахслар киради.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган шахсларнинг имзоси бўлмаган ҳужжатлар ҳақиқий ҳисобланмайди.

### **9-модда. Бошланғич ҳисоб ҳужжатлари**

Ҳўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисоби учун операциялар амалга оширилганлигини қайд этувчи бошланғич ҳисоб ҳужжатлари ва уларни ўтказишга доир фармойишлар асос бўлади.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатлари ҳўжалик операциялари амалга оширилаётган вақтда ёки операциялар амалга ошириб бўлинганидан кейин тузилади.

Ҳисобот даврига тегишли бўлган ҳўжалик операциялари, агар улар амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар олинмаган бўлса, тегишли бошланғич ҳужжат расмийлаштирилиб, бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатларининг мажбурий реквизи-титлари қуйидагилардир:

корхонанинг (муассасанинг) номи;  
ҳужжатнинг номи ва рақами, у тузилган сана ва жой;  
ҳўжалик операциясининг номи, мазмуни ва миқдор ўлчови (натура ҳолида ва пулда ифодаланган ҳолида);  
масъул шахсларнинг шахсий имзолари.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатларини тузган ҳамда имзолаган шахслар уларнинг ўз вақтида тўғри ва аниқ тузилиши, шунингдек бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун белгиланган муддатларда топширилишига жавобгардирлар.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатларига ҳўжалик операцияси қатнашчилари томонидан тасдиқланмаган тузатишлар киритилишига йўл қўйилмайди. Банк ва кассалар ҳужжатларида тузатишлар ва ўчириб ёзишларга йўл қўйилмайди.

## **10-модда. Бухгалтерия ҳисоби регистрлари**

Бухгалтерия ҳисоби регистрлари икки ёқлама ёзув қоидаларига мувофиқ юритиладиган журналлар, қайдномалар, дафтарлар, тасдиқланган бланкалар (шакллар)дир.

Регистрлар техника воситаларидан фойдаланишда олинган машинограмма кўринишидаги ёзувлар йўли билан, шунингдек магнит тасмалари, дисклар, дискетлар ва бошқа машиналарда бажарилиши мумкин. Регистрларни шаклантириш тартиби бухгалтерия ҳисоби стандартлари билан белгиланади.

Бухгалтерия ҳисоби регистрларига тасдиқланмаган тузатишларнинг киритилишига йўл қўйилмайди.

## **11-модда. Активлар ва мажбуриятларни инвентаризация қилиш**

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларининг тўғрилиги ҳамда аниқлиги активлар ва мажбуриятларни мажбурий суратда инвентаризация қилиш орқали тасдиқланади. Инвентаризация объектлари, уни ўтказиш тартиби ва муддатлари инвентаризация бўйича бухгалтерия ҳисоби стандартига мувофиқ белгиланади.

## **12-модда. Активлар ва мажбуриятларни баҳолаш**

Оборот активларни баҳолаш қуйидаги икки баҳонинг энг пасти бўйича — баланс тузилаётган санадаги ҳақиқий таннархи бўйича (сотиб олиш нархи ёки ишлаб чиқариш таннархи) ёки бозор баҳоси бўйича (соф сотиш қиймати) амалга оширилади.

Асосий воситалар ва номоддий активлар уларнинг тўлиқ бошланғич қиймати бўйича ҳисобга олинади.

Асосий воситалар ва номоддий активлар қийматини ҳисобдан чиқариш уларнинг қиймати тўлиқ тўлангунга ёки объект сафдан чиқиб кетгунга қадар бўлган эскиришини (амортизацияни) ҳисоблаш йўли билан амалга оширилади. Амортизация ажратмалари объект фойдаланишга топширилганидан кейинги ойдан бошлаб амалга оширилади. Ернинг қиймати амортизация қилинмайди.

Молиявий қўйилмалар бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ ҳисобга олинади.

— Мажбуриятлар тарафларнинг келишувига биноан пул билан акс эттирилади.

Суд қарори бўйича юзага келган мажбуриятлар тегишли суммада акс эттирилади.

Потенциал мажбуриятлар дастлабки ҳақиқий баҳоси бўйича акс эттирилади.

Бухгалтерия ҳисоби миллий валюта — сўмда юритилади.

### **13-модда . Даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш**

Даромадлар ва харажатлар, тўланган вақти ва пул келиб тушган санадан қатъи назар, қайси даврга тааллуқли бўлса, ўша ҳисобот даврида бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ акс эттирилади.

### **14-модда . Хусусий капитални ҳисобга олиш**

Хусусий капитал устав капитали, қўшилган, захира капиталидан ҳамда тақсимланмаган фойдадан таркиб топади.

Устав капитали — таъсис ҳужжатларида белгиланган ҳиссаларнинг (пул ифодасида) йиғиндисидир. Устав капиталига ҳисса шаклида қўшилаётган моддий ва номоддий активлар таъсисчилар келишувига ёки юридик шахс ижроия органининг қарорига кўра белгиланади ва ҳисобга олинади.

Қўшилган капитал акцияларни номинал қийматидан баланд нархларда дастлабки сотишдан олинган эмиссия даромадини акс эттиради.

Захира капитали мол-мулкни қайта баҳолаш чоғида ҳосил бўладиган инфляция захираларини, шунингдек текинга олинган мол-мулк қийматини акс эттиради.

Тақсимланмаган фойда фойданинг жамғарилишини ифодалайди ва мулкдорларнинг қарорига биноан устав капиталига қўшилиши мумкин.

## **15-модда . Гаровни ҳисобга олиш**

Ўзининг ёки ўзгаларнинг мажбуриятларини таъминлаш учун гаровга берилган мол-мулк қиймати, шу жумладан пул маблағлари корхона томонидан бошқа активлардан алоҳида ҳисобга олинади.

Гаровга олинган мол-мулк қиймати, гаров сифатида қабул қилиб олинган пул маблағлари ва валюта бойликлари қиймати алоҳида балансдан ташқари ҳисобварақларда акс эттирилади.

## **16-модда . Молиявий ҳисобот**

Молиявий ҳисобот бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида тузилади.

Молиявий ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олади:

бухгалтерия баланси;

молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот;

асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот;

хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот;

изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳисоботи соддалаштирилган шаклда тузилади.

Молиявий ҳисоботнинг таркиби ва мазмунини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгилайди.

## **17-модда . Умумлаштирилган молиявий ҳисобот**

Шуъба корхоналари, филиаллари ва ваколатхоналари бўлган корхоналар умумлаштирилган молиявий ҳисобот тузади.

Шуъба корхоналарга қўшилган ҳиссалар бош корхонанинг молиявий ҳисоботида унинг молиявий қўйилмалари сифатида акс эттирилади.

Юридик шахслар ўз филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа таркибий бўлинмаларини мустақил балансга ажратишлари мумкин бўлиб, уларнинг баланслари ва бошқа ҳисобот шакллари ўзларининг умумлаштирилган ҳисоботига киритишлари шарт.

Умумлаштирилган ҳисоботга бош корхона, унинг шубба корхоналари, филиаллари ва ваколатхоналарининг молиявий ҳисоботлари илова қилинади.

Умумлаштирилган ҳисобот бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ тузилади.

Ушбу модданинг талаблари вазирликлар, идоралар ва бюджет ташкилотларининг жамлама молиявий ҳисоботи тига нисбатан татбиқ этилмайди.

#### **18-модда . Молиявий ҳисоботнинг ҳисобот даври**

1 январдан 31 декабрга қадар бўлган календарь йил молиявий ҳисоботнинг ҳисобот даври ҳисобланади.

Янгидан ташкил этилган юридик шахслар учун юридик шахс ҳуқуқи қўлга киритилган санадан бошлаб ўша йилнинг 31 декабрга қадар бўлган давр, юридик шахс ҳисобланмайдиганлар учун эса, улар давлат органларида рўйхатга олинган санадан бошлаб биринчи ҳисобот йили деб ҳисобланади.

Агар юридик шахс 1 октябрдан кейин рўйхатга олинган бўлса, биринчи ҳисобот йили кейинги йилнинг 31 декабрида тугайди.

Рўйхатдан ўтишга ёки юридик шахс ҳуқуқини қўлга киритишга қадар амалга оширилган хўжалик операциялари тўғрисидаги маълумотлар биринчи ҳисобот йили молиявий ҳисоботи тига киритилади.

#### **19-модда . Молиявий ҳисоботни тақдим этиш**

Молиявий ҳисобот қуйидагиларга тақдим этилади:

солиқ органларига;

таъсис ҳужжатларига мувофиқ мулкдорларга;

давлат статистика органларига;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа органларга.

Молия ҳисоботи ҳисобот йили бошидан ўсиб борувчи яқун билан йилнинг ҳар чорагида тақдим этилади.

Бюджет муассасалари чораклик ва йиллик ҳисоботни юқори органга тақдим этадилар.

Молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси бухгалтерия ҳисобининг айрим субъектлари учун молиявий ҳисоботни тақдим этишнинг бошқа муддатларини белгилаши мумкин.

## **20-модда . Молиявий ҳисоботни эълон қилиш**

Хўжалик юритувчи субъектларнинг йиллик молиявий ҳисоботи манфаатдор банклар, биржалар, инвесторлар, кредиторлар ва бошқалар учун ошқора ҳисобланади.

Очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари, суғурта компаниялари, банклар, фонд ва товар биржалари, инвестиция фондлари ва бошқа молия муассасалари ҳар йилги молиявий ҳисоботни, уларда кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигини аудиторлар тасдиқлагач, ҳисобот йили туганидан сўнг биринчи майгача эълон қилишлари шарт.

## **21-модда . Тугатиш вақтида молиявий ҳисобот**

Хўжалик юритувчи субъект тугатилган вақтда якуний молиявий ҳисобот тузилади.

Тугатиш бўйича операцияларни ҳисобга олиш, тугатиш баланси ва ҳисоботни тузиш, активлар қийматини аниқлаш юзасидан жавобгарлик тугатиш комиссияси зиммасига юкланади.

Умидсиз қарзлар ва зарарлар тугатиш балансига киритилмайди.

Мажбуриятлар уларни узиш вақтига қадар ҳисобланган фоизлари билан тугатиш балансига акс эттирилади.

## **22-модда . Бухгалтерия ахборотининг махфийлиги**

Бухгалтерия ҳисобини юритишда махфийликка риоя қилинади. Бухгалтерия ҳисоби регистрларининг мазмуни билан танишишга маъмурият рухсати билан ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

Бухгалтерия ҳисоби регистрлари билан танишишга рухсат этилган шахслар уларнинг махфийлигини сақлашлари шарт. Махфийликни бузганлик қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишга сабаб бўлади.

## **23-модда . Бухгалтерия ҳужжатларини сақлаш**

Бухгалтерия ҳужжатлари ва регистрлар, микрофильмлар ёки компьютер ҳисоби молиявий маълумотлари камида уч йил, молиявий ҳисобот эса қонун ҳужжатларида белгиланган муддат мобайнида сақланади.

Бухгалтерия ҳужжатларини олиб қўйиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

## **24-модда . Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

# **МАҲСУЛОТ (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР)НИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА СОТИШ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ТАРКИБИ ҲАМДА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ**

**Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамасининг  
1999 йил 5 февралдаги  
54-сон қарори билан  
тасдиқланган**

*(Мазкур Низомга қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган: ЎзР ВМ 11.06.2003 й. 261-сон қарори, ЎзР ВМ 16.06.2003 й. 270-сон қарори, ЎзР ВМ 15.10.2003 й. 444-сон қарори, ЎзР ВМ 25.12.2003 й. 567-сон қарори, ЎзР ВМ 28.12.2004 й. 610-сон қарори, ЎзР Президентининг 27.12.2005 й. ПҚ-244-сон қарори, ЎзР ВМ 18.10.2006 й. 217-сон қарори, ЎзР Президентининг 18.12.2006 й. ПҚ-532-сон қарори)*

## **УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

Мазкур Низом хўжалик юритувчи субъектлар-юримдик шахсларнинг, шунингдек, юридик шахс бўлмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини аниқлашнинг ягона методологик асосларини белгилайди.

Низом бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш мақсадларида харажатларни ҳисоблаб чиқишда пайдо бўладиган тафовутлар ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган. Хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлилигини аниқлаш мақсадида улар фаолиятининг харажатларини ҳисоблаб чиқиш ва молиявий натижаларини аниқлаш бухгалтерия ҳисобининг асосий мақсади ҳисобланади. Солиқ солинадиган даромад (фойда) хўжалик юритувчи субъект-

лар харажатларининг айрим моддаларини солиқ ҳақидаги қонунларга мувофиқ солиқ солинадиган базага киритиш йўли билан аниқланади.

Низомда харажатларни гуруҳлаш ва молиявий натижаларни шакллантиришнинг асосий қоидалари мавжуддир.

1-иловада ҳисобот давридаги соф фойдани ҳисоблаб чиқишда корхона даромадларидан чиқариб ташланмаган, бироқ солиқ ҳақидаги қонунларга мувофиқ даромад (фойда)дан олинадиган солиқни ҳисоблаб чиқишда хўжалик юритувчи субъектнинг солиқ солинадиган базасига киритиладиган харажатлар моддалари келтирилган.

2-иловада улар пайдо бўлган пайтда солиқ солинадиган базадан чиқариб ташланмайдиган, бироқ кейинги ёки анча кейинги даврларда (вақтдаги тафовут) чиқариб ташланадиган харажатлар рўйхати берилади.

Мазкур Низом асосида айрим тармоқлар харажатлари таркиби ва уларни ҳисобга олиш хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган ҳолда тегишли вазирликлар ва идоралар, хўжалик бирлашмалари (корпорациялар, концернлар, уюшмалар, компаниялар ва бошқалар) томонидан аниқланади.

## **А. МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

Низомда келтирилган харажатлар таснифи энг аввало бухгалтерия ҳисобида харажатларни тўғри ва тўлиқ акс эттиришга, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботини тузиш учун унинг фаолияти молиявий натижаларини (фойда ёки зарарни) аниқлашга йўналтирилгандир.

Хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг молиявий натижалари фойданинг қуйидаги кўрсаткичлари билан тавсифланади:

— маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда, бу сотишдан олинган соф тушум билан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади:

$$\text{ЯФ} = \text{ССТ} - \text{ИТ},$$

бунда:

**ЯФ** — ялпи фойда;

**ССТ** — сотишдан олинган соф тушум;

**ИТ** — сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннарки;

— асосий фаолиятдан кўрилган фойда, бу маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда билан давр харажатлари ўртасидаги тафовут ва плюс асосий фаолиятдан кўрилган бошқа даромадлар ёки минус бошқа зарарлар сифатида аниқланади:

$$\mathbf{АФФ} = \mathbf{ЯФ} - \mathbf{ДХ} + \mathbf{БД} - \mathbf{БЗ},$$

бунда:

**АФФ** — асосий фаолиятдан олинган фойда;

**ДХ** — давр харажатлари;

**БД** — асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;

**БЗ** — асосий фаолиятдан кўрилган бошқа зарарлар;

— хўжалик фаолиятидан олинган фойда (ёки зарар), бу асосий фаолиятдан олинган фойда суммаси плюс молиявий фаолиятдан кўрилган даромадлар ва минус зарарлар сифатида ҳисоблаб чиқилади:

$$\mathbf{УФ} = \mathbf{АФФ} + \mathbf{МД} - \mathbf{МХ},$$

бунда:

**УФ** — умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда;

**МД** — молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;

**МХ** — молиявий фаолият харажатлари;

— солиқ тўлангунгача олинган фойда, у умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда плюс фавқулудда (кўзда тутилмаган) вазиятлардан кўрилган фойда ва минус зарар сифатида аниқланади:

$$\mathbf{СТФ} = \mathbf{УФ} + \mathbf{ФП} - \mathbf{ФЗ},$$

бунда:

**СТФ** — солиқ тўлангунгача олинган фойда;

**ФП** — фавқулудда вазиятлардан олинган фойда;

**ФЗ** — фавқулудда вазиятлардан кўрилган зарар;

— йилнинг соф фойдаси, у солиқ тўлангандан кейин хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолади, ўзида даромад (фойда)дан тўланадиган солиқни ва минус қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа солиқлар ва тўловларни чиқариб ташлаган ҳолда солиқлар тўлангунга қадар олинган фойдани ифодалайди:

$$СФ = СТФ - ДС - БС,$$

бунда:

**СФ** — соф фойда;

**ДС** — даромад (фойда)дан тўланадиган солиқ;

**БС** — бошқа солиқлар ва тўловлар.

## **Б. ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ БИЛАН БОҒЛИҚ ХАРАЖАТЛАР РЎЙХАТИ**

Мазкур Низомга мувофиқ маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритиладиган харажатлар ва давр харажатлари рўйхати:

— хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг рентабеллигини ва бозор рақобатбардошлилигини аниқлаш учун маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш давомида хўжалик юритувчи субъектда пайдо бўладиган барча харажатлар тўғрисида бухгалтерия ҳисоби счётларида тўлиқ ва аниқ ахборот шакллантирилиши;

— солиқ солинадиган базани тўғри аниқлаш мақсадида белгиланади.

Мазкур Низомга мувофиқ барча харажатлар қуйидагиларга гуруҳланади:

— маҳсулотнинг **ишлаб чиқариш таннархига** киритиладиган харажатлар:

а) бевосита ва билвосита моддий харажатлар;

б) бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари;

в) бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан, ишлаб чиқариш хусусиятларига эга бўлган устама харажатлар;

— **ишлаб чиқариш таннархига** киритилмайдиган, бироқ асосий фаолиятдан олинган фойдада ҳисобга олинмайдиган ҳамда **давр харажатларига** киритиладиган харажатлар:

- а) сотиш харажатлари;
  - б) бошқариш харажатлари (маъмурий сарф-харажатлар);
  - в) бошқа операцион харажатлар ва зарарлар;
- хўжалик юритувчи субъектнинг умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда ёки зарарларни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинмаган хўжалик юритувчи субъектнинг **молиявий фаолияти бўйича харажатлари**:
- а) фоизлар бўйича харажатлар;
  - б) хорижий валюта билан операция бўйича салбий курс тафовутлари;
  - в) қимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолаш;
  - г) молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар;
- **фавқулдда зарарлар**, у даромад (фойда)дан олинмаган солиқ тўлангунга қадар фойда ёки зарарларни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинади.

## **1. Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархига киритилмаган харажатлар таркиби**

Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш таннархига бевосита маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган, ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этиш билан шартланган харажатлар киритилади. Уларга қуйидагилар тегишли бўлади: бевосита ва билвосита моддий харажатлар, бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари, бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан, ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган устама харажатлар.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатлар уларнинг иқтисодий мазмунига кўра қуйидаги элементлар билан гуруҳларга ажратилади:

— ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий харажатлар (қайтариладиган чиқитлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);

— ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;

— ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий сургуртага ажратмалар;

- асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси;
  - ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар.
- 

## **1.1. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий харажатлар**

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий харажатларга қуйидагилар тегишли бўлади:

1.1.1. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг асосини ташкил этиб, унинг таркибига кирадиган ёки маҳсулот тайёрлашда (ишларни бажаришда, хизматлар кўрсатишда) зарур таркибий қисм ҳисобланган четдан сотиб олинadиган хом ашё ва материаллар.

1.1.2. Нормал технология жараёнини таъминлаш ва маҳсулотларни ўраш учун маҳсулот (ишлар, хизматлар) ёки бошқа ишлаб чиқариш эҳтиёжларига сарфланадиган асбоб-ускуналар, бинолар, иншоотлар ва бошқа асосий воситалар синовини ўтказиш, назорат қилиш, сақлаш, тузатиш ва улардан фойдаланиш учун ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган харид қилинадиган материаллар, шунингдек асбоб-ускуналарни тузатиш учун эҳтиёт қисмлар, инвентарларнинг, хўжалик буюмларининг ва асосий воситаларга кирмайдиган бошқа меҳнат воситаларининг қиймати.

1.1.3. Сотиб олинadиган, келгусида ушбу хўжалик юритувчи субъектда монтаж қилинадиган ёки қўшимча ишлов берилadиган бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар.

1.1.4. Ташқи юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг ички таркибий бўлинмалари томонидан бажариладиган фаолиятнинг асосий турига тегишли бўлмаган ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган ишлар ва хизматлар.

Ишлаб чиқариш характерига эга бўлган ишлар ва хизматларга маҳсулот тайёрлаш бўйича айрим операцияларни бажариш, хом ашё ва материалларга ишлов бериш, истеъмол қилинаётган хом ашё ва материаллар сифатини аниқлаш учун синовлар ўтказиш, белгиланган технологик жараёнларга риоя этилиши устидан назорат

қилиш, асосий ишлаб чиқариш фондларини тузатиш ва бошқалар тегишли бўлади.

Хўжалик юритувчи субъект ичида ташқи юридик шахсларнинг транспорт хизматлари (хом ашё, материаллар, инструментлар, деталлар, танаворлар, юкларнинг бошқа турларини базис (марказий) омбордан цехга келтириш ва тайёр маҳсулотни сақлаш учун омборга келтириш) ҳам ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган хизматларга тегишли бўлади.

1.1.5. Табиий хом ашё (ер рекультивациясига ажратмалар, ихтисослаштирилган юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган ерни рекультивация қилиш ишларига ҳақ тўлаш), илдизи билан бериладиган дарахтга ҳақ тўлаш, корxonалар томонидан сув хўжалиги тизимларидан бериладиган истеъмол қилинадиган сув учун ҳақ тўлаш. Саноатнинг хом ашё тармоқлари учун ёғоч, тахта материалларидан ёки фойдали қазилмалардан (рудадан) фойдаланишга ҳуқуқларнинг амортизация қилинадиган қиймати ёки атроф муҳитни тиклаш харажатлари.

1.1.6. Технологик мақсадларга, энергиянинг барча турларини ишлаб чиқаришга, биноларни иситишга сарфланадиган ёнилгининг четдан сотиб олиннадиган барча турлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг транспорти томонидан бажариладиган ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш бўйича транспорт ишлари.

1.1.7. Хўжалик юритувчи субъектнинг технологик транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжларига сарфланадиган барча турдаги харид қилинадиган энергия. (Хўжалик юритувчи субъектнинг ўзи томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергиясига ва энергиянинг бошқа турларига, шунингдек, харид қилинадиган энергияни истеъмол жойигача трансформация қилиш ва узатиш харажатлари харажатларнинг тегишли элементларига киритилади.)

1.1.8. Ишлаб чиқариш соҳасида моддий бойликларнинг яроқсизланиши ва кам чиқиши.

1.1.9. Хўжалик юритувчи субъектнинг транспорти ва ходимлари томонидан моддий ресурсларни етказиш билан боғлиқ харажатлар (юклаш ва тушириш ишлари ҳам шу жумлага кирази) ишлаб чиқариш харажатларининг

тегишли элементларига кириши керак (меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, асосий фондлар амортизацияси, моддий харажатлар ва бошқалар).

1.1.10. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан моддий ресурсларни етказиб берувчилардан олинадиган идишлар ҳам моддий ресурслар қийматига киритилади.

1.1.11. Маҳсулот таннархига киритиладиган моддий ресурслар харажатларидан қайтариладиган чиқитлар қиймати ва идиш ва ўраш-жойлаш материаллари қиймати уларнинг амалда сотилиши, фойдаланилиши ёки омборга кириш қилиниши нархи бўйича чиқариб ташланади.

1.1.12. «Моддий харажатлар» элементи бўйича акс этириладиган моддий ресурслар қиймати сотиб олиш нархидан, шу жумладан, бартер битишувларида, қўшимча нарх (устама)дан, таъминот, ташқи иқтисодий ташкилотлар томонидан тўланадиган воситачилик тақдирлашларидан, товар биржалари хизматлари қийматидан, шу жумладан, брокерлик хизматларидан, божлар ва йиғимлардан, солиқлардан (корхона кейинчалик қарз суришиш, масалан, қўшилган қиймат солиғи тарзида қайтариб оладиганлардан ташқари), транспортда ташишга ҳақ тўлашдан, ташқи юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган сақлаш ва етказиб беришга ҳақ тўлашдан келиб чиқиб шаклланади.

## **1.2. Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари**

Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари таркибига қуйидаги моддалар киритилади:

1.2.1. Хўжалик юритувчи субъектда қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларига мувофиқ бажарилган нархномалар, тариф ставкалари ва лавозим маошларидан келиб чиқиб ҳисобланган амалда бажарилган иш учун ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган ҳисобланган иш ҳақи, шу жумладан, хўжалик юритувчи субъектни муқофотлаш тўғрисидаги низомларда назарда тутилган рағбатлантирувчи тусдаги тўловлар.

1.2.2. Касб маҳорати ва мураббийлик учун тариф ставкаларига ва окладларга устамалар.

1.2.3. Иш режими ва меҳнат шароитлари билан боғлиқ бўлган компенсация тусидаги тўловлар, шу жумладан:

1.2.3.1. Технологик жараён жадвалида назарда тутилган тунги вақтда, ишдан ташқари вақтда, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларда ишлаганлик учун тариф ставкалари ва окладларга устамалар ва қўшимча ҳақ.

1.2.3.2. Кўп сменали режимда ишлаганлик, касбларни бирга қўшиб олиб борганлик ва хизмат кўрсатиш зоналарини кенгайтирганлик учун устамалар.

1.2.3.3. Ҳукумат томонидан тасдиқланган касблар ва ишлар рўйхати бўйича оғир, зарарли, ўта зарарли меҳнат ва табиий-иқлим шароитларида ишлаганлик учун устамалар, шу жумладан, ушбу шароитлардаги узлуксиз иш стажини учун устамалар.

1.2.3.4. Алоқа, темир йўл, дарё, автомобиль транспорти ва катта йўллар ходимларининг ва доимий иши йўлда ўтадиган ёки қатнов тусига эга бўлган бошқа ходимларнинг иш ҳақига, хўжалик юритувчи субъект жойлашган жойдан жўнаган пайтидан бошлаб шу жойга қайтиб келган пайтгача тўланадиган йўлда ўтган ҳар бир сутка учун тўланадиган устамалар.

1.2.3.5. Қурилишда, реконструкция қилишда ва мукамал таъмирлашда бевосита банд бўлган, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда вахта усули билан ишларни бажаришган ходимлар учун ишнинг кўчма ва қатнов хусусияти учун устама.

1.2.3.6. Доимий равишда ер ости ишларида банд бўлган ходимларга уларнинг шахтада (конда) иш жойига жўнаб кетишларидан ва орқага қайтишларигача ўтадиган норматив вақт учун қўшимча ҳақ.

1.2.3.7. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг районлар бўйича тартибга солинишига, шу жумладан, район коэффициентлари ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ чўл, сувсиз ва юқори тоғ жойларида ишлаганлик учун коэффициентлар билан белгиланган тўловлар.

1.2.3.8. Хўжалик юритувчи субъект жойлашган жойдан (йиғилиш пунктдан) иш жойига ва орқага қайтадиган йўлда ўтадиган кунлар учун вахтада ишлаш жадвалида назарда тутилган, шунингдек, ходимларнинг метеорология шароитларига кўра ва транспорт ташкилотларининг

айби билан йўлда тутилиб қолинган кунлар учун тариф ставкаси, оклад миқдорида тўланадиган суммалар (вахта усулида ишни бажаришда).

1.2.4. Иш вахта усулида ташкил этилганда, иш вақти жамланиб ҳисобланганда ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган бошқа ҳолларда ходимларга уларга иш вақтининг нормал давом этишидан ортиқ ишлаганлиги муносабати билан бериладиган дам олиш (ортиқча ишланган иш вақти учун дам олиш) кунлари учун ҳақ тўлаш.

1.2.5. Ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш:

1.2.5.1. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ навбатдаги (ҳар йилги) ва қўшимча таътиллер, навбатдаги (ҳар йилги) фойдаланилмаган ва қўшимча таътиллер учун компенсациялар, ўсмирларнинг имтиёзли соатлари, болани овқатлантириш учун оналар ишидаги танаффуслар, шунингдек, тиббий кўриклардан ўтиш билан боғлиқ вақт учун ҳақ тўлаш.

1.2.5.2. Мажбурий таътилда бўлган ходимларга, асосий иш ҳақини қисман сақлаб қолган ҳолда, ҳақ тўлаш.

1.2.5.3. Донор ходимларга қонни текшириш, топшириш кунлари учун ва қон топширилган ҳар бир кундан кейин бериладиган дам олиш кунлари учун ҳақ тўлаш.

1.2.5.4. Давлат вазифаларини бажарганлик учун (ҳарбий йиғинлар, фавқулодда вазиятлар бўйича йиғинлар ва бошқалар) меҳнат ҳақи тўлаш.

1.2.6. Хўжалик юритувчи субъект штатида турмайдиган ходимлар меҳнатига улар томонидан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги тузилган шартномалар бўйича ишлар бажарилганлиги учун ҳақ тўлаш, агар бажарилган иш учун ходимлар билан ҳисоб-китоб хўжалик юритувчи субъектининг ўзи томонидан амалга оширилса, пудрат шартномаси ҳам шу жумлага кирadi.

1.2.7. Белгиланган тартибга мувофиқ ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш фондига киритиладиган тўловларнинг бошқа турлари.

### **1.3. Ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар**

Ижтимоий суғуртага ажратмаларга қуйидагилар кирadi:

1.3.1. Қонун ҳужжатлари билан белгиланган нормалар бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш фондига ижтимоий тусдаги мажбурий ажратмалар.

1.3.2. Нодавлат пенсия жамғармаларига ва ихтиёрий суғуртанинг бошқа турларига ажратмалар.

#### **1.4. Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси**

Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси бўйича харажатлар таркибига қуйидагилар киради:

1.4.1. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг дастлабки (тиклаш) қийматидан келиб чиқиб ҳисобланган амортизация ажратмалари суммаси (ҳисобланган эскириш), лизинг бўйича ва белгиланган тартибда тасдиқланган нормалар, қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилаётган жадаллаштирилган амортизация ҳам шу жумлага киради.

1.4.2. Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар (гудвилл (фирманинг нархи)дан ташқари) эскириши ҳар ойда хўжалик юритувчи субъект томонидан дастлабки қиймати ва улардан фойдали фойдаланиш муддатидан (биноқ хўжалик юритувчи субъект фаолияти муддатидан ортиқ эмас) келиб чиқиб ҳисобланадиган маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига тегишли бўлади. Фойдали фойдаланиш муддатини аниқлаш имкони бўлмаган номоддий активлар бўйича эскириш нормаси беш йил ҳисобига белгиланади, биноқ хўжалик юритувчи субъект фаолияти муддатидан ортиқ эмас.

#### **1.5. Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар**

Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатларни ҳисобга олишнинг навбатдаги комплекс моддалари 1.1, 1.2, 1.3, 1.4-бандларда келтирилган харажатлар элементлари бўйича ажратилади.

1.5.1. Ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатиш харажатлари.

1.5.1.1. Ишлаб чиқаришни хом ашё, материаллар, ёнилғи, энергия, инструмент, мосламалар ва бошқа меҳ-

нат воситалари ва буюмлари билан таъминлаш харажатлари.

1.5.1.2. Асосий ишлаб чиқариш фондларини иш ҳолатида сақлаш харажатлари (техник кўрик ва қаров, ўртача, жорий ва мукамал тузатиш харажатлари). Асосий ишлаб чиқариш воситаларини барча турда (жорий, ўртача, мукамал) тузатишларни хўжалик юритувчи субъектнинг ўз кучи билан ўтказиш ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли элементлари (моддий харажатлар, меҳнат ҳақи тўлаш харажатлари ва бошқалар) бўйича маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритилади.

Зарурат бўлганда, айрим тармоқларнинг хўжалик юритувчи субъектлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг рухсати билан мукамал тузатиш ишларини ўтказиш учун маблағлар захирасини ташкил қилишлари мумкин. Ушбу захирага ажратмалар «Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар» элементи таркибида акс эттирилади ва кўзда тутилаётган харажатлар қиймати ҳамда асосий воситалар ҳар бир объектини мукамал тузатишларнинг даврийлигидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Захирага ажратмалар нормаси ҳар бир ҳисобот йили охирида қайта кўриб чиқилади ва зарурат бўлганда янги молия йили учун ажратмалар миқдори кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин. Агар мукамал тузатишга захира маблағлари суммаси ушбу объектни тузатишга қилинган ҳақиқий харажатлар суммасидан ошиб кетса, ошиб кетган сумма бўйича тузатиш киритилиши керак; агар ҳақиқий харажатлар захирадагидан ошиб кетса, у ҳолда ошиб кетган сумма «Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар» элементи таркибида акс эттирилади.

1.5.1.3. Ёнғиндан сақлаш ва қўриқлашни ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг техникавий фойдаланиш қоидалари билан назарда тутилган бошқа махсус талабларни таъминлаш, улар фаолиятини назорат қилиш харажатлари.

Идорадан ташқари кўриқлаш харажатлари бундай кўриқлаш мавжуд бўлишини талаб қилувчи мазкур ишлаб чиқаришга махсус талаблар мавжуд бўлган тақдирда маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритилиши мумкин.

1.5.1.4. Ишлаб чиқариш фаолиятига тегишли бўлган асосий воситаларни жорий ижарага олиш билан боғлиқ харажатлар.

1.5.1.5. Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларидаги фондларни сақлаш ва улардан фойдаланиш харажатлари, шу жумладан атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловлари.

1.5.1.6. Ишлаб чиқариш хусусиятлари билан боғлиқ бўлган ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган меҳнатнинг нормал шароитларини ва техника хавфсизлигини таъминлаш харажатлари.

1.5.1.7. Ходимларнинг ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашиши билан боғлиқ бўлган соғлиқни муҳофаза қилиш тadbирлари.

1.5.1.8. Текин кўрсатиладиган коммунал хизматлар, озиқ-овқат, айрим тармоқлар ходимларига озиқ-овқатлар қиймати, хўжалик юритувчи субъект ходимларига бериладиган текин уй-жой ҳақини тўлаш харажатлари (ёки уй-жой, коммунал хизматлар ва бошқалар учун пул компенсацияси суммаси).

1.5.1.9. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ текин бериладиган ва шахсий фойдаланишда қоладиган буюмлар қиймати (шу жумладан, формали кийим-бош, махсус овқатлар) (ёки улар пасайтирилган нархлар бўйича сотилиши муносабати билан имтиёзлар суммаси);

1.5.1.10. Ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлган бошқарувнинг техник воситаларини, алоқа узелларини, сигнализация воситаларини, бошқарувнинг бошқа техник воситаларини, ҳисоблаш марказларини сақлаш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатлари;

1.5.1.11. Қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларни тиббий кўриқдан ўтказганлик учун тиббий муассасаларга ҳақ тўлаш.

1.5.2. Ишлаб чиқариш ходимларини ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлган хизмат сафарларига юбориш бўйича харажатлар.

1.5.3. Ишлаб чиқариш ходимларини ва ишлаб чиқариш активларини мажбурий ва ихтиёрий суғурта қилиш харажатлари.

1.5.4. Брак туфайли келиб чиқадиган йўқотишлар.

1.5.5. Ишлаб чиқаришнинг ички сабабларига кўра бекор туришлар туфайли йўқотишлар.

1.5.6. Кафолатли хизмат муддати белгиланган буюмларни кафолатли тузатиш ва уларга кафолатли хизмат кўрсатиш харажатлари.

1.5.7. Маҳсулот (хизматлар)ни мажбурий сертификация қилиш харажатлари.

1.5.8. Ишлаб чиқариш жароҳатлари туфайли меҳнат қобилияти йўқолиши муносабати билан тегишли ваколатли органларнинг қарорлари асосида ва қарорларисиз тўланадиган нафақалар.

1.5.9. Умумий фойдаланиладиган йўловчилар транспорт хизмат кўрсатмайдиган йўналишларда ходимларни иш жойига олиб бориш ва олиб келиш билан боғлиқ харажатлар.

1.5.10. Объектларни давлат капитал қўйилмалари ҳисобига қуришда қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш билан боғлиқ харажатлар.

1.5.11. Гудвилл (фирма нархи)нинг номоддий активи суммасини ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ харажатлар, ишлаб чиқариш мақсадида бўлмаган мол-мулк юзасидан белгиланган тартибда.

1.5.12. Қазиб олувчи тармоқларда тайёргарлик ишлари бўйича харажатлар, агар улар капитал харажатларга тегишли бўлмаса (яъни асосий воситалар сифатида капиталлаштирилмаса). Ушбу харажатлар «Келгуси даврлар харажатлари» сифатида қаралади ва уларни қайтаришнинг белгиланган муддати мобайнида тенг равишда ишлаб чиқариш таннархига ёки қазиб олинган маҳсулотнинг ҳажми ва миқдорига мутаносиб равишда ҳисобдан чиқарилади. Келгуси даврлар харажатларини ҳисобдан чиқаришнинг танланган методи хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисобга олиш сиёсатида акс эттирилиши керак.

1.5.13. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ, ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувчи ходимларнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлиги бўйича нафақалар тўлаш билан боғлиқ харажатлар.

## 2. Давр харажатлари

Давр харажатлари деганда бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ва сарфлар тушунилади: бошқарув харажатлари, маҳсулотни сотиш харажатлари ва умумхўжалик аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Қуйида 2-банд бўйича санаб ўтилган барча харажатлар харажатларнинг комплекс моддалари ҳисобланади ва уларни ҳисобга олиш мазкур Низомнинг 1.5-банди муқаддимасида кўрсатилганидек харажатлар элементлари бўйича ташкил этилади.

«Давр харажатлари»га қуйидаги моддалар киради:

### 2.1. Сотиш харажатлари

2.1.1. Товарларни темир йўл, ҳаво, автомобиль, денгиз, дарё транспортида ва от-уловда ташиш харажатлари. Ушбу моддага ташиш харажатлари ҳамда транспорт воситалари бекор туриб қолганлиги учун тўланган жарималар киритилади.

2.1.2. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини сотиш бўйича харажатлар, шу жумладан:

2.1.2.1. Низомнинг 1.2-бандида санаб ўтилган, маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотиш билан боғлиқ меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, маъмурий-бошқарув ходимларидан ташқари.

2.1.2.2. Низомнинг 1.3-бандига мувофиқ, 2.1.2.1-бандга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага харажатлар.

2.1.2.3. Савдо эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар, иншоотлар ва хоналарни ижарага олиш, сақлаш ва тузатиш харажатлари.

2.1.2.4. Низомнинг 1.4-бандига мувофиқ асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси.

2.1.2.5. Инвентарлар ва хўжалик буюмлари қиймати-ни ҳисобдан чиқариш харажатлари ҳамда уларни белги-ланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолатда сақлаш (таъмирлаш, ювиш, тузатиш, дезинфекция қилиш ва ҳ.к.) билан боғлиқ бошқа харажатлар.

2.1.2.6. Газ, ёқилғи, электр энергияси харажатлари.

2.1.2.7. Товарларни сақлаш, уларга ишлов бериш ва уларни сортларга ажратиш харажатлари.

2.1.2.8. Савдо рекламаси харажатлари.

2.1.2.9. Ташиш, сақлаш ва сотиш чоғида товарларнинг йўқотилиши.

2.1.2.10. Ўраш-жойлаш материаллари харажатлари.

2.1.2.11. Мол-мулкни мажбурий ва ихтиёрий суғурта қилиш харажатлари.

2.1.2.12. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги харажатлари.

2.1.2.13. Вентиляторлар, машиналар ва уларнинг ҳаракатланувчи қисмларини ўрнатиш ва сақлаш, туйнуклар, ўйиқлар ва бошқаларнинг атрофини ўраш бўйича жорий (номукаммал тусдаги) харажатлар.

2.1.2.14. *Чиқариб ташланган.*

2.1.2.15. *Чиқариб ташланган.*

2.1.2.16. *Чиқариб ташланган.*

2.1.2.17. Умумий овқатланиш ва савдо ходимлари тиббий кўрикдан ўтказилганлиги учун тиббиёт муассасаларига ҳақ тўлаш.

2.1.2.18. Касса хўжалигини ва тушум инкассациясини юритиш чиқимлари.

2.1.2.19. Умумий овқатланиш корхоналарида қоғоз салфеткалар, қоғоз дастурхонлар, қоғоз стаканлар ва тарелкалар, бир марта фойдаланиладиган анжомлар қиймати.

2.1.3. Сотиш бозорларини ўрганиш бўйича харажатлар (маркетингга, рекламага сарфланган харажатлар).

2.1.4. Юқорида санаб ўтилмаган сотиш бўйича бошқа харажатлар.

## 2.2. Маъмурий харажатлар

Маъмурий харажатларга қуйидагилар киради:

2.2.1. 1.2-бандда санаб ўтилган бошқарув ходимларига тегишли бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари.

2.2.2. 1.3-бандда санаб ўтилган бошқарув ходимларига тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар.

2.2.3. Хизмат енгил автотранспортга ва хизмат микроавтобусини сақлаш, ёллаш ва ижарага олиш харажатлари.

2.2.4. Хўжалик юритувчи субъект ва унинг таркибий бўлинмаларини ташкил этиш ва уларни бошқариш харажатлари.

2.2.5. Бошқарувнинг техник воситалари, алоқа узеллари, сигнализация воситалари, ҳисоблаш марказларини ва ишлаб чиқаришга тегишли бўлмаган бошқарувнинг бошқа техник воситаларини сақлаш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатлари.

2.2.6. Телекоммуникациялар хизматлари, шу жумладан: маҳаллий тармоқлар; каналларни ижарага бериш; кўчма, йўлдош ва пейжинг алоқа; радиочастота спектридан фойдаланиш; маълумотларни узатиш тармоқлари, шу жумладан Интернет учун ҳақ тўлаш.

2.2.7. Шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари учун ҳақ тўлаш.

2.2.8. Маъмурий-бошқарув эҳтиёжлари учун бинолар ва хоналар ижараси учун ҳақ тўлаш.

2.2.9. Маъмурий аҳамиятга эга бўлган асосий воситаларни сақлаш ва уларни тузатиш, шунингдек, эскириш (амортизация) харажатлари.

2.2.10. Юқори ташкилотлар ва юридик шахслар бирлашмалари: вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар ва бошқалар харажатларига ажратмалар.

2.2.11. Ходимларни ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган мол-мулкни мажбурий ва ихтиёрий суғурта қилиш харажатлари.

2.2.12. Бошқарув ходимларини хизмат сафарларига юбориш бўйича харажатлар.

2.2.13. Вакиллик харажатлари.

2.2.14. Умумий овқатланиш корхоналари ва бошқаларга биноларни текин бериш ва коммунал хизматлар қийматига ҳақ тўлаш харажатлари.

2.2.15. Бевосита ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлмаган, табиатни муҳофаза қилиш аҳамиятига эга бўлган жамғармаларни сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ жорий харажатлар, табиий атроф муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик учун компенсация тўловлари.

2.2.16. Хизматлар қийматини тўлаш ҳамда профессионал бошқарувчи компаниялар, давлатнинг ишончли ва-

киллари ва ишончли бошқарувчиларнинг мукофотлари бўйича харажатлар.

2.2.17. Маъмурий мақсадлар учун фойдаланиладиган инвентарлар ва хўжалик анжомлари қийматини ҳисобдан чиқариш бўйича харажатлар ҳамда уларни белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолатда сақлаш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар.

### **2.3. Бошқа операцион харажатлар**

Бошқа операцион харажатларга қуйидагилар кириди:

2.3.1. Кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш харажатлари, янги ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектда ишлаш учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бундан мустасно.

2.3.2. Лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларида чала ишларни бартараф этиш харажатларини қошлаш, шунингдек, объект қошидаги омборгача транспортда ташиш чоғидаги шикастланишлар ва бузилишлар, коррозияга қарши ҳимоя нуқсонлари туфайли келиб чиққан тафтиш харажатлари (асбоб-ускуналарни қисмларга ажратиш) ва шунга ўхшаш бошқа харажатлар етказиб бериш ва ишларни бажариш шартларини бузган юридик шахслар ҳисобига мазкур харажатлар чала ишлар, шикастланиш ёки зарар кўриш учун жавобгар бўлган етказиб берувчи ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобига ундирилиши мумкин бўлмаган даражада амалга оширилади.

2.3.3. Маслаҳат ва ахборот хизматларига ҳақ тўлаш.

2.3.4. Аудиторлик хизматларига ҳақ тўлаш.

2.3.5. Ўзининг хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлари ва хўжаликларни сақлашдан кўрилган зарарлар.

2.3.6. Саломатликни муҳофаза қилиш ва ходимларнинг ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашуви билан боғлиқ бўлмаган дам олишларни ташкил этиш тадбирлари.

2.3.7. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан мақсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган ишлар (хизматлар)ни (шаҳар ва шаҳарчаларни ободонлаштириш ишлари, қишлоқ хўжалигига ёрдам бериш ва бошқа хил ишларни) бажариш харажатлари.

2.3.8. Компенсация ва рағбатлантириш тусидаги тўловлар:

2.3.8.1. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарор-ларига кўра компенсация тўловлари.

2.3.8.2. Бир марта бериладиган мукофотлар, йил давомидаги иш якунлари бўйича рағбатлантиришлар, узоқ муддат ишлаганлик учун рағбатлантириш ва тўловлар, шу жумладан хўжалик юритувчи субъектнинг ўз қарорига кўра натура билан тўловлар, шунингдек ягона ижтимоий тўлов суммаси, улар бўйича ҳисобланган ҳақ.

2.3.8.3. Қонун ҳужжатларига ёки хўжалик юритувчи субъектнинг ўзининг қарорига мувофиқ мажбурий про-гул вақти ёки паст ҳақ тўланадиган ишни бажарганлик учун ҳақ тўлаш.

2.3.8.4. Вақтинча меҳнат лаёқатини йўқотган тақдир-да қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳақиқий иш ҳақи миқдоригача қўшимча ҳақ.

2.3.8.5. Асосий иш жойи бўйича ишчиларга, хўжалик юритувчи субъект ишчи ва мутахассисларига улар ишдан ажраган ҳолда малака ошириш ва кадрларни қайта тай-ёрлаш тизимида ўқиган вақтда иш ҳақи тўлаш.

2.3.8.6. Қонун ҳужжатларига мувофиқ 12 ёшга тўлма-ган икки ва ундан ортиқ боласи ёки 16 ёшга тўлмаган ногирон боласи бор бўлган аёлларга берилган қўшимча таътилга ҳақ тўлаш.

2.3.8.7. Ходимларга товарлар, маҳсулотлар ва бошқа нарсаларни бепул бериш ёки ходимлар учун ишлар, хиз-матларни бажариш.

2.3.8.8. Ходимларнинг (овқатланиши, йўлжираси, да-воланиш ва дам олишга, экскурсия ва саёҳатларга йўллан-малари, спорт секцияларида, тўгаракларда, клублардаги машғулотлари, маданий-кўнгилочар ва жисмоний тарбия (спорт) тадбирларига қатнашиши, ходимларнинг шахсий обунаси ва истеъмоли ҳамда бошқа шунга ўхшаш тўлов-лари) харажатларини қоплаш.

2.3.9. Иш ҳақини ҳисоблашда ҳисобга олинмайдиган тўловлар ва харажатлар:

2.3.9.1. Қонунчиликка мувофиқ болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақани тўлаш бўйича харажатлар.

2.3.9.2. Пенсияларга устамалар, пенсияга чиқаётган меҳнат фахрийларига бирийўла тўланадиган нафақалар.

2.3.9.3. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлардан уларнинг қайта ташкил этилиши, ходимлар ва штатлар сонининг қисқариши муносабати билан бўшаб қоладиган ходимларга тўловлар.

2.3.9.4. Ходимларга тўланадиган моддий ёрдам.

2.3.10. Соғлиқни сақлаш объектлари, қариялар ва ногиронлар уйлари, болалар мактабгача тарбия муассасалари, соғломлаштириш лагерлари, маданият ва спорт объектлари, халқ таълими муассасалари, шунингдек, уй-жой фонди объектлари таъминотига (шу жумладан, барча турдаги таъмирлаш ишларини ўтказишга амортизация ажратмалари ва харажатларни ҳам қўшган ҳолда) харажатлар.

2.3.11. Вақтинча тўхтатиб қўйилган ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини сақлаш харажатлари (бошқа манбалар ҳисобига қопланадиган харажатлардан ташқари).

2.3.12. Банк ва депозитарий хизматларига тўловлар.

2.3.13. Экология, соғломлаштириш ва бошқа хайрия жамғармаларига, маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, жисмоний тарбия ва спорт корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига бадаллар.

2.3.14. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган ва хўжалик юритувчи субъект харажатларига киритиладиган бюджетга мажбурий тўловлар, солиқлар, йиғимлар, давлат мақсадли жамғармаларига ажратмалар, шунингдек ҳукумат қарорларига биноан халқаро ташкилотларга аъзолик бадалларини тўлаш.

2.3.15. Зарарлар, жарималар, пенялар:

2.3.15.1. Бекор қилинган ишлаб чиқариш буюртмалари бўйича йўқотишлар.

2.3.15.2. Бевосита ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлмаган моддий бойликларни йўқотишлар ҳамда камомадлар.

2.3.15.3. Ишлаб чиқариш захираларини ва тайёр маҳсулотни энг паст баҳолаш усули ёки сотишнинг соф қиймати бўйича қайта баҳолаш ёки баҳосини пасайтириш натижасидаги зарарлар.

2.3.15.4. Идишларга доир ишлар бўйича зарарлар.

2.3.15.5. Суд харажатлари.

2.3.15.6. Тўланиши шубҳали қарзлар бўйича захирага ажратмалар.

2.3.15.7. Қонунчиликка мувофиқ даъво билдириш муддати ўтган ва ундириш нореал бўлган бошқа қарзлар бўйича дебиторлик қарзларини ҳисобдан чиқаришдан кўрилган зарарлар, шунингдек, қонунчиликка мувофиқ юридик ва жисмоний шахслар билан ҳисоб-китоблар бўйича тўланиши шубҳали қарзларни ҳисобдан чиқаришдан кўрилган зарарлар.

2.3.15.8. Ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллар операциялари бўйича кўрилган зарарлар.

2.3.15.9. Табиий офатлар (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулотлар ва бошқа моддий бойликларнинг нобуд бўлиши ва бузилиши, ишлаб чиқаришнинг тўхташи ва бошқалар туфайли йўқотишлар) туфайли кўрилган қопланмайдиган йўқотишлар ва зарарлар, шу жумладан, табиий офатлар оқибатларининг олдини олиш ёки оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ харажатлар.

2.3.15.10. Айбдорлари аниқланмаган ўғирликлардан ёки айбдор томон ҳисобидан зарур суммани ундириш мумкин бўлмаган ҳолларда кўрилган зарарлар.

2.3.15.11. Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий воқитлари ва бошқа мол-мулки (активлари)нинг чиқиб кетиши (балансдан чиқариш)дан кўрилган зарарлар.

2.3.15.12. Хўжалик шартномалари шартларининг, шу жумладан, маҳсулотни етказиб берувчилар ва дебиторлар айби билан бузилганлиги учун белгиланган ёки эътироф этилган жарималар, пенялар, вақтида тўланмаган тўловлар ва бошқа хил санкциялар, шунингдек, етказилган зарарларни тўлаш бўйича харажатлар.

2.3.15.13. Солиқ қонуни ва бошқа қонунларни бузганлик учун жарима ва пенялар.

2.3.15.14. Тўланган бошқа жарималар.

2.3.16. Ходимларга бериладиган ёки ёрдамчи хўжаликлар томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг умумий овқатланиш корхонаси учун ишлаб чиқариладиган маҳсулот (ишлар, хизматлар) бўйича нарх тафовутлари.

2.3.17. Гудвилл (фирма нархи)нинг номоддий активи суммасини ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ харажатлар, ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган мол-мулк бўйича, белгиланган тартибда.

2.3.18. Янги технологиялар яратиш ва қўлланилаёт-

ган технологияларни такомиллаштириш, шунингдек илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлари олиб бориш, хом ашё ва материалларнинг янги турларини яратиш, ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш билан боғлиқ маҳсулотлар сифатини ошириш харажатлари.

2.3.19. Ишлаб чиқариш тусидаги ихтирочилик, рационализаторлик, тажриба-эксперимент ишлари олиб бориш, ихтирочилик ва рационализаторлик таклифлари бўйича моделлар ва намуналарни тайёрлаш ва синаш, кўргазмалар ва кўриқлар, танловларни, сертификатлашни ҳамда ихтирочилик ва рационализаторлик бўйича бошқа тадбирларни ташкил этиш, муаллифлар ҳақини тўлаш харажатлари ва бошқа харажатлар.

2.3.20. Ижарага берилган асосий воситаларни таъминлаш харажатлари.

2.3.21. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ, бошқарув ходимларининг, шунингдек ишлаб чиқариш жараёнида қатнашмайдиган бошқа ходимларнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлиги бўйича нафақалар тўлаш билан боғлиқ харажатлар.

2.3.22. Бошқа харажатлар.

## **2.4. Ҳисобот даврининг келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлари**

Ушбу бўлимда сармоя билан таъминлаш билан боғлиқ бўлмаган ва сармоя билан таъминланадиган асосий воситалар қийматига қўшилмайдиган харажатлар санаб ўтилган.

2.4.1. Хўжалик юритувчи янги субъектлар, ишлаб чиқаришлар, цехлар, агрегатларни ўзлаштиришга харажатлар:

2.4.1.1. Машина ва механизмларнинг айрим турларини яқка тартибда синаб кўриш ҳамда барча турдаги асбоб-ускуналар ва техник қурилмаларни уларнинг ўрнатилиш сифатини текшириб кўриш мақсадида (ишлатилмаётган ҳолатда) комплекс синаб кўриш.

2.4.1.2. Асбоб-ускуналарни ишлаб чиқарган заводлар ёки уларнинг топшириғига биноан ихтисослаштирилган корхоналар томонидан амалга ошириладиган шефмонтаж.

2.4.1.3. Курилаётган корхона дирекциясининг, дирекция бўлмаган тақдирда — техник назорат гуруҳининг харажатлари (маъмурий харажатлар), шунингдек, хўжалик юритувчи янги субъектлар ва объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш билан боғлиқ харажатлар.

2.4.1.4. Янги ишга тушириладиган хўжалик юритувчи субъектларда ишлаш учун кадрлар тайёрлашга харажатлар.

2.4.2. *Чиқариб ташланган.*

2.4.3. Бошқарув тизимлари ва воситаларини яратиш ҳамда такомиллаштириш бўйича харажатлар.

2.4.4. Серияли ва кенг кўламда чиқариладиган маҳсулотлар янги турларини ишлаб чиқаришни ҳамда технологик жараёнларни тайёрлаш ва ўзлаштириш харажатлари.

2.4.5. Қонунчиликка мувофиқ ишчи кучлари қабул қилиш билан боғлиқ харажатлар.

2.4.6. *Чиқариб ташланган.*

2.4.7. *Чиқариб ташланган.*

2.4.8. Хўжалик юритувчи субъектларни, ишлаб чиқариш линияларини ривожлантириш (такомиллаштириш) харажатлари.

### **3. Молиявий фаолият бўйича харажатлар**

3.1. Банклар ва бошқа молия-кредит ташкилотлари кредитлари бўйича фоизлар (инвестиция даврида капитал қўйилмалар таркибига кирувчи инвестицияларга олинган банк ва бошқа молия-кредит ташкилотлари кредитлари бўйича фоизлардан ташқари), шу жумладан, муддати ўтган ва узайтирилган ссудалар бўйича фоизлар.

3.2. Мол-мулкни узоқ муддатли ижарага олиш (лизинг) бўйича фоизларни тўлаш харажатлари.

3.3. Чет эл валютаси билан операциялар бўйича салбий курс тафовутлари ва зарарлар.

3.4. Сарфланган (қимматли қоғозларга, шубҳа корхоналарга ва ҳоказоларга) маблағларни қайта баҳолашдан кўрилган зарарлар.

3.5. Ўз қимматли қоғозларини чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар.

3.6. Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар, шу жумладан, салбий дисконт.

#### 4. Фавқулодда зарарлар

Фавқулодда зарарлар — бу ҳўжалик юритувчи субъектларнинг одатдаги фаолиятидан четга чикувчи ҳодисалар ёки операциялар натижасида вужудга келадиган ва рўй бериши кутилмаган одатдан ташқари харажатлар моддаларидир. Бунга фавқулодда моддалар ва давр харажатлари таркибида акс эттирилиши керак бўлган ўтган давр моддалари кирмайди.

У ёки бу модданинг фавқулодда зарарлар моддаси сифатида акс эттирилиши учун у қуйидаги мезонларга жавоб бериши керак:

— корхонанинг одатдаги ҳўжалик фаолиятига хос эмаслик;

— бир неча йил мобайнида такрорланмаслиги керак;

— бошқарув ходими томонидан қабул қилинадиган қарорларга боғлиқ эмаслик.

Тегишли моддаларни фавқулодда харажатларга кириши ёки киритмаслик тўғрисида қарорлар қабул қилишда ишлар амалга ошириладиган шароитларни ҳам ҳисобга олиш лозим. Масалан, агар ҳўжалик юритувчи субъект алоҳида иқлим шароитларида жойлашган бўлса, у ҳолда — иқлим шароитларига боғлиқ ҳолдаги ишламай туриб қолишлар фавқулодда деб баҳоланиши мумкин эмас, чунки ушбу модда «бир неча йил мобайнида такрорланмаслиги керак» мезонига жавоб бермайди.

#### **В. ҲўЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ҲўЖАЛИК ФАОЛИЯТИ НАТИЖАСИДА ОЛИНАДИГАН ДАРОМАДЛАР РўЙХАТИ**

Ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан уларнинг ҳўжалик фаолиятини амалга ошириши натижасида олиннадиган даромадлари ҳисоботга қуйидаги асосий бўлимлар бўйича киритилади:

— сотишдан олинган соф тушум;

— асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар (операция даромадлари);

- молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;
- фавқулодда даромадлар.

## **1. Сотишдан олинадиган соф тушум**

1.1. Сотишдан олинган соф тушум маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотишдан олинган, ундан қўшилган қиймат, акциз солиғи ва экспорт бож пошлинаси, чегирилган тушум сифатида аниқланади. Унга товарларнинг қайтарилиши, харидорлар учун берилган чегирмалар ва бошқалар киритилмайди.

1.2. Экспорт фаолиятини амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар, даромад (фойда)ни амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳисоблаб чиқарадилар.

1.3. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотишдан тушум бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ аниқланади.

## **2. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан олинадиган бошқа даромадлар**

Асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан олинадиган бошқа даромадларга қуйидагилар киради:

2.1. Ундирилган ёки қарздор томонидан эътироф этилган жарималар, пенялар, вақтида тўланмаган қарзлар ва хўжалик шартномалари шартларини бузганлик учун бошқа хил жазо жарималари, шунингдек, етказилган зарарларни ундириш бўйича даромадлар.

2.2. Ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги фойда.

2.3. Ишлаб чиқариш ва маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган операциялардан рента даромади, хўжалик юритувчи субъектлар ҳузуридаги ошхоналардан тушумлар, ёрдамчи хизматлардан даромадлар сифатидаги бошқа даромадлар.

2.4. Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий фондларини ва бошқа мол-мулкларини сотишдан олинган даромадлар.

2.5. Даъво билдириш муддати ўтган кредиторлик ва

депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар.

2.6. Товар-моддий бойликларни пухта баҳолаш. Товар-моддий бойликларни тўлиқ баҳолаш суммаси маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилишига кўра солиқ солинадиган даромадга киритилади).

2.7. Давлат субсидияларидан даромадлар\*.

2.8. Холисона молиявий ёрдам.

2.9. Бошқа операциялар даромадлар.

### **3. Молиявий фаолиятдан олиннадиган даромадлар**

Молиявий фаолиятдан олиннадиган даромадларга қуйидагилар кирилади:

3.1. Олинган роялтилар ва сармоя трансферти.

3.2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида улуш қўшган ҳолда қатнашишдан олинган даромад, акциялар бўйича дивидендлар ва облигациялар ҳамда хўжалик юритувчи субъектга тегишли қимматли қоғозлар бўйича даромадлар.

3.3. Мол-мулкни узоқ муддатли ижарага беришдан олинган даромадлар (лизинг тўловини олиш).

3.4. Валюта счётлари, шунингдек, чет эл валютала-ридаги операциялар бўйича ижобий курс тафовутлари.

3.5. Сарфланган (қимматли қоғозларга, шубҳа корхоналарга ва ҳоказоларга) маблағларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар.

3.6. Молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар.

### **4. Фавқулодда фойда**

Фавқулодда фойда моддалари — бу кўзда тутилмаган, тасодиқий тусга эга бўлган, ҳодиса ёки хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолияти доирасидан четга чиқадиган тусдаги операциялар натижасида пайдо бўладиган ва олинини кутилмаган фойдадир. Бунга даромадлар-

---

\* Солиқ солиш чоғида ялпи даромадга киритилмайди.

нинг фавқулодда моддалари ёки асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар бўлимида акс эттирилиши керак бўлган ўтган даврлардаги фойда кирмайди.

### **Г. ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАРНИ, ТУГАЛЛАНМАГАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШЛАРНИ, ШУНИНГДЕК, КЕЛГУСИ ДАВРЛАР ХАРАЖАТЛАРИНИ БАҲОЛАШ**

Ушбу Низомга мувофиқ ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобот даври мобайнида ишлаб чиқариш счётларида ва тайёр маҳсулот счётида шаклланиши керак. Бироқ бир турдаги маҳсулотни серияли (кенг кўламда) ишлаб чиқаришда фавқулодда ҳолатлар туфайли келиб чиққан фавқулодда ёки бир галги харажатлар тайёр маҳсулот таннархига киритилмаслиги, балки сотиш харажатлари сифатида тўғридан-тўғри ҳисобдан чиқарилиши керак.

Товар-моддий бойликлар захираларини, тугалланмаган ишлаб чиқаришни, шунингдек, келгуси даврлар харажатларини баҳолаш «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

Келгуси даврлар харажатлари харажатларнинг алоҳида тоифасини ташкил қилади. Улар жорий даврда амалга оширилади, бироқ кейинги ҳисобот даврларидаги ишлаб чиқариш харажатларига қўшилади. Бироқ мазкур Низомга мувофиқ ушбу харажатлардан 2-иловада келтирилган рўйхатдаги харажатлар чиқариб ташланади (улар ҳисобот даврининг келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариб ташланадиган харажатлари сифатида акс эттирилади).

### **Д. СОЛИҚ СОЛИНАДИГАН БАЗАНИ АНИҚЛАШ**

Хўжалик юритувчи субъектнинг даромад (фойда) солиғи бўйича солиқ солинадиган база қуйидагича ҳисоблаб чиқарилади:

даромад (фойда) солиғи тўлангунгача бўлган даромад (фойда) ёки зарар (Низомнинг А-Г бўлимларига мувофиқ);

плюс 1-иловада келтирилган бухгалтериядаги фойда

билан солиқ солинадиган фойда ўртасидаги доимий тафовутлар;

~~плюс ёки минус 2-иловада келтирилган сарфланган харажатларни солиқ олинадиган базадан чегириб ташлаш вақтидаги тафовутлар;~~

**минус** қонунчиликка мувофиқ солиқлар бўйича имтиёзлар;

**тенг** бўлади даромад (фойда) солиғи бўйича солиқ солинадиган база.

*Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида низомга*  
**1-ИЛОВА**

## **I. СОЛИҚ СОЛИНАДИГАН БАЗАГА КИРИТИЛАДИГАН ХАРАЖАТЛАР МОДДАЛАРИ (ЧЕГИРИЛМАЙДИГАН ХАРАЖАТЛАР ЎКИ ДОИМИЙ ТАФОВУТЛАР)**

### **Ишлаб чиқариш таннархи бўйича**

1.1. Корхоналар томонидан сув хўжалиги тизимларидан белгиланган лимитлардан ортиқча ишлатиладиган сув учун тўлов.

1.2. Ишлаб чиқариш соҳасида моддий бойликларнинг табиий ишдан чиқиш нормаларидан ортиқча нобудгарчиликлар, бузилишлар ва камомадлар.

### **Хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш ишчилари ва бошқа ходимлари меҳнатига харажатлар бўйича**

1.3. Айрим тармоқлар ходимларига бепул кўрсатиладиган коммунал хизматлар, бериладиган овқатлар, маҳсулотлар қиймати, ходимларга бепул бериладиган уй-жой ҳақини тўлаш харажатлари (бепул берилмаган уй-жой, кўрсатилмаган коммунал хизматлар ва шу кабилар учун пул компенсацияси суммаси).

1.4. Хўжалик юритувчи субъект ходимларига «Ишлаб чиқариш таннархи» бўлимининг 1.2.7-бандида кўрсатилган қўшимча тўловларнинг бошқа турлари.

1.5. *Чиқариб ташланган.*

1.6. Жамоа шартномаси бўйича ходимларга қўшимча равишда (қонунчиликда назарда тутилгандан ортиқча) берилган таътиллار, улар бўйича компенсация тўловлари.

1.7. Ходимларга бериладиган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ёки хўжалик юритувчи субъектнинг умумий овқатланиш учун ёрдамчи хўжаликлар тайёрлайдиган маҳсулотлар нархлари бўйича тафовутлар.

1.8. Хўжалик юритувчи субъект раҳбари қарорига кўра амалга ошириладиган, ишлаб чиқариш ходимларининг қонунчиликда назарда тутилган нормалардан ортиқча хизмат сафарлари билан боғлиқ тўловлар.

### **Ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар бўйича**

1.9. Нодавлат пенсия жамғармаларига ажратмалар.

1.10. Суғуртанинг ихтиёрий турлари бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча ажратмалар.

### **Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар бўйича**

1.11. Табиий атроф муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча жойлаштирганлик учун компенсация тўловлари.

1.12. Тегишли ваколатли органлар қарорларисиз тўланадиган, ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар туфайли меҳнат қилиш лаёқатини йўқотишлар билан боғлиқ нафақалар.

### **Давр харажатлари бўйича**

1.13. *Чиқариб ташланган.*

1.14. *Чиқариб ташланган.*

1.15. *Чиқариб ташланган.*

1.16. *Чиқариб ташланган.*

1.17. Юқори органлар ҳамда юридик шахслар бирлашмалари: вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар ва бошқалар харажатларига ажратмалар.

1.17<sup>1</sup>. Бошқарув ходимларига тегишли нодавлат пенсия жамғармаларига ажратмалар.

1.18. Бошқарув ходимларининг хизмат сафарлари учун белгиланган нормалардан ортиқча харажатлар.

1.19. Қонунчиликда белгиланган норматив ва нормалардан ортиқча вакиллик харажатлари.

1.20. Умумий овқатланиш корхоналари учун бепул бинолар бериш харажатлари, уларга коммунал хизматлар кўрсатиш қийматини тўлаш ва бошқалар.

1.21. Ходимларни ва мол-мулкни ихтиёрий суғурта қилишга ҳамда ихтиёрий суғуртанинг ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган бошқа турларига қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча харажатлар.

1.21<sup>1</sup>. Ишлаб чиқариш жараёнига бевосита тааллуқли бўлмаган атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик ва унга чиқиндиларни жойлаштирганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча компенсация тўловлари.

1.21<sup>2</sup>. Давлат мулкни бошқариш бўйича бошқарувчи компаниялар, давлат ишончли бошқарувчилари ва ишончли бошқарувчилар мукофотлари ва хизматлар ҳақи, шунингдек бошқа профессионал бошқарувчи компаниялар мукофотлари бўйича харажатлар.

1.22. Хўжалик юритувчи субъект соҳасига тўғри келмайдиган касблар бўйича кадрлар тайёрлаш харажатлари.

1.23. Лойиҳалардаги ва қурилиш-монтаж ишларидаги камчиликларни, шунингдек объект ёнидаги омборга ташиб келтирилгунгача содир бўлган бузилишлар ва деформацияларни бартараф этиш бўйича харажатлар, занглашдан ҳимоя қилишдаги камчиликлар оқибатида текшириб кўриш (асбоб-ускуналарни қисмларга ажратиш) бўйича харажатлар ва шу каби бошқа харажатлар етказиб бериш ва ишларни бажариш шартларини бузган юридик шахслар ҳисобига, ушбу харажатларни камчиликлар, бузилишлар ёки нобудгарчиликлар учун жавобгар етказиб берувчи ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобига ундириш мумкин бўлмаган миқдорда, қопланади.

1.24. Хўжалик юритувчи субъект қатнашчиларидан (мулкдорларидан) бирининг ташаббуси бўйича амалга оширилган аудиторлик хизматлари учун тўлов.

1.25. Ўз хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлари ва хўжаликларига сарфланган харажатлардан кўрилган зарарлар.

1.26. Ходимларнинг ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашиши билан боғлиқ бўлмаган саломатликни муҳофаза қилиш ва дам олишни ташкил қилиш тадбирлари харажатлари.

1.27. Маҳсулот ишлаб чиқариш (шаҳарлар ва шаҳарчаларни ободонлаштириш, қишлоқ хўжалигига ёрдам кўрсатиш ва бошқа иш турлари) билан боғлиқ бўлмаган ишлар (хизматлар)ни бажаришга хўжалик юритувчи субъектлар томонидан сарфланган харажатлар.

1.28. Байрамлар ва атоқли саналар, ижтимоий фаолиятдаги ютуқлар муносабати билан ходимларни рағбатлантириш ҳисобланадиган бир марталик мукофотлар.

1.29. Ходимларга товарлар, маҳсулотлар ва бошқа қимматбаҳо буюмларни бепул бериш ёки ходимлар учун ишлар, хизматларни бажариш.

1.30. Ходимлар харажатларини тўлаш (овқатланишга, йўл ҳақига, даволаниш ва дам олишга, экскурсияларга, саёҳатларга йўлланмаларга, спорт секцияларида, тўғарақларда, клубларда машғулотларга, маданий-кўнгилочар томошаларга, жисмоний тарбия (спорт) тадбирларига, обунага ва ходимларнинг шахсий истеъмол товарларига ва бошқа шу кабиларга тўловлар).

1.31. Пенсияларга устамалар, пенсияга чиқаётган меҳнат фахрийларига бийўла тўланадиган нафақалар.

1.32. Ходимларга тўланадиган моддий ёрдам, ходимнинг жароҳатланиши ёки бошқа тарзда соғлиғига шикаст етказилиши ва ходим оила аъзоларининг вафоти муносабати билан бериладиган моддий ёрдамдан ташқари.

*1.33. Чиқариб ташланган.*

1.34. Экология, соғломлаштириш ва бошқа хайрия жамғармаларига (агар улар юридик шахслар сифатида рўйхатдан ўтказилган бўлса), маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, жисмоний тарбия ва спорт корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига бадаллар.

1.35. Ишлаб чиқариш жараёнига бевосита тегишли бўлмаган моддий бойликларнинг табиий камайиш нормаларидан ортиқча нобудгарчилиги ва камомати.

1.36. Суд харажатлари.

*1.37. Чиқариб ташланган.*

1.38. Айбдорлари аниқланмаган ўғирликлардан ёки айбдор томон ҳисобидан зарур суммани ундириш мумкин бўлмаган ҳолларда кўрилган зарарлар.

1.39. Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий воситалари ва бошқа мол-мулки (активлари)нинг чиқиб кетиши (балансдан чиқарилиши)дан кўрилган зарарлар, хўжалик юритувчи субъект томонидан уч йилдан ортиқ ишлатилган асосий воситаларни сотишдан кўрилган зарардан ташқари.

1.40. Хўжалик шартномалари шартларининг, шу жумладан маҳсулот етказиб берувчилар ва дебиторлар айби билан бузилганлиги учун белгиланган ёки эътироф этилган жарималар, пенялар, неустойкалар ва бошқа хил санкциялар, шунингдек, етказилган зарарларни тўлаш бўйича харажатлар.

1.41. Солиқ ҳақидаги қонунларни ва бошқа қонунларни бузганлик учун жарима ва пенялар.

1.42. Тўланган бошқа жарималар.

1.43. Хўжалик юритувчи субъектнинг «Давр харажатлари» бўлимининг 2.3.22-бандида кўрсатилган бошқа операция харажатлари.

### **Молиявий фаолият бўйича харажатлар**

1.44. Тўлов муддати ўтган ва узайтирилган ссудалар бўйича фоизлар.

1.45. *Чиқариб ташланган.*

1.46. *Чиқариб ташланган.*

1.47. Қимматли қоғозлар қийматини муддатидан олдин тўлаш муносабати билан вужудга келган дисконт, агар у бюджетдан қарзларни тўлаш билан боғлиқ бўлмаса.

1.48. *Чиқариб ташланган.*

### **II. Чиқариб ташланган.**

*Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида низомга*  
**2-ИЛОВА**

**УШБУ ДАВРНИНГ СОЛИҚ СОЛИНАДИГАН  
БАЗАСИДАН ЧИҚАРИЛМАЙДИГАН, БИРОҚ  
КЕЙИНГИ ДАВРЛАРНИНГ СОЛИҚ СОЛИНАДИГАН  
БАЗАСИДАН ЧИҚАРИЛАДИГАН ХАРАЖАТЛАР  
(ВАҚТЛАР БЎЙИЧА ТАФОВУТЛАР)**

Харажатларнинг ушбу моддалари хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботларида давр харажатлари сифатида ҳисобга олинади. Бироқ улар солиқ олиш мақсадлари учун уларни солиқ солинадиган базага киритиш учун фойдага қайтадан ҳисобга олинади, сўнгра эса ушбу харажатларнинг бутун фойдали муддати давомида ёки 10 йил мобайнида, ушбу муддатлардан қайси бирининг (вақтлар бўйича тафовутларнинг) қисқа бўлишига қараб, кейинчалик чиқариб ташланади.

Ушбу даврнинг солиқ солинадиган базасидан чиқарилмайдиган, бироқ кейинги даврларнинг солиқ солинадиган базасидан чиқариладиган харажатларга қуйидагилар кирилади:

1. Ишончсиз қарзлар бўйича резервга ажратмалар.
2. Машина ва механизмларнинг айрим турларини яқка тартибда синаб кўриш ҳамда барча турдаги асбоб-ускуналар ва техник қурилмаларни, уларнинг ўрнатилиш сифатини текшириб кўрини мақсадида (ишлатилаётган ҳолатда), комплекс синаб кўриш харажатлари.
3. Асбоб-ускуналарни етказиб берган заводлар ёки уларнинг топшириғига биноан ихтисослаштирилган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан амалга ошириладиган шефмонтаж харажатлари.
4. Қуриладиган хўжалик юритувчи субъект дирекциясининг, дирекция бўлмаган тақдирда — техник назорат гуруҳининг харажатлари (маъмурий харажатлар), шунинг-

дек хўжалик юритувчи янги субъектлар ва объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш билан боғлиқ харажатлар.

5. Янги ишга туширилган хўжалик юритувчи субъектларда ишлаш учун кадрлар тайёрлаш харажатлари.

6. *Чиқариб ташланган.*

7. Бошқарув тизимлари ва воситаларини яратиш ҳамда такомиллаштириш бўйича харажатлар.

8. Серияли ва кенг кўламда чиқариладиган маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқариш ҳамда технологик жараёнларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўзлаштириш харажатлари.

9. Қонунчиликка мувофиқ ишчи кучлари қабул қилиш билан боғлиқ харажатлар.

10. *Чиқариб ташланган.*

11. *Чиқариб ташланган.*

12. Хўжалик юритувчи субъектларни, ишлаб чиқариш линияларини ривожлантириш (такомиллаштириш) харажатлари.

13. Жадаллаштирилган метод билан ҳисобланган амортизация суммаси ва белгиланган нормалар бўйича ҳисобланган амортизация суммаси ўртасидаги фарқ:

а) асосий воситалар бўйича солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ;

б) номоддий активлар бўйича бошланғич қийматидан ва фойдали ишлатиш муддатидан келиб чиққан ҳолда хўжалик юритувчи субъект томонидан ҳисоблаб чиқилган нормаларга мувофиқ.

# **ЧОРАКЛИК ВА ЙИЛЛИК МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ**

**Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги томонидан  
рўйхатга олинган  
3.07.2000 й. 942-сон**

**Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги томонидан  
тасдиқланган  
15.06.2000 й. 47-сон**

*(Мазкур Низомга ЎзР АВ томонидан 22.07.2002 й. 942-1-сон билан рўйхатга олинган МВ қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган)*

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни ва бухгалтерия ҳисобининг 1-сонли «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» миллий стандартига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Низомда бухгалтерия ҳисоби субъектлари томонидан молиявий ҳисоботларни тақдим қилиш муддатлари белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ молиявий ҳисобот қуйидагиларга тақдим этилади:

— мулкдорларга (давлат мулкани бошқаришга ваколатли бўлган органларига; таъсис ҳужжатларига мувофиқ муассисларга (иштирокчиларга);

— солиқ органларига;

— давлат статистика органларига;

— қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа органларга.

Кичик ва ўрта корхоналар, микрофирмалар ҳисоботни фақат жойлардаги давлат статистика органлари ва солиқ органларига тақдим этадилар.

## **Чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатлари**

1. Вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, концернлар ва давлат мулкани бошқарувчи бошқа органлар учун умумлаштирилган чораклик ва йиллик ҳисоботларни тақдим этишнинг қуйидаги муддатлари белгиланади:

— чораклик ҳисоботлар учун ҳисобот чораги тугагандан сўнг 40 (қирқ) кун мобайнида;

— йиллик ҳисоботлар учун ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 мартидан кечиктирмай.

2. Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар ва чет эл фирмаларининг ваколатхоналари учун йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддати ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 25 мартидан кечиктирмай белгиланади.

3. Юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет ташкилотлари молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни молия органларига йилда бир марта ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 мартидан кечиктирмай тақдим этадилар.

4. Хўжалик юритувчи субъектлар (мазкур Низомнинг 1-3-бандларида кўрсатилган субъектлардан ташқари) чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни қуйидаги муддатларда тақдим этадилар:

— чораклик молиявий ҳисоботлар учун ҳисобот даври тугагандан кейинги ойнинг 25-кунига қадар;

— йиллик молиявий ҳисоботлар учун ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 февралдан кечиктирмай.

Кичик корхоналар ва микрофирмалар фақат йиллик молиявий ҳисоботни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 февралдан кечиктирмай тақдим этадилар.

### **Хўжалик юритувчи субъектларнинг жавобгарлиги**

5. Вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, концернлар ва давлат мулкани бошқарувчи бошқа органлар, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан хорижий сармоялар иштирокидаги субъектлар мазкур Низомни бузганликлари учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

6. Мазкур Низом кучга кирган пайдан бошлаб қўйидаги меъерий ҳужжатлар ўз кучини йўқотади:

— Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1993 й. 22 мартдаги 21-сонли «Корхоналар ва ташкилотлар чорақлик бухгалтерия ҳисоботининг ҳажми ва шакллари тўғрисида»ги хати;

— Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1993 й. 27 октябрдаги 76-сонли «Корхоналар ва ташкилотлар йиллик бухгалтерия ҳисоботининг ҳажми ва шакллари тўғрисида»ги хати;

— Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1994 й. 17 январдаги 8-сонли Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1993 й. 27 октябрдаги 76-сонли хатини тўлдириш масаласи бўйича хати;

— Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1993 й. 16 ноябрдаги 81-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат солиқ бошқармасининг 66-сонли «Чорақлик ва йиллик бухгалтерия ҳисоботларини тақдим этиш муддатлари тўғрисида»ги хати;

— Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1994 й. 30 июндаги 17-02/35-сонли «Ярим йиллик бухгалтерия ҳисоботини тақдим этиш муддатлари тўғрисида»ги хати;

— Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1995 й. 19 апрелдаги 44-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 34-сонли «Молиявий натижалар тўғрисидаги бухгалтерия ҳисоботини тақдим этиш тўғрисида»ги хати;

— Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1996 й. 31 октябрдаги «1996 йилдан бошлаб умумлаштирилган чорақлик ва йиллик бухгалтерия ҳисоботлари ва балансларни тақдим этиш муддатлари тўғрисида»ги 165-сонли буйруғи;

— Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1996 й. 6 февралдаги 17-7/20-сонли «1996 йил учун чорақлик бухгалтерия ҳисоботларининг ҳажми тўғрисида»ги хати (ўзбек тилида);

— Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1996 й. 6 февралдаги 11-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 96-13-сонли хати.

**ДОРИ-ДАРМОН ВОСИТАЛАРИ  
ВА ТИББИЁТ БУЮМЛАРИНИ СОТИШДА  
САВДО УСТАМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ  
ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА  
НИЗОМ**

**Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги томонидан  
рўйхатга олинган  
29.09.2000 й. 974-сон**

**Тасдиқланган  
Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги  
18.08.2000 й. 12-06-08/489-сон  
Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
18.08.2000 й. 061/3-498-сон**

**Келишилган  
Ўзбекистон Республикаси  
Давлат солиқ қўмитаси  
24.08.2000 й. 2000-109-сон  
Ўзбекистон Республикаси  
Монополиядан чиқариш  
ва рақобатни ривожлангириш  
давлат қўмитаси  
24.08.2000 й. 5-сон**

**I. Умумий қоидалар**

1.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 14 январдаги 19-сонли, 2000 йил 29 июндаги 245-сонли, 2000 йил 5 августдаги 307-сонли қарорлари асосида ишлаб чиқилган дори-дар-

мон воситалари ва тиббиёт буюмларини улгуржи савдога етказиб беришда ва чакана дорихона тармоғида сотишда савдо устамаларини қўллашни назарда тутати.

1.2. Ушбу Низом дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини сотишга лицензияси бўлган мулкчилик туридан қатъи назар барча юридик шахсларга, шунингдек юридик шахсни ташкил этмай тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларга мажбурийдир.

## **II. Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари улгуржи савдосида сотиш нархларини шакллантиришнинг тартиби**

2.1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг лицензиясига эга бўлган хўжалик субъектлари томонидан импорт бўйича сотиб олинган ҳамда тиббиёт муассасаларига, чакана савдо корхоналарига ва бошқа истеъмолчиларга етказиб бериладиган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларига нархлар БЮДда кўрсатилган товарни, божхонада расмийлаштирилган санага Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси билан эркин курс ўртасидаги фарқи билан божхона қиймати, Ўзбекистон Республикасининг чегарасига товарни етказиб келтириш билан боғлиқ бўлган транспорт харажатлари ва томонларнинг келишувига асосан белгиланган улгуржи-чакана савдо босқичидаги савдо устамаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги 307-сонли қарори билан белгиланган товар етказиб беришда қатнашувчи воситачиларнинг сонидан қатъий назар сотиб олиш қийматининг 20 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда савдо устамаси ҳисобга олиниб белгиланади.

2.2. Бошқа корхоналар томонидан тиббиёт муассасалари, чакана савдо корхоналари ва бошқа истеъмолчиларга етказиб бериладиган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларига нархлар товарни харид қилиш қиймати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги 307-сонли қарори билан белгиланган товар етказиб беришда қатнашувчи восита-

чиларнинг сонидан қатъи назар сотиб олиш қийматининг 20 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда савдо устамасидан келиб чиқиб белгиланади.

2.3. Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини кирим қилишда харид қиймати қуйидаги формула билан аниқланади:

$$X = \text{ШҚ} + \text{Б} + \text{Кф} + \text{Бх},$$

бунда:

**X** — импорт қилинган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларининг харид қиймати («Товарлар» ҳисобварағининг дебети);

**ШҚ** — импорт қилинган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларининг божхона юк декларацияси тўлдирилган санага бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курсидан келиб чиқиб белгиланган шартномавий қиймати;

**Б** — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича белгиланган тартибда ҳисоблаб чиқарилган божхона тўловлари;

**Кф** — Божхона юк декларацияси тўлдирилган санага бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курсидан келиб чиқиб белгиланган шартномавий қиймат ҳамда эркин курс ўртасидаги курсли фарқ;

**Бх** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш харажатларининг таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом»нинг 1.1, 1.2-бандларига мувофиқ товарни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган шаклланадиган бошқа харажатлар.

Импорт қилинган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари кирим қилинган санага Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси билан эркин курс ўртасидаги фарқи «Келгуси даврлар даромадлари» бухгалтерия ҳисобварағида акс эттирилади ва чет эллик маҳсулот етказиб берувчига бўлган кредиторлик қарзлари узилиб борилиши билан молия-хўжалик фаолиятининг натижаларига киритилади.

Ушбу операциялар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— импорт қилинган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларининг шартномавий қиймати божхона юк декларацияси тўлдирилган санага бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курси бўйича кирим қилинади:

Дт «Товарлар»,

Кт «Маҳсулот етказиб берувчилар билан ҳисоблашиш»;

— бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курси ва эркин курс ўртасида шу санага бўлган курсли фарқнинг суммасига:

Дт «Товарлар»,

Кт «Келаси даврлар даромадлари»;

— товар импорт қилинишида юзага келадиган божхона тўловлари ва бошқа тўловлар:

Дт «Товарлар»,

Кт «Бюджет билан ҳисоблашиш»,

Кт «Бошқа дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоблашиш».

Чет эллик маҳсулот етказиб берувчига товар қиймати тўланишида:

— товарнинг БЮД бўйича қийматга:

Дт «Маҳсулот етказиб берувчилар билан ҳисоблашиш»,

Кт «Валюта ҳисобварағи»;

— эркин айирбошланадиган валютанинг харид қилишдаги айирбошлаш курси суммасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгиланган курс ўртасидаги фарқига:

Дт «Келаси даврлар даромадлари»,

Кт «Валюта ҳисобварағи».

Йилнинг хар чораги охирида «Келаси даврлар даромадлари» ҳисобварағи бўйича сальдо «Фойдалар ва зарарлар» ҳисобварағига курсли фарқ сифатида киритилади.

2.4. Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари консигнацияга оид шартнома бўйича етказиб берилса, уларнинг қиймати мазкур Низомнинг 2.1-бандида кўзда тутилган тартибда аниқланади.

Бунда бухгалтерия ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 21 январдаги 607-

сон билан рўйхатга олинган Молия вазирлигининг «Кон-сигнацияга оид операцияларнинг бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари» хатига мувофиқ амалга оширилади.

2.5. Дори-дармонлар ва тиббиёт буюмларининг харид қиймати савдо устамасини ҳисоблаб чиқаришга база бўлади.

2.6. Дори-дармон воситалари бевосита улгуржи ёки чакана савдо корхоналарида ишлаб чиқилганда, уларнинг сотилиши амалдаги қоидаларга мувофиқ шаклланган иш-лаб чиқариш нархида амалга оширилади.

2.7. Улгуржи савдо орқали етказиб беришда бир қан-ча воситачилар қатнашса, мазкур етказиб беришда қатна-шаётган томонларнинг келишуви бўйича улгуржи савдо орқали етказиб берувчилар учун белгиланган савдо уста-маларининг энг кўп миқдорини бўлиш қўлланилади. Масалан:

1	Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларининг харид (тахминий харид) қиймати (базавий нархи), сўмда	150
2	Энг кўп савдо устамаси, %да	20(10)
3	Биринчи сотувчи томонидан сотиш нархи:	
	сотиб олиш нархи, сўмда	150
	устама ҳақ, %да	10(5)
	устама ҳақ суммаси, сўмда	15(7)
	сотиш нархи, сўмда	165(157)
4	Иккинчи сотувчи томонидан сотиш нархи:	
	сотиб олиш нархи, сўмда	165(157)
	устама ҳақ ҳисоблаб қўйиладиган нарх, сўмда	150
	устама ҳақ, %да	10(5)
	устама ҳақ суммаси, сўмда	5(7)
	иккинчи сотувчи томонидан сотиш нархи, сўмда	180(165)

Бунда нархларни чегаралаш қуйидагича амалга оши-рилади: 50 тийингача чегаралаш камайтирилиш тарафи-

га, 50 тийиндан ортиғи кўпайтирилиш тарафига амалга оширилади.

2.8. Сотиладиган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларига ҳисоб-китоб ҳужжатлари расмийлаштирилганда албатта базавий нархи, кейинчалик сотишни амалга оширувчи корхонанинг харид нархи ва у томондан қўлланилган устама ҳақ кўрсатилади.

### **III. Чакана савдода сотишда дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларининг сотиш нархларини шакллантириш тартиби**

3.1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки лицензиясига эга бўлганлар томонидан импорт бўйича олиб кириладиган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларининг чакана дорихона тармоғи корхоналари миқдори улгуржи савдо бўйича етказиб берувчи ва чакана савдо корхонаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги 307-сонли қарори билан белгиланган миқдорлар доирасида чакана савдо қисмидаги устама ҳақ кўшилиш йўли билан шаклланган эркин (шартномавий) чакана нархлар бўйича сотади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки лицензиясига эга бўлганлар томонидан олиб кириладиган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларига улгуржи чакана савдо босқичларида қўйиладиган умумий савдо устамаси воситачиларнинг сонидан қатъи назар дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари харид нархларининг 20 фоизидан ошмаслиги керак.

3.2. Чакана дорихона тармоғи корхоналари бошқа дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 14 январдаги 19-сонли қарори билан чакана савдо қисмида энг кўп миқдори белгиланган харид нархига 25 фоиздан ортиқ бўлмаган савдо устамасини қўшиш йўли билан шаклланган эркин (шартномавий) чакана нархларда сотадилар.

3.3. Улгуржи чакана савдо муассасалари ўзларининг хусусий чакана савдо тармоқлари орқали дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари савдосининг харид нарх-

лардаги ҳар бир қисмининг устама ҳақини қўллаб, харажатларни алоҳида ҳисобга олиш шарти билан сотилишини амалга оширади. Бунда устаманинг умумий миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий банки лицензиясига эга бўлганлар томонидан импорт бўйича олиб кирилатган дори-дармонлар ва тиббиёт буюмлари 20 фоиз ҳамда бошқаларга 50 фоиздан ошмаслиги керак.

#### **IV. Савдо устамаларини шакллантириш ва мазкур Низомга амал қилмаганлик учун жавобгарлик**

4.1. Улгуржи ва чакана дорихона тармоғи корхоналари савдо устамаларини Вазирлар Маҳкамаси белгилаган энг кўп миқдордан кам бўлган миқдорини белгилашлари мумкин.

4.2. Савдо устамаси шакллантирилганда корхона (улгуржи ва чакана савдо) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги қарори билан тасдиқланган «Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳамда молия натижаларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом»га амал қилиб, харажатлар (айланмадаги эскириш)ни ҳисоблаб чиқаради.

4.3. Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча дорихона муассасаларида нархларни шакллантириш дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини сотишда савдо устамаларини қўллашни назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига юкланади.

4.4. Савдо устамасининг энг кўп миқдори оширилгани аниқланган ҳолда юридик шахс мақомини ташкил этмай тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик чоралари қўлланилади.

Мазкур Низом кучга кирган пайдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида 1999 йил 26 январда, Соғлиқни сақлаш вазирлигида 1999 йил 28 январда, Давлат солиқ қўмитасида тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 19 февралда 642-сон билан рўйхатга олинган Тартиб ўз кучини йўқотади.

**1 ЯНВАРЬ ҲОЛАТИ БЎЙИЧА АСОСИЙ  
ФОНДЛАРНИ ҲАР ЙИЛИ ҚАЙТА  
БАҲОЛАШНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ  
ТЎҒРИСИДА  
НИЗОМ**

**Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги томонидан  
рўйхатга олинган  
4.12.2002 й. 1192-сон**

**Тасдиқланган  
Ўзбекистон Республикаси  
Макроиктисодстат вазирлиги  
29.10.2002 й. 4-сон  
Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги  
29.10.2002 й. 129-сон  
Ўзбекистон Республикаси  
Давлат солиқ қўмитаси  
29.10.2002 й. 2002-86-сон**

*(Мазкур Низомга ЎзР АВ томонидан 23.04.2003 й. 1192-1-сон билан рўйхатга олинган ЎзР ИВ, МВ, ДСҚ ва Давстат-қўмитасининг қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган)*

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги «Асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва 2002 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг параметрлари тўғрисида» 490-сон қарорининг 12-бандини бажариш учун ишлаб чиқилган ҳамда 1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказишнинг ягона тартибини белгилайди.

Мазкур Низомнинг амал қилиши мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунушидан қатъи назар барча корхоналар,

ташкilotлар ва муассасаларга (матн давомида — ташкilotлар) татбиқ этилади.

### **1-§. Асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказишнинг умумий қоидалари ва тамойиллари**

1. Қайта баҳолаш мақсадида ташкilotларнинг асосий фондлари деганда қуйидагилар тушунилади:

- а) ўзининг асосий воситалари;
- б) ўрнатиладиган ускуналар;
- в) тугалланмаган қурилиш объектлари;
- г) узоқ муддатга ижарага олинадиган, шу жумладан узоқ муддатли лизинг бўйича олинган асосий воситалар.

2. Асосий фондлар қийматини қайта баҳолаш ҳар йили (жорий йилнинг 1 февралигача) 1 январь ҳолати бўйича қайта баҳолашни ўтказиш даврида нархлар даражасидан келиб чиқиб ўтказилади.

3. Қайта баҳолаш чоғида асосий фондларнинг тўлиқ тикланиш қиймати, яъни улар худди шундай янги объектларга тўлиқ алмаштирилган тақдирда ташкilot амалга ошириши керак бўлган харажатларнинг тўлиқ қиймати қайта баҳолаш санасида мавжуд бўлган бозор нархлари (тарифлари) бўйича аниқланади, бунга объектларни харид қилиш (қурилиш), ташиш, ўрнатиш (монтаж қилиш) харажатлари, импорт қилинадиган объектлар учун эса — шунингдек божхона тўловлари ва ҳоказолар киритилади.

Маънан эскирган объектларнинг тўлиқ тикланиш қиймати шунингдек, объектларнинг маънан эскириши тегишли нархлар (тарифлар)нинг ўзгариш даражалари ва суръатларида акс этишидан келиб чиқиб, қайта ҳисоблаш санасида мавжуд бўлган нархлар (тарифлар) бўйича уларни тайёрлашга доир мавжуд харажатлар асосида аниқланади.

Ишлаб чиқаришдан олинган, ҳозирги шароитда уларнинг аниқ нухасини тайёрлаш нархлари ва харажатларини аниқлаш амалда мумкин бўлмаган объектларнинг тўлиқ тикланиш қиймати аниқланаётганда уларнинг қиймати илгари чиқарилган ва ҳозирги объектларнинг энг муҳим фойдаланиш тавсифлари нисбати бўйича тузатилган, функционал жиҳатдан худди шундай чиқарилаётган объект-

ларнинг тўлиқ тикланиш қиймати асосида ўрнини босиш қиймати сифатида аниқланади.

4. Ташкилотлар мулкида, уларнинг хўжалик юритишида, тезкор бошқарувида ва узоқ муддатли ижарада (лизингда) бўлган, уларнинг техник ҳолатидан қатъи назар, ишлаб турган ва фойдаланилмайдиган, консервацияда бўлган, ҳисобдан чиқаришга тайёрланган, лекин белгиланган тартибда тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилмаган барча асосий воситалар, шунингдек тугалланмаган қурилиш объектлари ва ўрнатиш учун мўлжалланган ускуналар қайта баҳоланиши керак.

1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолаш олдинги қайта баҳолаш натижасида олинган объектларнинг дастлабки (тикланиш) қийматидан, йил давомида келиб тушган асосий фондлар бўйича эса — харид қилиш қийматидан амалга оширилади.

Ер участкалари ва табиатдан фойдаланиш объектларининг қиймати қайта баҳоланмайди.

5. Асосий фондларнинг тўлиқ тикланиш қиймати ташкилотнинг хоҳишига қараб қайта баҳолашни ўтказиш даврида 1 январга шаклланган, баҳоланаётганларига айнан ўхшаш бўлган янги объектларга ҳужжатлар асосида тасдиқланган бозор нархлари бўйича алоҳида объектлар қийматини бевосита ҳисоблаш йўли (матн давомида — «бевосита қайта баҳолаш усули») билан ёки асосий фондлар турлари бўйича ва уларни харид қилиш давларига боғлиқликда табақаланган асосий фондлар қийматини ўзгартириш индексларини қўллаган ҳолда айрим объектларнинг дастлабки (тикланиш) қийматини индекслаш йўли (матн давомида — «индекс усули») билан аниқланади.

Бунда асосий фондларнинг бир турдаги объектлари (маркалари, хиллари ва ҳ.к.) бўйича ягона усул қўлланилади.

Қайта баҳолашни ташкилот мустақил равишда ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳолаш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган мутахассислар — экспертларни жалб этган ҳолда амалга оширади.

6. Бевосита қайта баҳолаш усули қўлланилганда объектларнинг тўлиқ тикланиш қийматини ҳужжатлар асосида тасдиқлаш учун ташкилотнинг хоҳишига кўра қуйидагилардан фойдаланилиши мумкин:

а) тайёрловчи ташкилотлар ва уларнинг расмий дилерлари, товар-хом ашё биржалари, кўчмас мулк биржаларидан ёзма шаклда олинган худди шундай маҳсулотга доир нархлар тўғрисидаги маълумотлар;

б) қайта баҳолашни ўтказиш санасига ва асосий фондларни харид қилиш санасига МБ курсларининг нисбати сифатида белгиланадиган ҳисоб-китоб коэффициентини қўллаган ҳолда харид қилиш санасига ЭАВда асосий фондларнинг қиймати тўғрисидаги (тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганида) маълумотлар;

в) тегишли давлат органларида мавжуд бўлган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар;

г) қайта баҳолашни ўтказиш даврида оммавий ахборот воситалари ва махсус адабиётларда эълон қилинган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар;

д) асосий фондлар қиймати тўғрисида баҳоловчининг ҳисоботи.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан асосий фондларни қайта баҳолаш чоғида индекс усулини қўллаш учун 31 декабрга қадар навбатдаги қайта баҳолаш бўйича тегишли индекслар ишлаб чиқилади ва расмий равишда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

8. Олдинги йиллик қайта баҳолашдан кейин амалга оширилган, илгарироқ хусусийлаштириш (давлат тасарруфидан чиқариш, қайта ташкил этиш) давомида қайта баҳоланган мол-мулк бўйича, мол-мулкни хусусийлаштириш жараёнида ҳосил бўлган гудвилл суммаси (фирма нархи) қайта баҳолаш санасидаги ҳолат бўйича қайта баҳолашга доир резерв суммаси ҳисобига камайтирилади.

## **2-§. Бухгалтерия ҳисоби ва статистика ҳисоботида асосий воситалар қийматини ҳар йили қайта баҳолаш натижаларини акс эттириш**

9. Бухгалтерия ҳисобида юқорида кўрсатилган қайта баҳолаш усуларини қўллаш йўли билан асосий фондларнинг баланс қийматини уларни тиклаш қийматига қадар кўпайтириш (камайтириш) асосий воситаларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари дебети (кредити) бўйича акс этти-

рилади: узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар (узоқ муддатта ижарага олинадиган асосий воситалар ёки молиявий лизинг қисмида); ўрнатиладиган ускуналар; резерв сармоияни ҳисобга олиш ҳисобварағи билан корреспонденцияда капитал қўйилмалар.

10. Номоддий активларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида хусусийлаштириш чоғида ҳосил бўлган «Гудвилл (фирма нархи)» суммасига эга бўлган хусусийлаштирилган ташкилотлар қайта баҳолаш натижаларига кўра ушбу суммаларни камайтиришлари ва бухгалтерия ҳисобида қуйидаги тартибда акс эттиришлари керак:

Резерв сармоияни ҳисобга олиш ҳисобварағи дебети;

Номоддий активларни ҳисобга олиш ҳисобварағи кредити.

11. Бюджет ташкилотларда бухгалтерия ҳисобида юқорида кўрсатилган қайта баҳолаш усулларини қўллаш йўли билан асосий воситаларнинг баланс қийматини уларни тиклаш қийматига қадар кўпайтириш (камайтириш) «Асосий воситалар» ҳисобварағининг дебети (кредити) ҳамда «Асосий воситалар фонди» ва «Асосий воситаларнинг эскириши» ҳисобварақлари кредити (дебети) бўйича акс этирилади.

Бюджет ташкилотларида қайта баҳолаш ўтказиладиган санада тугалланмаган қурилиш баҳосини қўшимча баҳолаш (тушириш), фақат фойдаланишга қабул қилинган пайтда, яъни қайта баҳолашни ўтказиш санасида тугалланмаган деб ҳисобланган қурилиш объектлари фойдаланишга қабул қилинганда «Асосий воситалар» ҳисобварағи дебети (кредити) ва «Асосий воситалар фонди» ҳисобварағи кредити (дебети) бўйича акс этирилади.

12. Индекслаш йўли билан асосий воситаларни қайта баҳолаш чоғида, бухгалтерия ҳисобида қайта баҳолашни ўтказиш санасидаги ҳолат бўйича қайд этилган асосий фондлар (шу жумладан уларга доир эскириш тўла ҳисоблаб ёзилган объектлар)нинг эскириш суммаси уларни тиклашни қийматига қайта ҳисоблаш чоғида асосий фондлар қийматини ўзгартиришнинг тегишли индексларига кўпайтирилиши керак. Асосий воситаларни бевосита қайта ҳисоблаш усули билан қайта баҳолаш чоғида бухгалтерия ҳисобида қайд этилган эскириш суммаси қайта баҳолаш-

дан кейинги тикланиш қийматининг қайта баҳолашгача бўлган қийматга нисбати билан ҳисоблаб чиқариладиган қайта ҳисоблаш коэффициенти бўйича индексланиши керак.

13. Мазкур Низомнинг 9-бандига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган эскириш суммаси билан кўрсатилган асосий воситаларга доир қайта баҳолашга қадар ҳисоблаб ёзилган эскириш суммаси ўртасидаги фарқ «Асосий воситаларнинг эскириши» ҳисобварағи кредити (қўпайган тақдирда) ва дебети (камайган тақдирда) бўйича резерв сармойни ҳисобга олиш ҳисобварағи билан корреспонденцияда акс эттирилади.

14. 1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни қайта баҳолаш натижалари молиявий ҳисоботда асосий воситаларни қайта баҳолаш амалга оширилган жорий давр учун акс эттирилади.

15. Асосий фондларни қайта баҳолаш натижалари тегишли давлат статистика ҳисоботида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланган шакллар бўйича акс эттирилади.

**ТОВАР-МОДДИЙ БОЙЛИКЛАРНИ  
ОЛИШГА ИШОНЧНОМАЛАР БЕРИШ  
ВА УЛАРНИ ИШОНЧНОМАЛАР БЎЙИЧА  
БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА  
НИЗОМ**

**Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги томонидан  
рўйхатга олинган  
27.05.2003 й. 1245-сон**

**Тасдиқланган  
Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазири  
буйруғи билан  
7.05.2003 й. 62-сон**

*(Мазкур Низомга ЎзР АВ томонидан 24.12.2003 й. 1245-1-сон билан рўйхатга олинган ЎзР МВ буйруғига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган)*

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига («Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси», 1996 й., 9-сон, 142-модда) асосан ишлаб чиқилган ҳамда товар-моддий бойликларни олишга ишончномалар бериш ва уларни ишончномалар бўйича бериш тартибини белгилайди.

**1-§. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом қоидалари мулкчилик шаклидан ва идоравий тобелигидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасининг барча корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларига (бундан кейин — корхоналар) татбиқ этилади.
2. Корхона томонидан қонун ҳужжатларида белги-

ланган тартибда етказиб берувчилардан товар-моддий бойликларни олиш учун ишончли шахсга берилган ёзма ваколат ишончнома деб тан олинади. Ишончли шахс унга ишончнома бўйича берилган ваколатлар доирасида ҳаракат қилади.

## **2-§. Товар-моддий бойликларни олишга ишончномалар бериш тартиби**

3. Товар-моддий бойликларни олишга ишончномалар корхона ихтиёрига кўра мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда (берилган ишончномалар ишончномалар дафтари корешогида ҳисобга олинган ҳолларда) ёки мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда (берилган ишончномалар журналда ҳисобга олинган ҳолларда) расмийлаштирилади.

Ишончномалар корхона раҳбари ёки у томонидан қонунда белгиланган тартибда белгиланадиган шахслар томонидан имзоланади.

4. Ишончномалар етказиб берувчи томонидан шартнома ва бошқа битимлар бўйича бериладиган товар-моддий бойликларни олишга берилади.

Ишончли шахс талаб этилаётган товар-моддий бойликларни бир жойдан (бир омбордан), бироқ бир неча шартнома ва бошқа битимлар бўйича олиши лозим бўлган ҳолатларда унга шартнома ва бошқа битимларнинг рақам ва саналари кўрсатилган битта ишончнома ёки агар товар-моддий бойликлар бир неча омбордан олиниши керак бўлса бир нечта ишончномалар берилади.

Ишончномаларни ёзишда олиниши керак бўлган моддий бойликлар рўйхати қуйидаги ҳолда тўлдирилади: агар ишончномада кўрсатилган жўнатиш ҳужжатида (шартнома ва шу кабиларда) олиниши керак бўлган товар-моддий бойликлар номи ва сони келтирилмаган бўлса ёки ишончнома бўйича жўнатиш ҳужжатларида келтирилган товар-моддий бойликларнинг фақат бир қисмигина олинса. Агар ишончнома бўйича жўнатиш ҳужжатларида кўрсатилган барча товар-моддий бойликлар номи ва сони олинса, унда ишончноманинг орқа томонини бойликлар рўйха-

ти билан тўлдирмаса ҳам бўлади. Бундай ҳолда ишончноманинг ушбу қисмида жўнатиш хужжатининг номи, рақами ва санаси, шунингдек олинадиган товар-моддий бойликларнинг умумий суммаси кўрсатилади.

5. Ишончномани бериш чоғида корхона танлаган унинг шаклига боғлиқ ҳолда ишончнома ишончномалар дафтари корешоғида ёки берилган ишончномаларни ҳисобга олиш журналида рўйхатдан ўтказилади.

Ишончномалар дафтари рақамланади ва ип билан тикилади. Дафтарнинг сўнгги варағида корхона раҳбари ёки у томонидан белгиланган шахсларнинг имзосидан кейин «Мазкур дафтарда ... варақ рақамланди» деган ёзув қайд этилади ва муҳр билан тасдиқланади. Варақлар сони ёзув билан кўрсатилади.

Берилган ишончномаларни ҳисобга олиш мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича, рақамланган ва ип билан тикилган журналда олиб борилади. Журналнинг сўнгги варағида корхона раҳбари ёки у томонидан белгиланган шахсларнинг имзосидан кейин «Мазкур журналда ... варақ рақамланди» деган ёзув қайд этилади ва муҳр билан тасдиқланади. Варақлар сони ёзув билан кўрсатилади.

Ишончномалар дафтари ва Берилган ишончномаларни ҳисобга олиш журнали ишончномаларни рўйхатдан ўтказиш учун масъул бўлган шахсда сақланиши лозим.

Тўлиқ ёки қисман тўлдирилмаган ишончномаларни ҳамда улар номига ёзилган шахсларнинг имзо намунаси бўлмаган ишончномаларни бериш тақиқланади.

6. Ишончноманинг амал қилиш муддати у асосида ишончнома берилган шартномалар ва бошқа битимлар бўйича тегишли бойликларни олиш ва олиб чиқиб кетиш имкониятига боғлиқ равишда белгиланади, бироқ у қонун хужжатларида белгиланган муддатдан ошмаслиги керак.

7. Ишончли шахсни унга берилган, амал қилиш муддати ҳали тугамаган ишончномалар бўйича бойликларни олиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш чоғида товар-моддий бойликларни олувчи дарҳол тегишли ишончномаларнинг бекор қилинганлиги ҳақида етказиб берувчини хабардор қилади. Бундай хабарнома олинган пайтдан бошлаб бекор қилинган ишончнома бўйича бойликларни бериш тўхта-

тилади. Бундай ҳолларда бекор қилинган шартномалар бўйича бойликларни берганлик учун етказиб берувчи жавобгар бўлади.

8. Ишончли шахс бойликларни олгандан сўнг топшириқлар бажарилганлиги ва у олган товар-моддий бойликлар омборга (омборхонага) топширилганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни корхона бухгалтериясига ёки тегишли моддий жавобгар шахсга тақдим этиши шарт.

Фойдаланилмаган ишончномалар амал қилиш муддати тугаган кундан кейинги санада уни берган корхонага қайтарилиши керак.

Фойдаланилмаган ишончноманинг қайтарилганлиги тўғрисида ишончномалар дафтариининг корешогида («Топшириқ бажарилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг рақами ва санаси» устунда) ёки Берилган ишончномаларни ҳисобга олиш журналида («Ишоннома бўйича топшириқлар бажарилганлиги тўғрисидаги қайдлар» устунда) қайд этилади. Қайтарилган фойдаланилмаган ишончномалар «фойдаланилмаган» ёзуви билан сўндирилади ва уларни рўйхатдан ўтказиш учун жавобгар бўлган шахс томонидан ҳисобот йили охирига қадар сақланади. Йил тугагач бундай фойдаланилмаган ишончномалар бу ҳақда тегишли далолатнома тузиш билан белгиланган тартибда йўқ қилинади.

Амал қилиш муддати тугаган ишончномалардан фойдаланиш ҳусусида ҳисобот бермаган шахсларга янги ишончномалар берилмайди.

### **3-§. Товар-моддий бойликларни ишончномалар бўйича бериш тартиби**

9. Ишончномалар амал қилиш муддатидан қатъи назар товар-моддий бойликларнинг дастлабки берилишида етказиб берувчига қолдирилади. Товар-моддий бойликларни қисмларга бўлиб беришда ҳар бир берилган қисмга юкхат (қабул қилиш-топшириш далолатномаси ёки шунга ўхшаш бошқа ҳужжат) тузилади, унда ишоннома рақами ва у берилган сана кўрсатилади. Бундай ҳолларда юкхатнинг (ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатнинг) бир нусхаси

товар-моддий бойликларни олувчига берилади, бошқаси — етказиб берувчида қолади ҳамда ишончномага кўра бойликларни бериш устидан кузатув ва назорат учун қўлланилади.

Товар-моддий бойликлар бериб бўлингандан кейин ишончнома ишончномалар бўйича топширилаётган бойликларнинг охири туркумини бериш учун ҳужжат билан бирга бухгалтерияга топширилади.

10. Корхона ишончномалари бўйича товар-моддий бойликларни бериш қуйидаги ҳолларда амалга оширилмайди:

а) тўлдириш тартибини бузган ҳолда ёки тўлдирилмаган реквизитлар билан берилган ишончномалар тақдим этилганда;

б) тузатилган ва бўялган жойлари мавжуд бўлган ишончномалар тақдим этилганда;

в) ишончномада кўрсатилган паспорт тақдим этилмаганда;

г) ишончнома берилган муддат тутаганда;

д) қабул қилиб олувчидан ишончнома бекор қилинганлиги тўғрисида хабар олинганда;

е) унинг номидан ишончнома берилган юридик шахснинг фаолияти тўхтатилганда;

ж) ишончли шахс лаёқатсиз, чекланган лаёқатли деб тан олинганда.

#### **4-§. Мазкур Низомга риоя этилиши устидан назорат қилиш**

11. Ишончномалар беришнинг белгиланган тартибига риоя этилиши ҳамда товар-моддий бойликларни ишончномалар бўйича бериш устидан назорат қилиш корхона раҳбари томонидан белгиланган масъул шахс зиммасига юкланади.

*Товар-моддий бойликларни олиш-  
га ишончномалар бериш ва уларни  
ишончномалар бўйича бериш тар-  
тиби тўғрисида низомга  
1-ИЛОВА*

Ишонч- нома рақами	Берил- ган сана	Амал қилиш муддати	Ишончнома берилган шахснинг Ф.И.Ш. ва лавозими	Ишонч- номани олганлик ҳақида ёзув
1	2	3	4	5
Етказиб берувчи	Шартнома ва бошқа битимлар рақами ва санаси		Топшириқ бажарил- ганлигини тасдиқловчи ҳужжат рақами ва санаси	
6	7		8	

----- Қирқиш чизиғи -----

Ишончнома № \_\_\_\_\_

Берилган сана « \_\_\_ » \_\_\_\_\_ 200\_\_ й.

Ишончнома 200\_\_ йил « \_\_\_ » \_\_\_\_\_ гача ҳақиқий  
ҳисобланади.

\_\_\_\_\_ корхона номи ва манзили

Ишончнома берилган шахс \_\_\_\_\_

Лавозими ва Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_

Паспорт серияси \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_

Ким томонидан берилган \_\_\_\_\_

Берилган сана « \_\_\_ » \_\_\_\_\_ й.

\_\_\_\_\_ дан  
етказиб берувчи номи

\_\_\_\_\_ ҳужжат номи, рақами ва санаси  
бўйича моддий бойликларни олиш учун.



*Товар-моддий бойликларни олиш-  
га ишончномалар бериш ва уларни  
ишончномалар бўйича бериш тар-  
тиби тўғрисида низомга  
2-ИЛОВА*

Ишончнома № \_\_\_\_\_  
Берилган сана 20\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_  
Ишончнома 20\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_ гача ҳақиқий  
ҳисобланади \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ корхона номи ва унинг манзили  
Ишончнома берилган шахс \_\_\_\_\_  
Лавозими ва Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_  
Паспорт серияси \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_  
Ким томонидан берилган \_\_\_\_\_  
Берилган сана \_\_\_\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_ дан  
\_\_\_\_\_ отказиб берувчи номи

\_\_\_\_\_ ҳужжат номи, рақами ва санаси  
бўйича моддий бойликларни олиш учун.

*Орқа томони*

Олинадиган моддий бойликлар  
РЎЙХАТИ

Т/р	Моддий бойликлар номи	Ўлчов бирлиги	Сони (ёзув билан)
1	2	3	4

Ишончномани олган шахснинг имзосини \_\_\_\_\_  
тасдиқлаймиз.

М.Ў.

\_\_\_\_\_ имзо

\_\_\_\_\_ Ф.И.Ш.

\_\_\_\_\_ имзо

\_\_\_\_\_ Ф.И.Ш.



# **БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИДА ҲУЖЖАТЛАР ВА ҲУЖЖАТЛАР АЙЛАНУВИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ**

**Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги томонидан  
рўйхатга олинган  
14.01.2004 й. 1297-сон**

**Тасдиқланган  
Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазири  
буйруғи билан  
23.12.2003 й. 131-сон**

Мазкур Низом «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни («Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси», 1996 й., 9-сон, 142-модда) асосида ишлаб чиқилган бўлиб, бухгалтерия ҳисобида ҳужжатларни тузиш, қабул қилиш, сақлаш ва акс эттириш ҳамда ҳужжатлар айланувини амалга ошириш бўйича ягона тартибни ўрнатади.

## **1-§. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низомнинг амал қилиши мулкчилик шакллари ва идоравий бўйсунушидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасидаги барча корхона, ташкилот ва муассасаларга (бундан буён — корхоналар) (банклар бундан мустасно) татбиқ қилинади.

2. Корхоналар томонидан амалга ошириладиган барча ҳужжалик операциялари уларни тасдиқловчи ҳужжатлар билан расмийлаштирилиши лозим. Ушбу ҳужжатлар улар асосида бухгалтерия ҳисоби юритиладиган бирламчи ҳисоб ҳужжатлари бўлиб хизмат қилади.

3. Тегишли техник воситалар мавжуд бўлган ҳоллар-

да бирламчи ҳужжатлар ва регистрларни машина ўқийдиган ахборот ташувчиларда тузишга йўл қўйилади. Бунда мазкур Низом ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига риоя қилиниши лозим.

4. Ҳисоблаш техникаси воситалари ёрдамида машина ўқийдиган ташувчиларда тузилган бирламчи ҳужжатлар ва регистрлар, тегишли мажбурий реквизитлар мавжуд бўлганда, бухгалтерия ҳисобида қўлланилади. Машина усулида тайёрланган ҳужжат, мазкур Низом талабларига мувофиқ моддий ташувчига (магнитли, қоғозли) ёзилиши, тайёрланиши ва қоғозга чиқарилиши лозим.

5. Бухгалтерия ҳисобини механизациялаш (автоматлаштириш) шароитида бирламчи ҳужжатлар реквизитлари кодлар кўринишида қайд этилиши мумкин. Бунда машина ўқийдиган ахборот ташувчидаги бирламчи ҳужжат ва регистр ҳужжат тўғри тузилиши бўйича масъул шахснинг кодига эга бўлиши мумкин. Коднинг аниқ шахсга тегишлилиги машина ўқийдиган ахборот ташувчида ҳужжатни тузувчи корхона томонидан қайд этилади ҳамда зарурат туғилганда бошқа бировнинг кодларидан фойдаланиш имкониятини истисно этувчи техник, дастурий воситалар ва ташкилий шароитлар яратилади.

## **2-§. Бирламчи ҳужжатлар ва ҳисоб регистрларини тузиш, хатоларни тузатиш, сақлаш тартиби**

6. Бирламчи ҳужжатлар қоғозли ташувчиларда тузилиб, қуйидаги мажбурий реквизитларга эга бўлиши лозим:

а) корхонанинг номи;  
б) ҳужжатнинг номланиши ва рақами, уни тузиш санаси ва жойи;

в) хўжалик операциясининг номланиши, мазмуни ва миқдорий ўлчами (натура ва пул ифодасида);

г) масъул шахсларнинг шахсий имзолари.

7. Бирламчи ҳужжатда қуйидаги қўшимча реквизитлар келтирилиши мумкин: корхонанинг манзили, ҳужжат билан қайд қилинган хўжалик операциясини амалга ошириш учун асос, ҳужжатлаштирилаётган хўжалик операциясининг хусусиятини белгилайдиган бошқа қўшимча реквизитлар.

8. Мазкур Низом талабларига мувофиқ тузилган бирламчи ҳужжатлар амалга оширилган ҳўжалик операциялари ҳақидаги маълумотларни бухгалтерия ҳисоби регистрларида акс эттириш учун асос бўлади.

9. Бирламчи ҳисоб ҳужжатларини тузган ва имзолаган шахслар ҳужжатнинг ўз вақтида тузилиши ва тўғрилиги, ишончлилиги ҳамда бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишига белгиланган муддатда топширилиши учун жавобгардирлар.

10. Бирламчи ҳужжатлар мазкур Низом талабларига риоя қилган ҳолда корхонада ишлаб чиқилган ва тасдиқланган бланкларда ёки қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа шаклларда тузилади.

11. Бирламчи ҳужжатлардаги ёзувлар уларни архивда сақлаш учун белгиланган муддат мобайнида бут сақланишини таъминлайдиган сиёҳ, шарикли ручка пастаси, ёзув машиналари, механизация воситалари ва бошқа воситалар ёрдамида амалга оширилиши лозим.

Ёзувлар учун қаламдан фойдаланиш тақиқланади.

12. Бирламчи ҳужжатлар ва регистрлардаги бўш қаторлар устига қизилиши шарт.

13. Бирламчи ҳужжатлар ва ҳисоб регистрларини имзолаш ҳуқуқига эга шахслар рўйхати корхона раҳбари ёки у томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда белгиланадиган шахслар томонидан тасдиқланади.

14. Касса операцияларини, товар-моддий қимматликлар билан операцияларни, кредит ва ҳисоб-китоб мажбуриятларини амалга оширганлик фактларини қайд этувчи бирламчи ҳужжатларни тузиш тартиби бўйича қўшимча талаблар Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади.

15. Бухгалтерияга келиб тушадиган бирламчи ҳужжатлар мажбурий текширишдан ўтказилади. Текширув шакл (ҳужжатларни расмийлаштириш, реквизитларни тўлдиришнинг тўлиқлиги ва тўғрилиги), мазмун (ҳужжатлаштириладиган операциянинг қонунийлиги, алоҳида кўрсаткичларнинг мантиқий боғланиши) бўйича амалга оширилади.

16. Қонун ҳужжатларига ва пул маблағлари, товар-моддий қимматликлар ва бошқа активларни қабул қилиш, сақлаш ва сарф қилиш бўйича белгиланган тартибга зид

бўлган бирламчи ҳужжатлар келиб тушганида, улар корхона раҳбари ёки у томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда белгиланадиган шахсларга қарор қабул қилиш учун топширилиши лозим.

17. Ишловдан ўтган бирламчи ҳужжатлар уларнинг қайта қўлланилишини истисно этувчи белгига эга бўлиши лозим:

а) қўл ёрдамида ишловдан ўтказилганда — ҳисоб регистрига ёзилган сана;

б) ҳисоблаш қурилмасида ишловдан ўтказилганда — ишловдан ўтказиш бўйича масъул оператор штампининг изи.

18. Кирим ва чиқим касса ордерларига илова қилинадиган барча ҳужжатлар ҳамда иш ҳақини ҳисоблаб ёзиш учун асос бўлган ҳужжатлар «Олинди» ёки «Тўланди» штамп ёки қўл ёзуви билан сана (ой, кун, йил) кўрсатилган ҳолда мажбурий сўндирилиши лозим.

19. Ҳисобга қабул қилинган бирламчи ҳужжатлардаги бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун зарур бўлган ахборот ҳисоб регистрларида йиғиб борилади ва тизимлаштирилади.

20. Корхона томонидан муайян вақт даври (ой, чорак, ярим йиллик, йил) давомида амалга оширилган хўжалик операциялари ҳақидаги маълумот гуруҳлаштирилган ҳолда ҳисоб регистрларидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда тузиладиган молиявий ҳисоботларга ўтказилади.

Бунда корхоналар қўлланилаётган бухгалтерия ҳисоби регистрларини ўз фаолияти хусусиятига, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда, мустақил мослаштиришлари мумкин.

21. Бирламчи ҳужжатдаги ва ҳисоб регистрларидаги матн ва рақамлар устидан чизишларга ва изоҳ берилмаган тузатишларга йўл қўйилмайди.

22. Бирламчи ҳужжатлардаги (банк ва касса пул ҳужжатларидан ташқари) хатолар қуйидагича тузатилади:

а) хато матн ёки суммалар чизилади ва чизилганнинг устидан тўғри матн ёки суммалар ёзилади;

б) чизув битта чизиқ билан, тузатилган хатони ўқиб бўладиган қилиб, амалга оширилади.

23. Бирламчи ҳужжатда тузатишган хатоларга «тузатилди» ёзуви билан изоҳ берилиши, ҳужжатни имзолаган шахслар имзоси билан тасдиқланиши ҳамда тузатиш санаси қўйилиши лозим.

24. Бирламчи банк ва касса пул ҳужжатларида тузатишларга йўл қўйилмайди.

25. Бирламчи ҳужжатлар ва ҳисоб регистрлари, микрофильмлар ёки компьютер ҳисоби молиявий маълумотлари камида уч йил, молиявий ҳисобот эса қонун ҳужжатларида белгиланган муддат мобайнида сақланади.

26. Бирламчи ҳужжатлар, ҳисоб регистрлари, молиявий ҳисоботлар бухгалтерияда махсус хоналар ёки ёпиладиган жавонларда корхона раҳбари ёки у томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда белгиланадиган шахслар томонидан ваколат берилган шахслар жавобгарлигида сақланиши лозим.

27. Муайян ҳисоб регистрга тегишли бўлган, ишлов берилган жорий ойнинг бирламчи ҳужжатлари хронологик тартибда бутланади.

Касса ордерлари, бўнак ҳисоботлари, банк кўчирмалари уларга тааллуқли ҳужжатлар билан биргаликда хронологик тартибда танланиши ва муқоваланиши лозим.

Ҳужжатларнинг айрим турлари (иш нарядлари, смета рапортлари) муқоваланмасдан, лекин уларнинг йўқолиши ёки суиистеъмол қилинишининг олдини олиш учун йиғмажилдларга тикилган ҳолда сақланиши мумкин.

28. Корхоналардан бирламчи ҳужжатлар, ҳисоб регистрлари, молиявий ҳисоботларни олиб қўйиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва судлар томонидан олиб қўйишлар, мазкур органларнинг Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилган қарорлари асосида амалга оширилади. Олиб қўйиш баённома билан расмийлаштирилади ва унинг нусхаси имзо қўйдириб, корхонанинг тегишли мансабдор шахсига топширилади.

Олиб қўйишни амалга ошираётган органлар вакиллари рухсати билан ва уларнинг ҳозирлигида корхонанинг тегишли мансабдор шахслари олиб қўйилаётган ҳужжатлардан олиб қўйиш асослари ва санасини кўрсатган ҳолда нусха олишлари мумкин.

Агар охиригача расмийлаштирилмаган ҳужжатлар жилдлари (тикиб қўйилмаган, рақамланмаган ва ҳ.к.) олиб қўйилаётган бўлса, олиб қўйишни амалга ошираётган органлар вакилларининг рухсати билан ва уларнинг ҳозирлигида корхонанинг тегишли мансабдор шахслари бу жилдларни охиригача расмийлаштириши (улар рўйхатини тузиши, варақларни рақамлаши, тикиши, муҳрлаши, ўз имзоси ва муҳри билан тасдиқлаши) ёки олиб қўйилаётган ҳужжатларнинг рўйхатини ҳар бир ҳужжатдаги бетлар сонини кўрсатган ҳолда тузиши лозим. Бунда олиб қўйишни амалга ошираётган органларнинг вакиллари ва корхонанинг тегишли мансабдор шахслари рўйхатни имзолашади.

29. Бирламчи ҳужжатларни йўқотиш ҳолларида корхона раҳбари буйруқ билан йўқотиш сабабларини текшириш бўйича комиссия тайинлаши мумкин.

Бунда, текширув натижалари корхона раҳбари ёки у қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тайинлаган шахслар томонидан тасдиқланадиган далолатнома билан расмийлаштирилади.

Бирламчи ҳужжатларни йўқотишда айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

### **3-§. Қатъий ҳисобдаги бланкларни ҳисобга олиш, сақлаш, ҳисобдан чиқариш ва йўқ қилиш тартиби**

30. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда бирламчи ҳужжатлар шаклидаги бланклар қатъий ҳисобдаги бланкларга киритилиши мумкин.

31. Қатъий ҳисобдаги бланкларнинг шакллари ва ишлатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

32. Расмий давлат ҳужжатларини ҳисобга олиш, сақлаш, ҳисобдан чиқариш ва йўқ қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-сон қарори билан тасдиқланган Расмий давлат ҳужжатларини тайёрлашга буюртма бериш, уларни тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш тартиби тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарор-

лари тўплами, 2000 й., 7-сон, 42-модда) мувофиқ амалга оширилади.

33. Қатъий ҳисобдаги бланклар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рақамланиши (нумератор билан, босмаҳона усулида) лозим.

34. Қатъий ҳисобдаги бланкларни олиш, сақлаш, бериш ва ишлатиш юклатилган корхонанинг масъул шахслари корхона раҳбарининг буйруғи билан тайинланади ҳамда Меҳнат кодексининг 203-моддасида белгиланган ҳолларда ва тартибда яқка тартибдаги тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги ёзма шартнома тузадилар.

Агар масъул шахс вақтинча йўқ бўлса ёки бошқа ишга ўтиб кетаётган бўлса, қатъий ҳисобдаги бланклар масъул шахс ва ушбу вазифани бажариш юклатилаётган шахс томонидан имзоланган қабул қилиш-топшириш далолатномаси бўйича топширилиши лозим.

35. Қатъий ҳисобдаги бланкларни етказиб берувчидан қабул қилиш корхонанинг масъул шахси томонидан амалга оширилади.

Қатъий ҳисобдаги бланкларни олишда бланклар пакети масъул шахс томонидан мажбурий тартибда ўрами бузилганлик ҳолати юзасидан кўриб чиқилади, қабул қилинган ўрамлар миқдорининг илова ҳужжатларда кўрсатилган миқдорга мувофиқлиги текширилади ва шу тўғрида далолатнома тузилади.

36. Матбаа корхонасидан сотиб олинган (буюртма қилинган) қатъий ҳисобдаги бланкларда камомад ёки нуқсонлар (ҳимоя сеткасининг, босма матннинг йўқлиги ёки зарарланганлиги, такрорланган рақамлар ёки бошқа серия ёки рақамга эга бўлган бланкларнинг мавжудлиги, хиралашган ҳарфли, нотўғри кесилган ва нотўғри форматли бланкларнинг мавжудлиги, бланкларда серия ва рақамларнинг йўқлиги ёки матбаа корхонаси пакетларидаги наклеякаларнинг бошқа номувофиқликлари) ҳолати аниқланганда, уч нусхада далолатнома тузилади. Далолатноманинг биринчи нусхаси илова хат матбаа корхонаси наклеякаси ва нуқсонли бланклар билан бирга матбаа корхонасига жўнатилади, иккинчи ва учинчи нусхалар наклеяка ксеронусхаси билан бирга корхонада қолади. Шикоятлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда билдирилади.

37. Қатъий ҳисобдаги бланклар сейфлар ёки ёнмайдиган жавонлар ёхуд корхонанинг махсус жиҳозланган хоналарида сақланиши керак. Қатъий ҳисобдаги бланкларни кўп миқдорда қабул қилувчи корхоналарда уларни бузилиш ёки ўғирланиш ҳолатини истисно этувчи махсус жиҳозланган омборхоналарда сақлашга йўл қўйилади.

Корхонада мавжуд қатъий ҳисобдаги бланкларнинг бутлигини таъминлаш мақсадида иш пайтидан ташқари вақтда сейф, ёнмайдиган жавон ва корхонанинг қатъий ҳисобдаги бланklarини сақлаш учун махсус жиҳозланган хоналар муҳрланади ёки пломбланади.

38. Масъул шахс қатъий ҳисобдаги бланкларнинг ҳисобини уларнинг номи, серияси ва рақами бўйича мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ, рақамланган ва тикилган «Қатъий ҳисобдаги бланкларни ҳисобга олиш журнали»да олиб боради. Журналнинг сўнгги varaғида корхона раҳбари ёки у қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тайинлаган шахслар имзоси билан «Мазкур журналда ... саҳифа рақамланган» деб ёзилади ва муҳр билан тасдиқланади. Варақлар сони ёзув билан ёзилади.

«Қатъий ҳисобдаги бланкларни ҳисобга олиш журнали» аниқ, тушунарли ва қисқартиришларсиз тўлдирилади. Журналда ўчиришга йўл қўйилмайди. Йўл қўйилган хатолар тегишли изоҳлар билан тузатилади.

39. Корхона раҳбари ёки у қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тайинлаган шахслар томонидан қатъий ҳисобдаги бланкларни топшириш, сақлаш, ишлатиш билан боғлиқ масъул шахсларга қатъий ҳисобдаги бланкларнинг бутлигини таъминловчи шароитлар яратилган бўлиши лозим.

40. Қатъий ҳисобдаги бланклар материалларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида уларнинг номи, миқдори ва икки хил баҳолашдан — ҳақиқий таннархи (сотиб олиш нархи ёки ишлаб чиқариш нархи) ёки бозор нархи (соф сотиш қиймати) — энг пасти бўйича ҳисобга олинади.

41. Ҳисоб берувчи шахслар қатъий ҳисобдаги бланкларни қабул қилиш ва ишлатиш бўйича ҳисобот бериб туради ва улар томонидан қабул қилинган ҳар бир қатъий ҳисобдаги бланкнинг ишлатилиши учун жавобгардир.

42. Ҳисоб берувчи шахсларга қатъий ҳисобдаги бланк-

ларни бериш масъул шахс томонидан корхона раҳбари ёки у қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тайинлаган шахсларнинг топшириғи асосида амалга оширилади.

43. Ҳисоб берувчи шахсларга берилган қатъий ҳисобдаги бланкларни назорат қилиш мақсадида корхона мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шакл бўйича олиш — назорат қилиш варақларини юритиши мумкин.

Бунда олиш-назорат қилиш варақлари икки нусхада тўлдирилади ва улардан биттаси қатъий ҳисобдаги бланкларни ҳисобга олиш журналида имзо чекилган ҳолда ҳисоб берувчи шахсга, иккинчиси масъул шахс томонидан бухгалтерияга топширилади. Қатъий ҳисобдаги бланкларнинг ҳар бир номланиш тури учун алоҳида олиш-назорат қилиш варақлари очилади.

Олиш-назорат қилиш варағининг юқоридаги чап бурчагида варақ берилган сана, корхона раҳбари ёки у қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тайинлаган шахслар имзоси, корхона муҳри қўйилади.

Ҳисоб берувчи шахс олиш-назорат қилиш варағини қатъий ҳисобдаги бланкларни тўғри ишлатиш бўйича назоратни амалга оширадиган шахсга тақдим этади. Аввал берилган қатъий ҳисобдаги бланкларнинг ишлатилганлиги ва бланкларнинг кейинги туркумини бериш лозимлиги тўғрисидаги маълумотлар тўғри тўлдирилганлигини текшириб, назорат қилувчи шахс варақнинг тегишли сатрида имзо чекади.

44. Қатъий ҳисобдаги бланкларнинг инвентарланиши Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 19 октябрда ЭГ/17-19-2075-сон билан тасдиқланган «Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш» 19-сон Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия Ҳисоби Миллий Стандарти (19-сон БҲМС)да белгиланган тартибда амалга оширилади (2.10.1999 й., 833-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

45. Қатъий ҳисобдаги бланкларнинг йўқотилиши ва камомadini ҳисобга олиш Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2001 йил 20 июндаги 56, 2001-38, 4/1-сон қарори (23.07.2001 й., 1054-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан тасдиқланган Инвентаризация жараё-

нида аниқланган мол-мулк камомати ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

46. Қатъий ҳисобдаги бланкларда ўчириш ва тузатишлар аниқланган ҳолларда ҳамда қатъий ҳисобдаги бланкларни тўлдириш ва ишлатиш бўйича белгиланган тартибнинг бошқа бузилишлари ҳолатида масъул шахсга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чоралар кўрилади.

47. Қатъий ҳисобдаги бланклар материалларни ҳисобга олиш ҳисобварағидан харажатларни ҳисобга олиш ҳисобварағига уларни ҳисоб берувчи шахсларга беришга қараб ҳисобдан чиқариб борилади ва «Қатъий ҳисобдаги бланклар» балансдан ташқари ҳисобварағига кирим қилинади.

Қатъий ҳисобдаги бланклар «Қатъий ҳисоботдаги бланклар» балансдан ташқари ҳисобварағидан, ҳисоб берувчи шахсларнинг қабул қилинган ва ишлатилган қатъий ҳисобдаги бланклар учун ҳисобот беришига қараб ҳисобдан чиқариб борилади.

Қатъий ҳисобдаги бланкларнинг балансдан ташқари ҳисоби уларнинг қиймати, миқдори ва номинал бўйича уларнинг умумий ҳисоб суммаси бўйича юритилади. Қатъий ҳисобдаги бланкларнинг қиймати мавжуд бўлмаганда, улар ҳақиқий сотиб олиш қиймати бўйича ҳисобга олинади.

48. Нуқсонли, тўлдириш пайтида шикаст етказилган, эскирган, зарарланган ҳамда алмаштирилган қатъий ҳисобдаги бланклар корхона бухгалтериясига топширилади ва шу ҳақда тегишли далолатнома тузилади.

49. Нуқсонли, тўлдириш пайтида шикаст етказилган, эскирган, зарарланган ҳамда алмаштирилган қатъий ҳисобдаги бланкларни йўқ қилиш зарурати туғилганда, бунинг учун махсус тайинланган комиссия томонидан, йўқ қилиш тўғрисидаги далолатнома тузилган ҳолда, лекин бир йилда кўпи билан бир маротаба амалга оширилади.

Касса ҳисоботи (қайднома, реестр)га илова қилинадиган, бузилган ёки нотўғри тўлдирилган бланклар йўқ қилинмайди, балки устига чизиб қўйилади ва улар ёзилган куннинг ўзида касса ҳисоботи (қайднома, реестр)га илова қилинади.

50. Қатъий ҳисобдаги бланкларни белгиланган муддат

мобайнида сақлаш бўйича жавобгарлик корхона раҳбарига ёки у қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тайинлаган шахсларга юкланади.

#### **4-§. Ҳужжатлар айланувини ташкил этиш тартиби**

51. Корхонанинг бухгалтерия ҳисобида ҳужжатларнинг ҳаракати — (уларни тузиш ёки бошқа корхоналардан олиш, ҳисобга қабул қилиш, ишлов бериш, архивга топшириш — ҳужжатлар айлануви) жадвал билан тартибга солинади.

52. Корхона раҳбари ёки у қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тайинлаган шахслар жадвални тузиш бўйича ишни ташкил этадилар. Ҳужжатлар айлануви жадвали корхона раҳбарининг буйруғи билан тасдиқланади.

53. Жадвал корхонада оқилона ҳужжатлар айланувини таъминлаши лозим, яъни ҳар бир бирламчи ҳужжатнинг ўтиши бўйича ижро этувчиларнинг мақбул сонини назарда тутиши, ҳужжатнинг бўлинмада энг кам муддатда бўлишини белгилаши лозим.

Ҳужжатлар айлануви жадвали корхонада бутун ҳисоб ишининг яхшиланишига, бухгалтерия ҳисоби назорат қилиш функциясининг кучайишига ёрдам бериши лозим.

54. Ҳужжатлар айлануви жадвали, корхонанинг ҳар бир бўлинмаси ҳамда барча ижро этувчилар томонидан уларнинг ўзаро боғлиқлигини ва ишларни бажариш муддатини кўрсатган ҳолда бажариладиган, ҳужжатларни тузиш, текшириш ва уларга ишлов бериш бўйича ишларнинг чизмаси ёки рўйхати кўринишида расмийлаштирилади.

Ҳужжатлар айланувининг ишлар рўйхати кўринишидаги намунавий жадвали мазкур Низомнинг 3-илоvasида келтирилган.

55. Корхона ходимлари ўз фаолият соҳасига тааллуқли бўлган ҳужжатларни ҳужжатлар айлануви жадвали бўйича тузишади ва тақдим этишади. Бунинг учун ҳар бир ижрочига жадвалдан кўчирма берилади. Кўчирмада ижрочининг фаолият соҳасига тегишли ҳужжатлар, уларни тақдим этиш муддатлари ва ушбу ҳужжатлар тақдим этиладиган корхона бўлинмалари кўрсатилади.

56. Ҳужжатлар айлануви жадвалига риоя қилиш учун жавобгарлик ҳамда ҳужжатларни ўз вақтида ва сифатли

тузиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида акс эттириш учун уларни ўз вақтида тақдим этиш, ҳужжатлардаги мавжуд маълумотларнинг ишончлилиги бўйича жавобгарлик ушбу ҳужжатларни тузган ва имзолаган шахслар зиммасига юкланади.

57. Ижрочиларнинг корхона бўйича ҳужжатлар айлануви жадвалига риоя қилишларини назорат қилиш корхона раҳбари ёки у қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тайинлаган шахслар томонидан амалга оширилади.

*Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар  
ва ҳужжатлар айлануви тўғрисидаги  
низомга  
1-ИЛОВА*

**Қатъий ҳисобдаги бланкларни ҳисобга олиш  
ЖУРНАЛИ**

КИРИМ				ЧИҚИМ					
Т/р	Келиб тушган бланкларга илова қилинган ҳужжат		Бланклар миқдори	Бланклар рақамлари (№ ___дан № ___гача)	Бериш санаси	Кимга берилган	Бланклар миқдори	Бланклар рақамлари (№ ___дан № ___гача)	Олганлик тўғрисида имзо
	сана	№							

(берилш санаси)

(имзо)

М.Ў.

**ҚАТЪИЙ ҲИСОБОТ БЛАНКЛАРИГА \_\_\_\_\_-СОН  
ОЛИШ-НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВАРАҒИ**

Олувчи \_\_\_\_\_  
Бланклар тури \_\_\_\_\_

Олинган бланклар				Ишлатилган бланклар		
Сана	Бланклар миқдори	Бланклар рақамлари (№ _____дан № _____гача)	Ҳисоб журнали бўйича ёзув рақами	Сана	Бланклар миқдори	Бланклар рақамлари (№ _____дан № _____гача)

Берди

\_\_\_\_\_  
(берган шахснинг имзоси)

Олди

\_\_\_\_\_  
(олган шахснинг имзоси)

Ҳисоботни қабул қилди

\_\_\_\_\_  
(белги ва имзо)

*Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар  
ва ҳужжатлар айлануви тўғрисидаги  
низомга  
3-ИЛОВА*

**Корхона бўйича ҳужжатлар айланувининг тахминий жадвали**

Ҳуж- жат номи	Ҳужжат тузиш					Ҳужжатни текшириш				Ҳужжатга ишлов бериш		Архивга бериш	
	нуса- лар сони	ёзиб бе- ришга масъул	рас- мий- лаш- ти- ришга масъул	ижро этиш- га масъул	ижро этиш муд- дати	тек- ши- ришга масъул	ким тақ- дим этади	тақ- дим этиш тар- тиби	тақ- дим этиш муд- дати	ким ижро этади	ижро этиш муд- дати	ким ижро этади	бериш муд- дати
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
талаб ...	2	цех	ОМТС бух- галте- рия	омбор	ҳар кун (... соат- гача)	бух- галте- рия	1-нус- ха — цех, 2-нус- ха — омбор	ҳисо- ботда, ре- естрда	ҳар кун (... соат- гача)	бух- галте- рия	ҳар кун	бух- галте- рия	чорак туга- ши билан

**ИНВЕНТАРИЗАЦИЯ ЖАРАЁНИДА  
АНИҚЛАНГАН МОЛ-МУЛК КАМОМАДИ  
ВА ОРТИҚЧАСИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ  
ҲИСОБИ ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ  
ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ  
НИЗОМ**

**Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги томонидан  
рўйхатга олинган  
6.04.2004 й. 1334-сон**

**Тасдиқланган  
Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги  
10.03.2004 й. 37-сон  
Ўзбекистон Республикаси  
Давлат солиқ кўмитаси  
10.03.2004 й. 2004-26-сон  
Ўзбекистон Республикаси  
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий  
муҳофаза қилиш вазирлиги  
10.03.2004 й. 20/1-сон**

Мазкур Низом «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни («Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси», 1996 й., 9-сон, 142-модда), Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 19 октябрда ЭГ/17-19-2075-сон билан тасдиқланган Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (19-сон БҲМС) «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш»га (1999 й. 2 ноябрь, рўйхат рақами 833-сон) мувофиқ ишлаб чиқилган ва инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомати ва ортиқчасини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ва солиққа тортиш тартибини белгилайди.

## 1-§. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунтишдан қатъи назар, барча корхона ва ташкилотларга (банклар ва кредит уюшмаларидан ташқари) татбиқ этилади.

2. Иш берувчининг мулкига етказилган зарар ҳажми, зарар учун ходимнинг моддий жавобгарлик чегаралари ва тартибини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси билан тартибга солинади.

Бир ойлик ўртача иш ҳақидан ошмайдиган етказилган зарар суммасини айбдор ходимдан ундириш иш берувчининг фармойишига мувофиқ амалга оширилади. Фармойиш етказилган зарар аниқланган кундан бошлаб бир ойдан кечикмасдан чиқарилиши мумкин. Бунда зарар ҳажми инвентаризация ўтказиш даврида мазкур жойда амал қилаётган бозор баҳолари бўйича ҳисобланади.

Агар ходимдан ундирилиши лозим бўлган етказилган зарар суммаси унинг ўртача ойлик иш ҳақидан юқори ёки зарар аниқланган кундан бошлаб бир ойлик муддат ўтган бўлса, ундириш суд орқали амалга оширилади.

Иш берувчининг мулки ўғирланганда, кам чиққанда, қасддан йўқотиш ёки қасддан бузиш натижасида ҳамда бошқа ҳолларда етказилган зарар ҳажми бозор қиймати бўйича ҳисобланади.

3. Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун қуйидагилардан фойдаланиш мумкин:

а) ишлаб чиқарувчи ташкилотлардан ва уларнинг расмий дилерларидан, товар-хом ашё биржаларидан, кўчмас мулк биржаларидан ёзма шаклда олинган худди шундай маҳсулотга доир нархлар тўғрисидаги маълумотлар;

б) Марказий банкнинг камомад (ортиқча) аниқланган санадаги ва тегишли мулкни сотиб олиш санасидаги курсларнинг нисбати шаклида аниқланган ҳисоб-китоб коэффициентини қўллаган ҳолда сотиб олиш санасидаги (тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) мол-мулкларнинг эркин конвертацияланадиган валюта (ЭКВ)даги қиймати тўғрисидаги маълумотлар;

в) тегишли давлат идораларида мавжуд бўлган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар;

г) инвентаризация ўтказилаётган даврда оммавий ахборот воситалари ва махсус адабиётларда эълон қилинган нарх даражалари тўғрисидаги маълумотлар;

д) тегишли мол-мулкнинг қиймати тўғрисида баҳоловчининг эксперт хулосаси.

## **2-§. Инвентаризация жараёнида аниқланган асосий воситалар камомати ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш**

4. Инвентаризация жараёнида аниқланган асосий воситаларнинг камомати бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) кам чиққан асосий воситанинг бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти,

кредит асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар (0100);

б) кам чиққан асосий воситага ҳисобланган амортизация суммаси ҳисобдан чиқарилганда:

дебет асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар (0200),

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

в) резерв капиталини ҳисобга олувчи счётларда қайд қилинган кам чиққан асосий воситанинг қайта баҳолаш натижаси (қолдиқ) суммасига:

дебет 8510 «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти,

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

д) кам чиққан асосий воситанинг чиқиб кетишидан кўрилган зарар суммасига:

дебет 5910 «Камоматлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти,

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти.

5. Моддий жавобгар шахс (ёки бошқа ходим) айбдор деб тан олинган ҳолларда ва агар баҳолаш натижасида кам чиққан асосий воситанинг бозор қиймати (унди-

риладиган сумма) кам чиққан асосий воситанинг чиқиб кетишидан кўрилган зарардан юқори бўлса, даромад суммаси бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 4730 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» счёти — айбдор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бўлган кам чиққан асосий воситанинг бозор қийматига,

кредит 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти — кам чиққан асосий воситанинг чиқиб кетишидан кўрилган зарар суммасига,

кредит 9310 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда» счёти — айбдор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бўлган кам чиққан асосий воситанинг бозор қиймати ва кам чиққан асосий воситанинг чиқиб кетишидан кўрилган зарар суммаси ўртасидаги фарқига.

Асосий воситаларнинг камомади ёки бузилишлари натижасида чиқиб кетишидан кўрилган даромад суммаси умумий белгиланган тартибда солиққа тортилади.

6. Моддий жавобгар шахс (ёки бошқа ходим) айбдор деб тан олинган ҳолларда ва агар баҳолаш натижасида кам чиққан асосий воситанинг бозор қиймати (ундириладиган сумма) кам чиққан асосий воситанинг чиқиб кетишидан кўрилган зарардан паст бўлса, зарар суммаси бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 4730 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» счёти — айбдор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бўлган кам чиққан асосий воситанинг бозор қийматига,

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти — айбдор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бўлган кам чиққан асосий воситанинг бозор қиймати ва кам чиққан асосий воситанинг чиқиб кетишидан кўрилган зарар суммаси ўртасидаги фарқига,

кредит 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти — кам чиққан асосий воситанинг чиқиб кетишидан кўрилган зарар суммасига.

Асосий воситаларнинг камомади ёки бузилишлари натижасида чиқиб кетишидан кўрилган зарар суммаси даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда умумий белгиланган тартибда солиқ солиш базасини кўпайтиради.

7. Камомаднинг аниқ айбдори топилмаган ёки моддий жавобгар шахслардан ундириб олиш имкони бўлмаган ҳолларда, кам чиққан асосий воситанинг чиқиб кетишидан кўрилган зарар молиявий натижаларга олиб борилади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти,  
кредит 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти.

Асосий воситаларнинг камомоди ёки бузилишлари натижасида чиқиб кетишидан кўрилган зарар суммаси даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда умумий белгиланган тартибда солиқ солиш базасини кўпайтиради.

8. Инвентаризация жараёнида аниқланган ҳисобга олинмаган асосий воситалар, ортиқча чиқиш аниқланган санадаги айнан шунга ўхшаш асосий воситаларнинг бозор қиймати бўйича уларнинг ҳақиқий аҳволини ҳисобга олган ҳолда баҳоланади (ортиқча чиқиш сабаблари ва айбдор шахслар кейинчалик аниқланади) ва бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар (0100),

кредит 9390 «Бошқа операцион даромадлар» счёти.

Инвентаризация жараёнида аниқланган асосий воситалар бўйича даромад суммаси умумий белгиланган тартибда солиққа тортилади.

Ҳисобга олинмаган асосий воситалар бўйича амортизация ажратмасини ҳисоблаш ушбу асосий восита, асосий воситалар таркибига қўшилган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан бошланади ва ушбу асосий воситанинг амортизация қилинадиган қиймати қоплангунча ёки ушбу асосий восита балансдан чиқарилгунга қадар амалга оширилади.

### **3-§. Инвентаризация жараёнида аниқланган ўрнатиладиган асбоб-ускуналар камомоди ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш**

9. Инвентаризация жараёнида аниқланган ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг камомоди бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) кам чиққан ўрнатиладиган асбоб-ускуналар баланс қиймати бўйича ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти,  
кредит ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи счётлар (0700);

б) резерв капиталини ҳисобга олувчи счётларда қайд қилинган кам чиққан ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг қайта баҳолаш натижаси (қолдиқ) суммасига:

дебет 8510 «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти,

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти;

в) кам чиққан ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг чиқиб кетишидан кўрилган зарар суммасига:

дебет 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти,

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти.

10. Моддий жавобгар шахс (ёки бошқа ходим) айбдор деб тан олинган ҳолларда ва агар баҳолаш натижасида кам чиққан ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг бозор қиймати (ундириладиган сумма) кам чиққан ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг чиқиб кетишидан кўрилган зарардан юқори бўлса, даромад суммаси бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс этирилади:

дебет 4730 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» счёти айбдор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бўлган кам чиққан ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг бозор қийматига,

кредит 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти — кам чиққан ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг чиқиб кетишидан кўрилган зарар суммасига,

кредит 9320 «Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда» счёти — айбдор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бўлган кам чиққан ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг бозор қиймати ва кам чиққан ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг чиқиб кетишидан кўрилган зарар суммаси ўртасидаги фарқига.

Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг камомади ёки

бузилишлари натижасида чиқиб кетишидан кўрилган даромад суммаси умумий белгиланган тартибда солиққа тортилади.

11. Моддий жавобгар шахс (ёки бошқа ходим) айбдор деб тан олинган ҳолларда ва агар баҳолаш натижасида кам чиққан ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг бозор қиймати (ундириладиган сумма) кам чиққан ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг чиқиб кетишидан кўрилган зарардан паст бўлса, зарар суммаси бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 4730 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» счёти — айбдор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бўлган кам чиққан ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг бозор қийматига,

дебет 9430 «Бошқа операция харажатлар» счёти — айбдор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бўлган кам чиққан ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг бозор қиймати ва кам чиққан ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг чиқиб кетишидан кўрилган зарар суммаси ўртасидаги фарқига,

кредит 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти — кам чиққан ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг чиқиб кетишидан кўрилган зарар суммасига.

Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг камомати ёки бузилишлари натижасида чиқиб кетишидан кўрилган зарар суммаси даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда умумий белгиланган тартибда солиқ солиш базасини кўпайтиради.

12. Камомаднинг аниқ айбдори топилмаган ёки моддий жавобгар шахслардан ундириб олиш имкони бўлмаган ҳолларда, кам чиққан ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг чиқиб кетишидан кўрилган зарар молиявий натижаларга олиб борилади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 9430 «Бошқа операция харажатлар» счёти,

кредит 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти.

Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг камомати ёки бузилишлари натижасида чиқиб кетишидан кўрилган за-

рар суммаси даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда умумий белгиланган тартибда солиқ солиш базасини кўпайтиради.

13. Инвентаризация жараёнида аниқланган ҳисобга олинмаган ўрнатиладиган асбоб-ускуналар, ортиқча чиқиш аниқланган санадаги айнан шунга ўхшаш ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг бозор қиймати бўйича баҳоланади (ортиқча чиқиш сабаблари ва айбдор шахслар кейинчалик аниқланади) ва бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи счётлар (0700),

кредит 9390 «Бошқа операцион даромадлар» счёти.

Инвентаризация жараёнида аниқланган ўрнатиладиган асбоб-ускуналар бўйича даромад суммаси умумий белгиланган тартибда солиққа тортилади.

#### **4-§. Инвентаризация жараёнида аниқланган номоддий активлар камомати ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш**

14. Инвентаризация жараёнида аниқланган номоддий активларнинг камомати бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) кам чиққан номоддий активнинг бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти,

кредит номоддий активларни ҳисобга олувчи счётлар (0400);

б) кам чиққан номоддий активга ҳисобланган амортизация суммаси ҳисобдан чиқарилганда:

дебет номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи счётлар (0500),

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти;

в) кам чиққан номоддий активнинг чиқиб кетишидан кўрилган зарар (қолдиқ қиймати) суммасига:

дебет 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти,

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти.

15. Моддий жавобгар шахс (ёки бошқа ходим) айбдор деб тан олинган ҳолларда ва агар баҳолаш натижасида кам чиққан номоддий активнинг бозор қиймати (ундириладиган сумма) кам чиққан номоддий активнинг чиқиб кетишидан кўрилган зарар (қолдиқ қиймати)дан юқори бўлса даромад суммаси бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 4730 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» счёти — айбдор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бўлган кам чиққан номоддий активнинг бозор қийматига,

кредит 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти — кам чиққан номоддий активнинг чиқиб кетишидан кўрилган зарар (қолдиқ қиймати) суммасига,

кредит 9320 «Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда» счёти — айбдор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бўлган кам чиққан номоддий активнинг бозор қиймати ва кам чиққан номоддий активнинг чиқиб кетишидан кўрилган зарар (қолдиқ қиймати) суммаси ўртасидаги фарқига.

Номоддий активларнинг камомади ёки бузилишлари натижасида чиқиб кетишидан кўрилган даромад суммаси умумий белгиланган тартибда солиққа тортилади.

16. Моддий жавобгар шахс (ёки бошқа ходим) айбдор деб тан олинган ҳолларда ва агар баҳолаш натижасида кам чиққан номоддий активнинг бозор қиймати (ундириладиган сумма) кам чиққан номоддий активнинг чиқиб кетишидан кўрилган зарар (қолдиқ қиймати)дан паст бўлса зарар суммаси бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 4730 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» счёти — айбдор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бўлган кам чиққан номоддий активнинг бозор қийматига,

кредит 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти — айбдор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бўлган кам чиққан номоддий активнинг бозор қиймати ва кам чиққан номоддий активнинг чиқиб кетишидан кўрилган зарар (қолдиқ қиймати) суммаси ўртасидаги фарқига,

кредит 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти — кам чиққан номоддий активнинг чиқиб кетишидан кўрилган зарар (қолдиқ қиймати) суммасига.

Номоддий активларнинг камомади ёки бузилишлари натижасида чиқиб кетишидан кўрилган зарар суммаси даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда умумий белгиланган тартибда солиқ солиш базасини кўпайтиради.

17. Камомаднинг аниқ айбдори топилмаган ёки моддий жавобгар шахслардан ундириб олиш имкони бўлмаган ҳолларда, кам чиққан номоддий активларнинг чиқиб кетишидан кўрилган зарар молиявий натижаларга олиб борилади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти,  
кредит 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти.

Номоддий активларнинг камомади ёки йўқотиш натижасида чиқиб кетишидан кўрилган зарар суммаси даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда умумий белгиланган тартибда солиқ солиш базасини кўпайтиради.

18. Инвентаризация жараёнида аниқланган ҳисобга олинмаган номоддий активлар ортиқча чиқиш аниқланган санадаги айнан шунга ўхшаш номоддий активларнинг бозор қиймати бўйича уларнинг фойдали фойдаланиш муддатини ҳисобга олган ҳолда баҳоланади (ортиқча чиқиш сабаблари ва айбдор шахслар кейинчалик аниқланади) ва бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет номоддий активларни ҳисобга олувчи счётлар (0400),

кредит 9390 «Бошқа операцион даромадлар».

Инвентаризация жараёнида аниқланган номоддий активлар бўйича даромад суммаси умумий белгиланган тартибда солиққа тортилади.

Ҳисобга олинмаган номоддий активлар бўйича амортизация ажратмасини ҳисоблаш, ушбу номоддий актив, номоддий активлар таркибига қўшилган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан бошланади ва ушбу номоддий активнинг амортизация қилинадиган қиймати қоплангунча ёки ушбу номоддий актив балансдан чиқарилгунга қадар амалга оширилади.

**5-§. Инвентаризация жараёнида аниқланган узоқ ва қисқа муддатли инвестициялар камомати ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш**

---

19. Инвентаризация жараёнида аниқланган узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларнинг камомати бухгалтерия ҳисобида қуйидаги тартибда акс эттирилади:

а) кам чиққан узоқ ва қисқа муддатли инвестициялар номинал (баланс) қиймати бўйича ҳисобдан чиқарилганда: дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти, кредит узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар (0600),

кредит қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар (5800);

б) узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларнинг камоматидан кўрилган зарар суммасига:

дебет 5910 «Камоматлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти,

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти.

20. Моддий жавобгар шахс (ёки бошқа ходим) айбдор деб тан олинган ҳолларда ва агар баҳолаш натижасида кам чиққан узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларнинг бозор қиймати (ундирилладиган сумма) узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларнинг камомати бўйича кўрилган зарардан юқори бўлса, даромад суммаси бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 4730 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» счёти — айбдор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бўлган кам чиққан узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларнинг бозор қийматига,

кредит 5910 «Камоматлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти — узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларнинг камоматидан кўрилган зарар суммасига,

кредит 9320 «Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда» счёти — айбдор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бўлган кам чиққан узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларнинг бозор қиймати ва узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларнинг камоматидан кўрилган зарар суммаси ўртасидаги фарқига.

Узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларнинг камомадидан кўрилган даромад суммаси умумий белгиланган тартибда солиққа тортилади.

21. Моддий жавобгар шахс (ёки бошқа ходим) айбдор деб тан олинган ҳолларда ва агар баҳолаш натижасида кам чиққан узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларнинг бозор қиймати (ундириладиган сумма) узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларнинг камомади бўйича кўрилган зарардан паст бўлса, зарар суммаси бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 4730 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» счёти — айбдор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бўлган кам чиққан узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларнинг бозор қийматига,

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти — айбдор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бўлган кам чиққан узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларнинг бозор қиймати ва узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларнинг камомадидан кўрилган зарар суммаси ўртасидаги фарқига,

кредит 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти — узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларнинг камомадидан кўрилган зарар суммасига.

Узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларнинг камомадидан зарар суммаси даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда умумий белгиланган тартибда солиқ солиш базасини кўпайтиради.

22. Камомаднинг аниқ айбдори топилмаган ёки моддий жавобгар шахслардан ундириб олиш имкони бўлмаган ҳолларда, узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларнинг камомадидан кўрилган зарар молиявий натижаларга олиб борилади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти,

кредит 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти.

Узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларнинг камомадидан кўрилган зарар суммаси даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда умумий белгиланган тартибда солиқ солиш базасини кўпайтиради.

23. Инвентаризация жараёнида аниқланган ҳисобга олинмаган узоқ ва қисқа муддатли инвестициялар, ортиқча чиқиш аниқланган санадаги айнан шунга ўхшаш узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларнинг номинал қиймати бўйича баҳоланади (ортиқча чиқиш сабаблари ва айбдор шахслар кейинчалик аниқланади) ва бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар (0600),

дебет қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар (5800),

кредит 9390 «Бошқа операцион даромадлар» счёти.

Инвентаризация жараёнида аниқланган узоқ ва қисқа муддатли инвестициялар бўйича даромад суммаси умумий белгиланган тартибда солиққа тортилади.

#### **6-§. Инвентаризация жараёнида аниқланган товар-материал захиралари камомади ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш**

24. Инвентаризация жараёнида аниқланган товар-материал захираларининг камомади ҳақиқий (баланс) қиймати бўйича ҳисобдан чиқарилади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти,

кредит товар-материал захираларини ҳисобга олувчи счётлар (1000-2900).

25. Моддий жавобгар шахс (ёки бошқа ходим) айбдор деб тан олинган ҳолларда ва агар баҳолаш натижасида кам чиққан товар-материал захираларининг бозор қиймати (ундириладиган сумма) кам чиққан товар-материал захираларининг ҳақиқий (баланс) қийматидан юқори бўлса, даромад суммаси бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 4730 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» счёти — айбдор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бўлган кам чиққан товар-материал захираларининг бозор қийматига,

кредит 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бу-

зилишидан йўқотишлар» счёти — кам чиққан товар-материал захираларининг ҳақиқий (баланс) қийматиغا,

кредит 9320 «Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда» счёти — айбдор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бўлган кам чиққан товар-материал захираларининг бозор қиймати ва кам чиққан товар-материал захираларининг ҳақиқий (баланс) қиймати ўртасидаги фарқига.

Товар-материал захираларининг камомадидан кўрилган даромад суммаси умумий белгиланган тартибда солиққа тортилади.

26. Моддий жавобгар шахс (ёки бошқа ходим) айбдор деб тан олинган ҳолларда ва агар баҳолаш натижасида кам чиққан товар-материал захираларининг бозор қиймати (ундириладиган сумма) кам чиққан товар-материал захираларининг ҳақиқий (баланс) қийматидан паст бўлса, кўрилган зарар суммаси бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 4730 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» счёти — айбдор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бўлган кам чиққан товар-материал захираларининг бозор қийматиغا,

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти — айбдор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бўлган кам чиққан товар-материал захираларининг бозор қиймати ва кам чиққан товар-материал захираларининг ҳақиқий (баланс) қиймати ўртасидаги фарқига,

кредит 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти — кам чиққан товар-материал захираларининг ҳақиқий (баланс) қийматиغا.

Товар-материал захираларининг камомадидан кўрилган зарар суммаси даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда умумий белгиланган тартибда солиқ солиш базасини кўпайтиради.

27. Камомаднинг аниқ айбдори топилмаган ёки моддий жавобгар шахслардан ундириб олиш имкони бўлмаган ҳолларда, кам чиққан товар-материал захираларининг камомадидан кўрилган зарар молиявий натижаларга олиб борилади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти,  
кредит 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бу-  
зилишидан йўқотишлар» счёти.

Товар-материал захираларининг камомадидан кўрил-  
ган зарар суммаси даромад (фойда) солиғини ҳисоблаш-  
да умумий белгиланган тартибда солиқ солиш базасини  
кўпайтиради.

28. Инвентаризация жараёнида аниқланган ҳисобга  
олинмаган товар-материал захиралари ортиқча чиқиш  
аниқланган санадаги айнан шунга ўхшаш товар-материал  
захираларининг бозор қиймати бўйича баҳоланади (ор-  
тиқча чиқиш сабаблари ва айбдор шахслар кейинчалик  
аниқланади) ва бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эт-  
тирилади:

дебет товар-материал захираларини ҳисобга олувчи  
счётлар (1000-2900),

кредит 9390 «Бошқа операцион даромадлар» счёти.

Инвентаризация жараёнида аниқланган товар-мате-  
риал захиралар бўйича даромад суммаси умумий белги-  
ланган тартибда солиққа тортилади.

#### **7-§. Айбдор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан камомад суммасини ундиришнинг бухгалтерия ҳисоби**

29. Айбдор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ка-  
момад суммасини ундириш бухгалтерия ҳисобида қуйи-  
дагича акс этирилади:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5000,  
5100, 5200, 5500, 5600, 5700) ёки меҳнат ҳақи бўйича  
ходим билан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи счётлар  
(6700) ёки бошқа активларни ҳисобга олувчи счётлар,

кредит 4730 «Моддий зарарни қоплаш бўйича хо-  
димларнинг қарзи» счёти.

#### **8-§. Бюджет ташкилотларида инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомади ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби**

30. Инвентаризация жараёнида аниқланган ортиқча  
мол-мулкни кирим қилиш:

- а) асосий воситалар:  
дебет «Асосий воситалар» счёти,  
кредит «Асосий воситалар фонди» счёти;
- б) асбоб-ускуналар ва қурилиш материаллари:  
дебет «Асбоб-ускуналар, қурилиш материаллари ва илмий тадқиқот учун материаллар» счёти,  
кредит «Муассасани сақлаш учун ва бошқа тадбирларни бюджетдан молиялаштириш» счёти ёки «Муассаса харажатларини ва бошқа тадбирларни бюджетдан молиялаштириш бўйича ҳисоб-китоблар» счёти;
- в) материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари:  
дебет «Материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари» счёти,  
кредит «Муассасани сақлаш учун ва бошқа тадбирларни бюджетдан молиялаштириш» счёти ёки «Муассаса харажатларини ва бошқа тадбирларни бюджетдан молиялаштириш бўйича ҳисоб-китоблар» счёти;
- г) арзон ва тез эскирувчи буюмлар:  
дебет «Арзон ва тез эскирувчи буюмлар» счёти,  
кредит «Арзон ва тез эскирувчи буюмлар фонди» счёти.

31. Инвентаризация жараёнида аниқланган ва бюджет ташкилоти ҳисобига қабул қилинган камомадни ҳисобдан чиқариш:

- а) асосий воситалар:  
дебет «Асосий воситалар фонди», «Асосий воситаларнинг эскириши» счётлари,  
кредит «Асосий воситалар» счёти;
- б) арзон ва тез эскирувчи буюмлар:  
дебет «Арзон ва тез эскирувчи буюмлар фонди» счёти,  
кредит «Арзон ва тез эскирувчи буюмлар» счёти.

32. Материалларнинг белгиланган меъёрлар чегарасидаги йўқолишини, шунингдек бюджет ташкилоти ҳисобига қабул қилинган камомад ва йўқотишларни ҳисобдан чиқариш:

- а) материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари:  
дебет «Бюджет бўйича харажатлар» счёти — агар бюджет маблағлари ҳисобига харид қилинган бўлса,  
дебет «Бошқа харажатлар» счёти — агар бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига харид қилинган бўлса,  
кредит «Материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари» счёти;

б) асбоб-ускуналар ва қурилиш материаллари:  
дебет «Муассасани сақлаш учун ва бошқа тадбирлар-  
ни бюджетдан молиялаштириш» счёти ёки «Муассаса ха-  
ражатларини ва бошқа тадбирларни бюджетдан молия-  
лаштириш бўйича ҳисоб-китоблар» счёти,

кредит «Асбоб-ускуналар, қурилиш материаллари ва  
илмий тадқиқотлар учун материаллар» счёти;

в) арзон ва тез эскирувчи буюмлар:

дебет «Арзон ва тез эскирувчи буюмлар фонди» счёти,  
кредит «Арзон ва тез эскирувчи буюмлар» счёти.

33. Инвентаризация жараёнида аниқланиб айбдор шахс  
ҳисобига олиб борилган ва бюджет даромадига ўтказилган  
асосий воситаларнинг камомадини ҳисобдан чиқариш:

а) асосий воситаларнинг балансда ҳисобда турган сум-  
масига:

дебет «Камомадлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти,  
кредит «Асосий воситалар» счёти.

Бир вақтнинг ўзида иккинчи ёзув амалга оширилади:

дебет «Асосий воситалар фонди» ва «Асосий восита-  
ларнинг эскириши» счётлари,

кредит «Бюджетга тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар»  
счёти;

б) суднинг қарори билан бюджетнинг даромадига  
ўтказиладиган асосий воситаларнинг баланс қиймати ва  
айбдор шахсдан ундириладиган бозор қиймати ўртасида-  
ги фарқ суммасига:

дебет «Камомадлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти,

кредит «Бюджетга тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар»  
счёти;

в) айбдор шахс томонидан камомад суммаси ташки-  
лот кассасига киритилганда:

дебет «Касса» счёти,

кредит «Камомадлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти;

г) агар асосий воситалар бюджетдан ташқари манба-  
лари ҳисобига харид қилинган бўлса — айбдор шахс то-  
монидан камомад суммаси ташкилотнинг депозит счёти-  
га кирим қилинади:

дебет «Ташкилотнинг депозит счёти» ёки «Ташки-  
лотнинг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича депозит  
счёти» счёти,

кредит «Камомадлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти;  
д) агар асосий воситалар бюджетдан ташқари манбалар ҳисобига харид қилинган бўлса — айбдор шахс томонидан камомад суммаси ташкилотнинг депозит счётига ўтказилиши:

дебет «Бюджетга тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти,

кредит «Ташкилотнинг депозит счёти» ёки «Ташкилотнинг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича депозит счёти» счёти.

34. Инвентаризация жараёнида аниқланиб айбдор шахс ҳисобига олиб борилган ва бюджет даромадига ўтказилган арзон ва тез эскирувчи буюмлар камомадини ҳисобдан чиқариш:

а) арзон ва тез эскирувчи буюмларнинг балансда ҳисобда турган суммасига:

дебет «Камомадлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти,  
кредит «Арзон ва тез эскирувчи буюмлар» счёти.

Бир вақтнинг ўзида иккинчи ёзув амалга оширилади:

дебет «Арзон ва тез эскирувчи буюмлар фонди» счёти,  
кредит «Бюджетга тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар»

счёти;

б) суднинг қарори билан бюджетнинг даромадига ўтказиладиган арзон ва тез эскирувчи буюмларнинг баланс қиймати ва айбдор шахсдан ундириладиган бозор қиймати ўртасидаги фарқ суммасига:

дебет «Камомадлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти,

кредит «Бюджетга тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар»

счёти;

в) айбдор шахс томонидан камомад суммаси ташкилот кассасига киритилганда:

дебет «Касса» счёти,

кредит «Камомадлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти;

г) айбдор шахс томонидан камомад суммаси ташкилотнинг депозит счётига киритилганда:

дебет «Ташкилотнинг депозит счёти» счёти,

кредит «Камомадлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти;

д) айбдор шахсдан ундирилган сумма бюджетга ўтказилганда:

дебет «Бюджетга тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти,

кредит «Ташкилотнинг депозит счёти» (асосий ёки бюджетдан ташқари) счёти.

— 35. Инвентаризация жараёнида аниқланиб айбдор шахс ҳисобига олиб борилган ва ташкилот ихтиёрида қолдирилган асосий воситаларнинг камомадини ҳисобдан чиқариш:

а) асосий воситаларнинг балансда ҳисобда турган суммасига:

дебет «Камомадлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти,  
кредит «Асосий воситалар» счёти.

Бир вақтнинг ўзида иккинчи ёзув амалга оширилади:

дебет «Асосий воситалар фонди» ва «Асосий воситаларнинг эскириши» сётлари,

кредит «Муассасани сақлаш учун ва бошқа тадбирларни бюджетдан молиялаштириш» счёти ёки «Муассаса харажатларини ва бошқа тадбирларни бюджетдан молиялаштириш бўйича ҳисоб-китоблар» счёти;

б) айбдор шахс томонидан камомад суммаси ташкилот кассасига киритилганда:

дебет «Касса» счёти,  
кредит «Камомадлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти;

в) айбдор шахс томонидан камомад суммаси ташкилотнинг депозит счётига киритилганда:

дебет «Ташкилотнинг депозит счёти» (асосий ёки бюджетдан ташқари) счёти,

кредит «Камомадлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти.

36. Инвентаризация жараёнида аниқланиб айбдор шахс ҳисобига олиб борилган ва ташкилот ихтиёрида қолдирилган арзон ва тез эскирувчи буюмларнинг камомадини ҳисобдан чиқариш:

а) арзон ва тез эскирувчи буюмларнинг балансда ҳисобда турган суммасига:

дебет «Камомадлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти,  
кредит «Арзон ва тез эскирувчи буюмлар» счёти.

Бир вақтнинг ўзида иккинчи ёзув амалга оширилади:

дебет «Арзон ва тез эскирувчи буюмлар фонди» счёти,  
кредит «Муассасани сақлаш учун ва бошқа тадбирларни бюджетдан молиялаштириш» счёти ёки «Муассаса харажатларини ва бошқа тадбирларни бюджетдан молиялаштириш бўйича ҳисоб-китоблар» счёти;

б) айбдор шахс томонидан камомад суммаси ташкилот кассасига киритилганда:

дебет «Касса» счёти,

кредит «Камомадлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти;

в) айбдор шахс томонидан камомад суммаси ташкилотнинг депозит счётига киритилганда:

дебет «Ташкилотнинг депозит счёти» (асосий ёки бюджетдан ташқари) счёти,

кредит «Камомадлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти.

# **БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИДА ЛИЗИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ АКС ЭТТИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ**

**Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги томонидан  
рўйхатга олинган  
22.06.2004 й. 1373-сон**

**Тасдиқланган  
Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазири  
буйруғи билан  
12.05.2004 й. 74-сон**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 апрелдаги 199-сонли «Лизинг хизматларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2004 й., 17-сон, 197-модда) мувофиқ ишлаб чиқилган ва бухгалтерия ҳисобида лизинг ва ижара операцияларини акс эттиришнинг ягона услубий асосини белгилайди.

## **1-§. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунушидан қатъи назар, (бюджет ташкилотлари, банклар ва кредит уюшмаларидан ташқари) барча хўжалик юритувчи субъектларга (кейинги ўринларда — корхона) татбиқ этилади.

## **2-§. Лизингга берувчида лизинг операцияларининг ҳисоби**

2. Лизинг объектларини сотиб олиш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) лизинг объектлари уни сотиб олиш билан боғлиқ эгри солиқлар ва йўғимларни қўшган ҳолда (агар улар қопланмаса) кирим қилинганда:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800),

кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» ёки 6120 «Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар» ёки турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900) ёки бошқа тегишли счётлар;

б) лизинг объектларини сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатлар:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800),

кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш», 6110 «Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган счётлар», 6120 «Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар», турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900) ва бошқа тегишли счётлар;

в) лизингта берувчи томонидан амалга оширилган ва лизинг шартномасига мувофиқ лизингта олувчи томонидан қопланадиган лизинг объектини етказиб бериш ва белгиланган мақсадда фойдаланиш учун уни яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бўлган харажатлар:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800),

кредит материалларни (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни (6700), суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни (6500) ҳисобга олувчи счётлар ва бошқа тегишли счётлар;

г) лизингта берувчи томонидан амалга оширилган ва лизинг шартномасига мувофиқ лизингта олувчи томонидан қопланмайдиган лизинг объектини етказиб бериш ва белгиланган мақсадда фойдаланиш учун уни яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бўлган харажатлар:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти,

кредит материалларни (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни (6700), суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни (6500) ҳисобга олувчи счётлар ва бошқа тегишли счётлар;

д) мол етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа хизмат кўрсатган корхоналар олинган қарзларнинг тўланиши (қопланиши):

дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар», 6120 «Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар», турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900) ва бошқа тегишли счётлар,

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар.

3. Агар лизинг шартномасининг шarti бўйича лизинг объекти сотувчи томонидан лизингта берувчини четлаб бевосита лизингта олувчига етказиб берилса, лизингта берувчининг бухгалтерия ҳисобида лизинг объектининг кирими ва чиқими лизинг объектининг ҳаракатини тасдиқловчи бирламчи ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

4. Агар лизинг шартномасининг шarti бўйича лизингта берувчи томонидан лизинг объекти сотиб олинган бўлса, лекин лизингта олувчи қатор сабабларга кўра уни қабул қилишдан бош тортса, мазкур лизинг объекти, ундан фойдалангунга ёки чиқиб кетгунга қадар капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800)да ҳисобга олинади.

5. Агар минимал лизинг тўловларининг дисконтланган қиймати лизинг объектининг жорий қийматидан паст бўлса, лизинг лизингта берувчининг бухгалтерия ҳисобида актив (дебиторлик қарзи) сифатида минимал лизинг тўловларининг дисконтланган қиймати бўйича тан олинishi керак.

6. Агар минимал лизинг тўловларининг дисконтланган қиймати лизинг объектининг жорий қийматидан юқори бўлса, лизинг лизингта берувчининг бухгалтерия ҳисобида актив (дебиторлик қарзи) сифатида лизинг объектининг жорий қиймати бўйича тан олинishi керак.

7. Лизинг объектлари лизингта берилганда, лизингта берувчининг бухгалтерия ҳисобида актив (дебиторлик қарзи) сифатида тан олинандиган қиймат билан унинг баланс қиймати ўртасидаги фарқ кечиктирилган даромад (ҳаражат) сифатида акс этирилади ва лизингта берувчининг даромади ҳисобланишига қараб бир меъёрда (оймай) асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари (бошқа операция ҳаражатлари)га олиб борилади.

Агар лизинг объекти лизингта берилгунга қадар ли-

зингта берувчи томонидан қайта баҳоланган бўлса, лизинг объектини лизингта бериш вақтида кечиктирилган даромад (харажат) лизингта берувчининг бухгалтерия ҳисобида актив (дебиторлик қарзи) сифатида тан олинадиган қиймат билан унинг баланс қиймати ўртасидаги фарқ сифатида резерв капиталини ҳисобга олувчи счётларда қайд қилинган лизинг объектининг қайта баҳолаш натижаси (қолдиги)ни, яъни мазкур лизинг объектини олдинги баҳолашлардаги қиймат кўпайиши суммасининг олдинги баҳолашлардаги қиймат пасайиши суммасига нисбатан ортан суммасини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

8. Лизинг объектларининг лизинг шартларига мувофиқ лизингта берилиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) лизинг объектларини лизингта берувчининг бухгалтерия ҳисобида актив (дебиторлик қарзи) сифатида тан олинадиган қиймати бўйича лизингта берилиши:

дебет 0920 «Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар» счёти,

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти;

б) лизинг объектларининг баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти,  
кредит капитал қуйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800);

в) лизинг объектининг қайта баҳолаш натижаси (қолдиқ) суммасига:

дебет 8510 «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»,

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти;

г) лизинг шартномаси бўйича лизинг объектларини лизингта беришда кечиктирилган даромадлар юзага келганда:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти,  
кредит 7230 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар» счёти;

д) лизинг шартномаси бўйича лизинг объектларини лизингта беришда кечиктирилган харажатлар юзага келганда:

дебет 0990 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар» счёти.

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти.

9. Лизинг шартномаси бўйича лизинг объектларини лизингга берилишида вужудга келган кечиктирилган даромадлар ва кечиктирилган харажатларни ҳисобдан чиқариш қуйидагича акс эттирилади:

а) лизинг тўловлари жадвали (тартиби)га мувофиқ, лизинг шартномаси бўйича лизинг объектларини лизингга берилишида вужудга келган узоқ муддатли кечиктирилган даромадларнинг жорий қисми ўтказилганда:

дебет 7230 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар» счёти,

кредит 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счёти;

б) лизинг шартномаси бўйича лизинг объектларини лизингга берилишидаги кечиктирилган даромадларнинг жорий қисми молиявий натижаларга ўтказиб ҳисобдан чиқарилиши:

дебет 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счёти,

кредит 9390 «Бошқа операцион даромадлар» счёти;

в) лизинг тўловлари жадвали (тартиби)га мувофиқ, лизинг шартномаси бўйича лизинг объектларини лизингга берилишида вужудга келган узоқ муддатли кечиктирилган харажатларнинг жорий қисми ўтказилганда:

дебет 3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» счёти,

кредит 0990 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар» счёти;

г) лизинг шартномаси бўйича лизинг объектларини лизингга берилишидаги кечиктирилган харажатларнинг жорий қисми молиявий натижаларга ўтказиб ҳисобдан чиқарилиши:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти,

кредит 3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» счёти.

10. Мулкни лизингга бериш асосий фаолияти ҳисобланган корхоналар, жорий даврга тегишли бўлган лизингга берувчининг ҳисобланган даромади суммаси (лизинг тўловлари жадвали (тартиби)га мувофиқ) бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттиради:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган счётлар» счёти,

кредит 9030 «Ишлар бажариш ва хизматлар кўра-тишдан даромадлар» счёти.

11. Мулкни лизингга бериш асосий фаолияти ҳисобланмаган корхоналар, жорий даврга тегишли бўлган лизингга берувчининг ҳисобланган даромади суммасини (лизинг тўловлари жадвали (тартиби)га мувофиқ) бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттиради:

дебет 4830 «Олинадиган фоизлар» счёти,

кредит 9550 «Узоқ муддатли ижарадан даромадлар» счёти.

12. Мулкни лизингга бериш асосий фаолияти ҳисобланган корхоналарда лизингга олувчидан лизинг тўловлари келиб тушиши бўйича операциялар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) лизинг тўловлари жадвали (тартиби)га мувофиқ лизинг бўйича олинадиган узоқ муддатли тўловларнинг жорий қисми ўтказилганда:

дебет 4810 «Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар» счёти,

кредит 0920 «Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар» счёти;

б) лизинг шартномаси бўйича лизингга олувчидан пул маблағлари келиб тушганда:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар,

кредит 4810 «Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар» счёти,

кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти;

в) лизинг тўловлари жадвали (тартиби)га мувофиқ тўлов муддати келмаган лизинг тўловлари бўйича лизингга олувчидан бўнак келиб тушганда:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар,

кредит 6390 «Бошқа олинган бўнақлар» счёти;

г) лизинг тўловлари жадвали (тартиби)га мувофиқ тўлов муддати келганда лизингга олувчидан олдин олинган бўнақлар қошлашга (ҳисоблашишга) олинганда:

дебет 6390 «Бошқа олинган бўнақлар» счёти,

кредит 4810 «Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар» счёти,

кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти.

13. Мулкни лизингга бериш асосий фаолияти ҳисобланмаган корхоналарда лизингга олувчидан лизинг тўловлари келиб тушиши бўйича операциялар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) лизинг тўловлари жадвали (тартиби)га мувофиқ лизинг бўйича олинадиган узоқ муддатли тўловларнинг жорий қисми ўтказилганда:

дебет 4810 «Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар» счёти,  
кредит 0920 «Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар» счёти;

б) лизинг шартномаси бўйича лизингга олувчидан пул маблағлари келиб тушганда:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар,  
кредит 4810 «Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар» счёти,  
кредит 4830 «Олинадиган фоизлар» счёти;

в) лизинг тўловлари жадвали (тартиби)га мувофиқ тўлов муддати келмаган лизинг тўловлари бўйича лизингга олувчидан бўнак келиб тушганда:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар,  
кредит 6390 «Бошқа олинган бўнақлар» счёти;  
г) лизинг тўловлари жадвали (тартиби)га мувофиқ тўлов муддати келганда лизингга олувчидан олдин олинган бўнақлар қоплашга (ҳисоблашишга) олинганда:

дебет 6390 «Бошқа олинган бўнақлар» счёти,  
кредит 4810 «Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар» счёти,  
кредит 4830 «Олинадиган фоизлар» счёти.

14. Лизинг шартномаси тугагандан кейин лизингга олувчи томонидан лизинг объектларининг қайтарилиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) лизинг шартномасига мувофиқ лизинг объектининг қопланмаган қиймати суммасига:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800),

кредит 4810 «Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар» счёти;

б) лизингга олувчи томонидан амалга оширилган лизинг объектларини яхшилаш харажатларини лизингга берувчи томонидан қоплаш учун тан олиниши:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800),

кредит турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900);

в) лизинг шартномасига мувофиқ лизингта берувчи томонидан амалга оширилган лизинг объектларини қайтариш бўйича харажатлар (бузиш, ташиш ва бошқ.) суммасига:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти, кредит меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни (6700), суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни (6500) ҳисобга олувчи счётлар ва бошқа тегишли счётлар;

г) лизингга олувчи томонидан амалга оширилган лизинг объектларини яхшилаш харажатларини қоплаш учун пул маблағлари ўтказилганда:

дебет турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900),

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар.

15. Лизингга олувчи томонидан лизинг объектларининг муддатидан олдин қайтарилиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) лизинг шартномасига мувофиқ лизинг тўхтатилган санадаги лизинг объектининг қопланмаган қиймати суммасига:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800),

кредит 4810 «Узоқ муддатли ижара бўйича олинadиган жорий тўловлар» счёти жорий қисми,

кредит 0920 «Узоқ муддатли ижара бўйича олинadиган тўловлар» счёти узоқ муддатли қисми;

б) лизингга олувчи томонидан амалга оширилган лизинг объектларини яхшилаш харажатларини лизингга берувчи томонидан қоплаш учун тан олиниши:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800),

кредит турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900);

в) лизинг шартномаси бўйича лизинг объектларини лизингга берилишидаги кечиктирилган даромадларнинг

қолган суммаларини молиявий натижаларга ўтказиб ҳисобдан чиқариш:

— дебет 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счёти жорий қисми,

кредит 7230 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар» счёти узоқ муддатли қисми,

кредит 9390 «Бошқа операцион даромадлар» счёти;

г) лизинг шартномаси бўйича лизинг объектларини лизингга берилишидаги кечиктирилган харажатларнинг қолган суммаларини молиявий натижаларга ўтказиб ҳисобдан чиқариш:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти,

кредит 3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» счёти жорий қисми,

кредит 0990 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар» счёти узоқ муддатли қисми;

д) лизинг шартномасига мувофиқ лизингга берувчи томонидан амалга оширилган лизинг объектини қайтариш бўйича харажатлар (бузиш, ташиш ва бошқ.) суммасига:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти,

кредит меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни (6700), суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни (6500) ҳисобга олувчи счётлар ва бошқа тегишли счётлар;

е) лизингга олувчи томонидан амалга оширилган лизинг объектини яхшилаш харажатларини қоплаш учун пул маблағлари ўтказилганда:

дебет турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900),

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар.

### **3-§. Лизингга олувчида лизинг операцияларининг ҳисоби**

16. Агар минимал лизинг тўловларининг дисконтланган қиймати лизинг объектининг жорий қийматидан паст бўлса, лизинг лизингга олувчининг бухгалтерия ҳисобида актив ва мажбурият сифатида минимал лизинг тўловларининг дисконтланган қиймати бўйича тан олинishi керак.

17. Агар минимал лизинг тўловларининг дисконтланган қиймати лизинг объектининг жорий қийматидан

юқори бўлса, лизинг лизингта олувчининг бухгалтерия ҳисобида актив ва мажбурият сифатида лизинг объектининг жорий қиймати бўйича тан олиними керак.

18. Лизинг шартномаси бўйича олиб келинган лизинг объектлари бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) лизинг объектларини лизингта олувчининг бухгалтерия ҳисобида актив ва мажбурият сифатида тан олинган қиймати бўйича кирим қилиш:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800),

кредит 7910 «Тўланадиган узоқ муддатли ижара» счёти;

б) лизинг объектларини белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бўлган харажатлар суммасига:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800),

кредит материалларни (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни (6700), суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни (6500) ҳисобга олувчи счётлар ва бошқа тегишли счётлар;

в) лизинг объектларини бошланғич қиймати бўйича фойдаланишга топширилиши (уларни асосий воситалар таркибига ўтказилиши):

дебет 0310 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счёти,

кредит капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800).

19. Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш:

дебет харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (2000, 2100, 2300, 2500, 2600, 2700, 9400 счётлар ва лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг белгиланган мақсадига қараб бошқа счётлар),

кредит 0299 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши» счёти;

б) лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воси-

таларни ишчи ҳолатда сақлаш (жорий, ўртача ёки капитал таъмирлаш ва бошқ.) билан боғлиқ харажатлар суммасига: — дебет харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (2000, 2100, 2300, 2500, 2600, 2700, 9400 счётлар ва лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг белгиланган мақсадига қараб бошқа счётлар),

кредит материалларни (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни (6700), суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни (6500) ҳисобга олувчи счётлар ва бошқа тегишли счётлар.

20. Лизинг бўйича фоизларни ҳисоблаш ва лизингта берувчига лизинг тўловларини тўлаш бўйича операциялар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) лизинг тўловлари жадвали (тартиби)га мувофиқ лизинг бўйича узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми ўтказилганда:

дебет 7910 «Тўланадиган узоқ муддатли ижара» счёти,  
кредит 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар жорий

қисми» счёти;

б) лизинг бўйича ҳисобланган фоизлар суммасига:  
дебет 9610 «Фоиз кўринишидаги харажатлар» счёти,  
кредит 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счёти;

в) лизингта берувчига лизинг тўловларининг жорий қисми тўланганда:

дебет 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счёти,

дебет 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар жорий қисми» счёти,

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

г) лизинг тўловлари жадвали (тартиби)га мувофиқ тўлов муддати келмаган лизинг тўловлари бўйича лизингта берувчига бўнақ тўланганда:

дебет 4330 «Бошқа берилган бўнақлар» счёти,

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

д) лизинг тўловлари жадвали (тартиби)га мувофиқ тўлов муддати келганда лизингта берувчига олдин тўланган бўнақлар қоплашга (ҳисоблашишга) олинганда:

дебет 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счёти,

дебет 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар жорий қисми» счёти,

кредит 4330 «Бошқа берилган бўнақлар» счёти.

21. Лизинг объектини яхшилаш (ободонлаштириш, қўшимча қуриш, қўшимча асбоб-ускуналар билан таъминлаш, реконструкция, модернизация қилиш, техник қайта қуроллангириш ва бошқа) харажатлари суммаси, лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар қийматини кўпайтирувчи капитал қўйилмалар сифатида бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) капитал қўйилмалар амалга оширилганда:

дебет 0860 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар» счёти, кредит материалларни (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни (6700), суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни (6500) ҳисобга олувчи счётлар ва бошқа тегишли счётлар;

б) капитал қўйилмаларни асосий воситалар таркибига ўтказилганда:

дебет 0112 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш» счёти, кредит 0860 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар» счёти;

в) лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришга эскириш ҳисобланганда:

дебет харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (2000, 2100, 2300, 2500, 2600, 2700, 9400 счётлар ва лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг белгиланган мақсадига қараб бошқа счётлар),

кредит 0212 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши» счёти.

22. Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ва лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришни қайта баҳолаш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) баланс қиймати кўпайганда (баҳоси ошганда):

дебет 0310 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счёти,

дебет 0112 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш» счёти,

кредит 8510 «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти;

б) баланс қиймати камайганда (баҳоси пасайганда) олдинги қайта баҳолаш суммаси (кўпайган баҳоси) даражасида:

дебет 8510 «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти,

кредит 0310 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счёти,

кредит 0112 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш» счёти.

Лизинг шартномаси бўйича олинган мазкур асосий воситани қайта баҳолаш натижасида баҳоси пасайиши суммасининг олдинги қайта баҳолаш (кўпайган баҳо)дан ортган қисми харажат сифатида тан олинади ва 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счётида акс эттирилади;

в) эскириш суммасининг кўпайиши (баҳоси ошганда):

дебет 8510 «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти,

кредит 0212 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши» счёти,

кредит 0299 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши» счёти;

г) эскириш суммасининг камайиши (баҳоси пасайганда):

дебет 0212 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши» счёти,

дебет 0299 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши» счёти,

кредит 8510 «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти.

Лизинг шартномаси бўйича олинган мазкур асосий воситанинг жамғарилган эскириши қайта баҳолаш натижасида, унинг баҳоси пасайиши суммасининг олдинги қайта баҳолаш (кўпайган баҳо)дан ортган қисми даромад сифатида тан олинади ва 9390 «Бошқа операцион даромадлар» счётида акс эттирилади.

23. Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни лизингга олувчининг мулкига ўтиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни хусусий асосий воситалари таркибига ўтказилганда: дебет асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар (0100 асосий воситаларнинг турлари бўйича),

кредит 0310 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счёти лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қийматига,

кредит 0112 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш» счёти лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг бошланғич (қайта тиклаш) қийматига;

б) лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни хусусий асосий воситалар таркибига ўтказилганда, улар бўйича жамғарилган эскириш суммасини ўтказиш (кўчириш):

дебет 0299 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши» счёти лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар бўйича жамғарилган эскириш суммасига,

дебет 0212 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши» счёти лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш бўйича жамғарилган эскириш суммасига,

кредит асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар (0200 асосий воситаларнинг турлари бўйича);

в) лизинг шартномаси бўйича асосий қарзнинг қопланмаган қолдиғини тўлаш:

дебет 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар жорий қисми» счёти жорий қисми,

дебет 7910 «Тўланадиган узоқ муддатли ижара» счёти узоқ муддатли қисми,

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар.

24. Лизингта берувчига лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар қайтарилганда бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар амалга оширилади:

а) бошланғич (қайта тиклаш) қийматига:

дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти,

кредит 0310 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счёти лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қийматига,

кредит 0112 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш» счёти лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг бошланғич (қайта тиклаш) қийматига;

б) жамғарилган эскириш суммасига:

дебет 0299 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши» счёти лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар бўйича жамғарилган эскириш суммасига,

дебет 0212 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши» счёти лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш бўйича жамғарилган эскириш суммасига,

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

в) лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш қийматининг лизингта берувчи томонидан қопланадиган суммасига:

дебет 4890 «Бошқа дебиторлар қарзлари» счёти,

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

г) лизинг шартномаси бўйича олинган мазкур асосий воситалар объектини қайта баҳолаш натижаси (қолдиқ) суммасига:

дебет 8510 «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти,

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

д) лизинг тўловлари жадвали (тартиби) бўйича асосий қарзнинг қопланмаган қолдиғи суммасига:

дебет 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар жорий қисми» счёти жорий қиёми,

дебет 7910 «Тўланадиган узоқ муддатли ижара» счёти узоқ муддатли қисми (лизинг шартномаси муддати тугагунга қадар қайтарилган ҳолларда),

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

е) лизинг шартномасига мувофиқ лизингта олувчи томонидан амалга оширилган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни қайтариш бўйича харажатлар (бузиш, ташиш ва бошқ.) суммасига:

дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти,

кредит материалларни (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни (6700), суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни (6500) ҳисобга олувчи счётлар ва бошқа тегишли счётлар;

ж) лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни қайтаришдан фойда кўрилганда:

дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти,

кредит 9310 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда» счёти;

з) лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни қайтаришдан зарар кўрилганда:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти,

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

и) лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш бўйича харажатларни қоплаш учун лизингта берувчидан пул маблағлари келиб тушганда:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар,

кредит 4890 «Бошқа дебиторлар қарзлари» счёти.

#### **4-§. Кейинги лизинг бўйича мулкни сотишнинг ҳисоби**

25. Лизингта берувчига мулкни сотиш ҳисоби сотувчининг бухгалтерия ҳисобида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 9 сентябрдаги 103-сонли буйруғи билан тасдиқланган Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сон БҲМС) «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома»га (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 й. 23 октябрь, рўйхат рақами 1181-сон, «Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси», 2002 й., 20-сон) мувофиқ амалга оширилади.

Кейинчалик лизинг ҳисоби лизингта олувчи ва лизингта берувчида мазкур Низомда ўрнатилган тартибда юритилади.

### **5-§. Узоқ муддатли ижара ҳисоби**

26. Асосий воситалар узоқ муддатли ижарага берилганда ижарага берувчининг бухгалтерия ҳисобида актив (дебиторлик қарзи) сифатида тан олинадиган қиймат билан асосий воситанинг бошланғич (агар берилаётган объект фойдаланилмаган бўлса) ёки қолдиқ (агар объект ижарага беришгача фойдаланишда бўлса) қиймати ўртасидаги фарқ суммаси резерв капиталини ҳисобга олувчи счётларда қайд қилинган лизинг объектининг қайта баҳолаш натижаси (қолдиғи)ни, яъни мазкур лизинг объектини олдинги баҳолашлардаги қиймат кўпайиши суммасининг олдинги баҳолашлардаги қиймат пасайиши суммасига нисбатан ортган суммасини ҳисобга олган ҳолда тузатишлар киритилгандан сўнг кечиктирилган даромад (харажат) сифатида акс эттирилади ва ижара тўловларининг ҳисобланишига қараб бир меъёрда (ойма-ой) асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари (бошқа операцион харажатлари)га олиб борилади.

27. Асосий воситаларнинг узоқ муддатли ижара шартларига мувофиқ ижарага берилиши ижарага берувчининг бухгалтерия ҳисобида қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) асосий воситаларни ижарага берувчининг бухгалтерия ҳисобида актив (дебиторлик қарзи) сифатида тан олинадиган қиймати бўйича ижарага берилиши:

дебет 0920 «Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар» счёти,

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

б) асосий воситаларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти,

кредит асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар (0100);

в) асосий воситаларнинг жамғарилган эскириши ҳисобдан чиқарилганда:

дебет асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар (0200),

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

г) ижарага берувчи томонидан амалга оширилган ижара объектини етказиб бериш ва уни белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ харажатлар суммасига:

дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти,

кредит материалларни (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни (6700), суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни (6500) ҳисобга олувчи счётлар ва бошқа тегишли счётлар;

д) мазкур асосий воситалар объектини қайта баҳолаш натижаси (қолдиқ) суммасига:

дебет 8510 «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти,

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

е) узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича асосий воситаларни ижарага берилишида кечиктирилган даромадлар юзага келганда:

дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти,

кредит 7230 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар» счёти;

ж) узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича асосий воситаларни ижарага берилишида кечиктирилган харажатлар юзага келганда:

дебет 0990 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар» счёти,

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти.

Кейинчалик узоқ муддатли ижара бўйича операцияларнинг ҳисоби ижарага берувчида мазкур Низомнинг 2-§да кўрсатилган тартибда юритилади.

28. Узоқ муддатли ижара бўйича операцияларнинг

ҳисоби ижарачида худди лизингга олувчидагидек мазкур Низомнинг 3-§да ўрнатилган тартибда юритилади.

## 6-§. Қисқа муддатли ижара ҳисоби

29. Қисқа муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар ижарачида баланسدан ташқари сўёт ҳисобланган 001 «Қисқа муддатли ижарага олинган асосий воситалар» сўётининг дебетида, ижарага берувчида эса асосий воситалар таркибида ҳисобга олинади.

30. Қисқа муддатли ижара билан боғлиқ операциялар ижарага берувчининг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) қисқа муддатли ижара шартномаси бўйича берилган асосий воситаларга эскириш ҳисобланганда:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» сўёти,  
кредит асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи сўётлар (0200);

б) мулкни қисқа муддатли ижарага бериш асосий фаолияти ҳисобланган корхоналарда жорий даврга тегишли бўлган ижара тўловлари (ижара тўловлари жадвали (тартиби)га ёки қисқа муддатли ижара шартномасига мувофиқ) ҳисобланганда:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган сўётлар» сўёти,

кредит 9030 «Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» сўёти;

в) мулкни қисқа муддатли ижарага бериш асосий фаолияти ҳисобланмаган корхоналарда жорий даврга тегишли бўлган ижара тўловлари (ижара тўловлари жадвали (тартиби)га ёки қисқа муддатли ижара шартномасига мувофиқ) ҳисобланганда:

дебет 4820 «Қисқа муддатли ижара бўйича олинган тўловлар» сўёти,

кредит 9350 «Қисқа муддатли ижарадан даромадлар» сўёти;

г) мулкни қисқа муддатли ижарага бериш асосий фаолияти ҳисобланган корхоналарда ижара тўловларининг келиб тушиши:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи сўётлар,

кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олин-  
надиган счётлар» счёти;

д) мулкни қисқа муддатли ижарага бериш асосий  
фаолияти ҳисобланмаган корхоналарда ижара тўловлари-  
нинг келиб тушиши:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар,

кредит 4820 «Қисқа муддатли ижара бўйича олина-  
диган тўловлар» счёти;

е) ижара тўловлари жадвали (тартиби)га ёки қисқа  
муддатли ижара шартномасига мувофиқ тўлов муддати  
келмаган ижара тўловлари бўйича бўнак келиб тушганда:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар,

кредит 6390 «Бошқа олинган бўнаклар» счёти;

ж) мулкни қисқа муддатли ижарага бериш асосий  
фаолияти ҳисобланган корхоналарда ижара тўловлари жад-  
вали (тартиби)га ёки қисқа муддатли ижара шартномасига  
мувофиқ тўлов муддати келганда ижарачидан олдин олин-  
ган бўнакларни қоплашга (ҳисоблашишга) олинганда:

дебет 6390 «Бошқа олинган бўнаклар» счёти,

кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан оли-  
надиган счётлар» счёти;

з) мулкни қисқа муддатли ижарага бериш асосий  
фаолияти ҳисобланмаган корхоналарда ижара тўловлари  
жадвали (тартиби)га ёки қисқа муддатли ижара шартно-  
масига мувофиқ тўлов муддати келганда ижарачидан ол-  
дин олинган бўнакларни қоплашга (ҳисоблашишга) олин-  
ганда:

дебет 6390 «Бошқа олинган бўнаклар» счёти,

кредит 4820 «Қисқа муддатли ижара бўйича олина-  
диган тўловлар» счёти;

и) ижарачи томонидан амалга оширилган қисқа муд-  
датли ижара шартномаси бўйича олинган асосий восита-  
ларни яхшилаш харажатларининг ижарага берувчи томо-  
нидан қоплаш учун тан олиниши:

дебет асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар  
(0100),

кредит турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисоб-  
га олувчи счётлар (6900);

к) ижарачи томонидан амалга оширилган қисқа муд-  
датли ижара шартномаси бўйича олинган асосий восита-

ларни яхшилаш харажатларини қоплаш учун пул маблағлари ўтказилганда:

дебет турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900),

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар.

31. Қисқа муддатли ижара билан боғлиқ операциялар ижарачининг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) ижара тўловлари ҳисобланганда:

дебет харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (2000, 2100, 2300, 2500, 2600, 2700, 9400 счётлар ва қисқа муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг белгиланган мақсадига қараб бошқа счётлар), кредит 6910 «Тўланадиган қисқа муддатли ижара» счёти;

б) ижарага берувчига ижара тўловлари тўланганда:

дебет 6910 «Тўланадиган қисқа муддатли ижара» счёти, кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

в) ижара тўловлари жадвали (тартиби)га ёки қисқа муддатли ижара шартномасига мувофиқ тўлов муддати келмаган ижара тўловлари бўйича бўнак тўланганда:

дебет 4330 «Бошқа берилган бўнақлар» счёти,

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

г) ижара тўловлари жадвали (тартиби)га ёки қисқа муддатли ижара шартномасига мувофиқ тўлов муддати келганда ижарага берувчига олдин тўланган бўнақларни қоплашга (ҳисоблашишга) олинганда:

дебет 6910 «Тўланадиган қисқа муддатли ижара» счёти, кредит 4330 «Бошқа берилган бўнақлар» счёти;

д) қисқа муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни яхшилаш бўйича капитал қўйилмалар амалга оширилганда:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800),

кредит материалларни (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни (6700), суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни (6500) ҳисобга олувчи счётлар ва бошқа тегишли счётлар;

е) қисқа муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар қайтарилганда капитал қўйилмаларни ҳисобдан чиқариш:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти,  
кредит капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800);

ж) қисқа муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни яхшилаш бўйича капитал қўйилмалар қийматининг ижарага берувчи томонидан қопланадиган суммасига:

дебет 4890 «Бошқа дебиторлар қарзлари» счёти,  
кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти;

з) қисқа муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни яхшилаш бўйича капитал қўйилмаларнинг берилишидан фойда кўрилганда:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти,  
кредит 9320 «Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда» счёти;

и) қисқа муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни яхшилаш бўйича капитал қўйилмаларнинг берилишидан зарар кўрилганда:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти,  
кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти;

к) қисқа муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни яхшилаш бўйича капитал қўйилмалар қийматини қоплаш учун ижарага берувчидан пул маблағлари келиб тушганда:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар,  
кредит 4890 «Бошқа дебиторлар қарзлари» счёти.

Қисқа муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар қайтариб берилганда балансдан ташқари счёт ҳисобланган 001 «Қисқа муддатли ижарага олинган асосий воситалар» счёти кредитланади.

# **АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ БАЛАНСДАН ЧИҚАРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ**

---

**Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги томонидан  
рўйхатга олинган  
29.08.2004 й. 1401-сон**

**Тасдиқланган  
Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазири  
буйруғи билан  
16.08.2004 й. 101-сон**

Мазкур Низом «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қайдномалари, 1996 й., 9-сон, 142-модда), Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 9 октябрдаги 114-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (5-сон БҲМС) «Асосий воситалар» (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 20 январда 1299-сон билан рўйхатга олинган, «Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўплами», 2004 й., 3-сон, 35-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2004 йил 12 майдаги 75-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (6-сон БҲМС) «Ижара ҳисоби»га (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 22 июнда 1374-сон билан рўйхатга олинган, «Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўплами», 2004 й., 25-сон, 292-модда) мувофиқ асосий воситаларни балансдан чиқаришдаги бухгалтерия ҳисобининг ягона услубий асосини белгилаш мақсадида ишлаб чиқилган.

## 1-§. Умумий қондалар

1. Мазкур Низом мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунитидан қатъи назар барча корхона ва ташкилотларга (банклар ва кредит уюшмаларидан ташқари) татбиқ этилади.

2. Асосий воситалар қуйидагилар натижасида балансдан чиқарилади:

- а) тугатилиши;
- б) сотилиши;
- в) айирбошлаш (алмашгирилиши);
- г) бепул (текинга) берилиши;
- д) устав капиталига таъсисчининг улуши кўринишида берилиши;
- е) узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича берилиши<sup>1</sup>;
- ж) камомад ёки йўқотишлар аниқланиши;
- з) юридик шахс таъсисчилари таркибидан таъсисчининг чиқишида асосий воситалар билан ҳисоб-китоб қилиниши.

3. Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан молиявий натижани (фойда ёки зарарни) аниқлашда олдинги қайта баҳолашлардан ҳосил бўлган асосий восита объектлари қиймати ошиши суммасининг қолдиғи, яъни ушбу асосий восита объектнинг қайта баҳолашлар натижасида баҳосининг ошган суммаси баҳосининг пасайган суммасидан ошган қисми асосий воситаларнинг чиқиб кетишини ҳисобга олувчи счётнинг кредитига олиб борилиб, бир вақтнинг ўзида 8510-«Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётини камайтиради.

4. Агарда 8510-«Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётида ҳисобга олинган асосий воситаларни қайта баҳолаш натижаси (қолдиқ), яъни ушбу асосий воситани қайта баҳолашлар натижасида баҳосининг ошиши суммаси баҳосининг пасайиши суммасидан ортган қисми, мулкни хусусийлаштириш жараёнида ҳосил бўлган гудвил (фирма баҳоси) суммасининг камайтирилишига

---

<sup>1</sup> Асосий воситалар қисқа муддатли ижара шарномаси бўйича берилганда асосий воситаларни балансдан чиқариш амалга оширилмайди.

(ҳисобдан чиқарилишига) ишлатилган бўлса, асосий воситаларни ҳисобга олиш ҳужжатлари (реестрлари)да хусусийлангтириш натижасида ҳосил бўлган гудвил (фирма баҳоси) қийматини қоплаш учун йўналтирилган қайта баҳолаш (қолдиқ) суммаси тўғрисида белги қўйилади.

Бунда, ҳар бир асосий восита бўйича гудвил (фирма баҳоси)нинг қийматини қоплаш учун йўналтирилган қайта баҳолаш (қолдиқ) суммасини аниқлаш учун ҳар бир турдаги асосий воситанинг қайта баҳолаш (қолдиқ) суммаси тегишли коэффицентларга кўпайтирилади. Ушбу коэффицент асосий фондларни қайта баҳолаш натижасида ҳосил бўлган резерв капиталидан гудвил (фирма баҳоси) қийматини қоплаш учун йўналтирилган суммасининг гудвил (фирма баҳоси) қийматини қоплашгача бўлган қайта баҳолаш натижасида ҳосил бўлган резерв капитали суммасига нисбати сифатида аниқланади.

Шундай қилиб, чиқиб кетаётган асосий воситаларни олдин қайта баҳолаш натижасида юзага келган резерв капиталидан гудвил (фирма баҳоси) қийматини қоплаш учун йўналтирилган ҳолларда, асосий воситаларнинг чиқиб кетишини ҳисобга олувчи счётнинг кредитига ушбу турдаги асосий воситани қайта баҳолаш натижасида резерв капиталида турган қайта баҳолашнинг қолдиқ суммаси гудвил (фирма баҳоси) қийматини қоплаш учун йўналтирилган суммага камайтирилганидан қолган қисми олиб борилади.

5. Мазкур Низомнинг 2-бандида келтирилган сабабларга кўра Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 9 октябрдаги 114-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (5-сон БҲМС) «Асосий воситалар» (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 20 январда 1299-сон билан рўйхатта олинган, «Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўплами», 2004 й., 3-сон, 35-модда) кучга киргунига қадар чиқиб кетган асосий воситалар бўйича 8510-«Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётида ҳисобга олинган чиқиб кетган асосий воситаларнинг қайта баҳолаш натижаси (қолдиғи), яъни ушбу асосий воситаларни қайта баҳолашлар натижасида баҳоси ўсиши суммасининг баҳоси пасайиши

суммасидан ошган суммаси 8520-«Резерв капитали» счётига ўтказилади.

Шунинг учун, корхона ва ташкилотлар 8510-«Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётида ҳисобга олинган қайта баҳолаш натижаси (қолдиқ)ни, яъни олдинги қиймат ошиши суммасининг олдинги қиймат пасайиши суммасидан ошган суммасини икки қисмга: балансда ҳисобда бўлган асосий воситаларни қайта баҳолаш натижаси (қолдиқ)га ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 9 октябрдаги 114-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (5-сон БҲМС) «Асосий воситалар»нинг (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 20 январда 1299-сон билан рўйхатга олинган, «Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўплами», 2004 й., 3-сон, 35-модда) кучга киргунига қадар чиқиб кетган асосий воситаларни қайта баҳолаш натижаси (қолдиқ)га бўлиши лозим.

## **2-§. Асосий воситаларнинг тугатилиши натижасида балансдан чиқариш тартиби**

6. Асосий воситалар қуйидаги ҳолларда тугатилиши муносабати билан балансдан чиқарилиши мумкин:

а) белгиланган хизмат муддати тугагандан кейин (эскириш тўлиқ ҳисобланганда);

б) жисмоний эскириши, авария, табиий офатлар, фойдаланишнинг меъёрий шартлари бузилиши натижасида яроқсиз ҳолга келганда;

в) маънавий эскирганда<sup>2</sup>;

г) тегишли давлат идораларининг қарори билан чиқиб кетиши;

д) корхона ва ташкилотларда қурилиш, кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техник қайта қуролланиш натижасида ҳисобдан чиқариш.

---

<sup>2</sup> Маънавий эскирган асосий воситалар — бу айнан шу мақсадда, нисбатан унумдор ва тежамкор асосий восита турларини ишлаб чиқариш натижасида қадрсизланган асосий воситалардир.

Асосий воситаларни қайта тиклаш имкони бўлмаса ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаса тугатилади.

7. Асосий воситаларнинг тугатилиши қуйидагича амалга оширилади:

- а) бюджет ташкилотларида — қонунчиликка мувофиқ;
- б) унитар корхоналарда хўжалик юритиш ҳуқуқи бўйича уларга тегишли бўлган кўчмас асосий воситаларни — корхона мулки эгасининг розилиги билан, қолган асосий воситаларни — қонунчиликка мувофиқ мустақил равишда;
- в) оператив бошқариш ҳуқуқига асосланган давлат унитар корхоналарида (кейинги ўринларда — давлат корхоналари) — корхона мулки эгасининг розилиги билан;
- г) бошқа корхона ва ташкилотларда — қонунчиликка мувофиқ мустақил равишда.

8. Корхона ва ташкилотларда асосий воситаларнинг тугатилиши натижасида ҳисобдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш учун корхона раҳбари (раҳбар ўринбосари) ёки бош муҳандис раислигида комиссия тузилади. Комиссия таркибига корхона ва ташкилотнинг тегишли мутахассислари, бухгалтерия ходимлари ва моддий жавобгар шахслар қўшилиши шарт. Комиссия корхона ва ташкилот раҳбарининг буйруғи билан ташкил этилади.

9. Асосий воситаларнинг тугатилиши муносабати билан уларни ҳисобдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш учун тузилган комиссия қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- а) техник ҳужжатлардан (паспорт, босқичма-босқич режалар ва бошқа ҳужжатлар) ва бухгалтерия ҳисобининг маълумотларидан фойдаланган ҳолда ҳисобдан чиқариладиган асосий воситаларни бевосита кўриб чиқиш;
- б) уларни қайта тиклаш имконияти йўқлиги ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмаслигини белгилайди;
- в) асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш сабабларини (эскиришнинг тўлиқ ҳисобланиши, жисмоний эскириши, реконструкция, фойдаланиш меъёрий шартларининг бузилиши, табиий офат, авария ва бошқаларни) белгилайди;
- г) асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш муддатидан олдин фойдаланишдан чиқиб кетишига айбдор бўлган

шахсни аниқлайди ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган меъёрлар асосида жавобгарликка тортиш бўйича таклифлар киритади;

д) тугатилаётган асосий воситанинг алоҳида қисмларини, деталлари, материаллари, рангли ва қимматбаҳо металлларининг фойдаланиш мумкинлигини аниқлайди ва уларни баҳолашни амалга оширади;

е) тугатилаётган асосий воситалардан олинган яроқли қисмларини, деталларини, материалларини, рангли ва қимматбаҳо металлларини олишни назорат қилади, уларнинг сонини, оғирлигини аниқлайди ва тегишли омборларга топширилишини назорат қилади.

10. Корхона ва ташкилотларни қайта тиклаш ва техник қуроллантириш, қурилиш, кенгайтириш натижасида асосий воситалар тугатилаётган ҳолларда, комиссия ҳисобдан чиқаришга мўлжалланган асосий воситаларни юқори ташкилот ёки корхона мулкининг эгаси томонидан тасдиқланган қурилиш, кенгайтириш, корхона ва ташкилотларни қайта тиклаш ва техник қуроллантириш режасига мос келишини текширади. Агар бундай режа бўлмаса, корхона ёки ташкилот бошқарув органининг қарори бўлиши шарт.

Бунда комиссия асосий воситаларни тугатиш далолатномасида тасдиқланган режанинг ёки тегишли қарорнинг бандига ва санасига асосланганлигини кўрсатади.

11. Комиссия томонидан асосий воситаларнинг тугатилиши натижасида ҳисобдан чиқариш тўғрисида қабул қилган қарори мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган асосий воситаларни тугатиш тўғрисидаги далолатнома (АВ 4-сонли шакл) билан, жумладан, транспорт воситалари бўйича — мазкур Низомнинг 2-иловасида келтирилган транспорт воситаларини тугатиш тўғрисидаги далолатнома (АВ 4а-сонли шакл) билан расмийлаштирилади.

Асосий воситаларни тугатиш тўғрисидаги далолатнома (АВ 4-сонли шакл) ва транспорт воситаларини тугатиш тўғрисидаги далолатнома (АВ 4а-сонли шакл) икки нусхада тузилади, корхона ва ташкилот раҳбари томонидан тайинланган комиссия аъзолари томонидан имзоланади ва корхона, ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади. Далолатноманинг биринчи нусхаси бухгалтерияга

берилади, иккинчиси эса асосий восита объектининг сақланиши учун масъул бўлган шахсда қолади ва у ҳисобдан чиқариш натижасида қолган металл қолдиқлари ва моддий қийматликларни омборга топшириш ва сотиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Транспорт воситаларини ҳисобдан чиқаришда бухгалтерияга далолатнома билан биргаликда унинг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати идораларидан ҳисобдан чиқарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳам тақдим этилади.

12. Асосий воситаларни тугатиш тўғрисидаги далолатномада тугатилаётган асосий воситаларни тавсифловчи қуйидаги маълумотлар: асосий воситанинг ишлаб чиқарилган ёки қурилган йили, унинг корхона ёки ташкилотга келиб тушган санаси, фойдаланишга топширилган санаси, асосий воситанинг бошланғич (қайта баҳоланганлари учун — қайта тиклаш) қиймати, бухгалтерия ҳисоби маълумотларига кўра барча фойдаланиш даврида ҳисобланган эскириш суммаси, тугатишнинг сабаблари ва бузишда олинishi мумкин бўлган яроқли қисмлар, деталлар, материаллар, рангли ва қимматбаҳо металлларнинг мавжудлиги ҳамда улардан келгусида фойдаланиш имкониятлари кўрсатилади.

13. Транспорт воситалари тугатилаётган вақтда, улардан ташқари, транспорт воситасининг бажарган иш ва кўрсатган хизмат ҳажми ёки босиб ўтган йўли кўрсатилади.

14. Авария ёки фойдаланиш меъёрий шартларининг бузилиши натижасида чиқиб кетаётган асосий воситаларни балансдан ҳисобдан чиқаришда тугатиш далолатномасига авария ёки фойдаланиш меъёрий шартларининг бузилиши ҳақидаги далолатнома нусхаси илова қилинади ҳамда авариянинг юзага келиши ёки фойдаланиш меъёрий шартларининг бузилиш сабаблари тушунтирилади ва айбдор шахсларга нисбатан қўлланилган чоралар кўрсатилади.

15. Табiiй офат натижасида чиқиб кетаётган асосий воситаларни балансдан ҳисобдан чиқаришда тугатиш далолатномасига махсус ҳукумат комиссиясининг хулосаси илова қилинади.

16. Асосий воситаларни тугатиш бўйича комиссия томонидан тузилган асосий воситаларни тугатиш тўғри-

сидаги далолатнома қўйида келтирилган келишувлардан сўнг асосий воситалар балансида ҳисобга олинган корхона ёки ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади:

а) бюджет ташкилотларида — қонунчиликка мувофиқ тегишли ташкилотлар билан;

б) унитар корхоналарда ҳўжалик юритиш ҳуқуқи уларга берилган кўчмас асосий воситалар бўйича — корхона мулки эгаси билан;

в) давлат корхоналарида — корхона мулки эгаси билан.

17. Тугатиш ҳақидаги далолатнома тасдиқланмагунча асосий воситаларни бузиш ва қисмларга ажратишга йўл қўйилмайди.

Тугатиш жараёни тугагандан кейин корхона ёки ташкилот бухгалтерияси томонидан мазкур Низомнинг 3-илоvasида келтирилган шаклда асосий воситаларни тугатиш билан боғлиқ харажатлар ва уларни тугатишдан келиб тушган материал қийматликлар тўғрисида маълумотнома тузилади.

Асосий воситаларни бузиш ва қисмларга ажратиш натижасида олинган ва бошқа асосий воситаларни таъмирлашга яроқли бўлган қисмлар, деталлар, материаллар, рангли ва қимматбаҳо металллар тегишли счётларга кирим қилинади ва улар асосий воситаларни тугатиш комиссияси ўрнатган фойдаланиш мумкин бўлган баҳоларда ҳисобга олинади. Яроқсиз деб топилган қисмлар, деталлар, материаллар, рангли ва қимматбаҳо металллар иккиламчи хом ашё (металлолом, чиқинди, ўтин ва ҳоказо) сифатида кирим қилинади ва қонунчиликда белгиланган тартибда корхона ёки ташкилотнинг хоҳиши бўйича фойдаланилади.

18. Бюджет ташкилотларида тугатилган асосий воситаларни бузишдан ва бўлақларга ажратишдан олинган қисмлар, деталлар, материаллар, рангли ва қимматбаҳо металлларни ҳамда иккиламчи хом ашёларни сотишдан олинган маблағлар ўзларининг ихтиёрида қолдирилади ва қўйидаги счётларга ўтказилади:

а) бюджет маблағлари ҳисобига харид қилинган буюмлар бўйича — бюджет ташкилотининг талаб қилиб олгунча асосий депозит счётига ва асосий ҳамда капитал активларини харид қилишга сарфланади;

б) тадбиркорлик фаолияти маблағлари, текин тушумлар ва ҳомий маблағлари ҳисобига харид қилинган буюмлар бўйича — бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олгунча депозит счётига ва бюджет ташкилотининг моддий-техника базасини сақлашга ва ривожлантиришга (мустаҳкамлашга) сарфланади.

19. Унитар, давлат ва бошқа корхона ва ташкилотларда асосий воситаларни бузиш ва бўлақларга ажратиш натижасида олинган қисмлар, деталлар, материаллар, рангли ва қимматбаҳо металлларни ҳамда иккиламчи хом ашёларни сотишдан олинган маблағлар тугатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар чегирилгандан сўнг ушбу корхона ва ташкилотларнинг ихтиёрида қолади ва улар хоҳиши бўйича фойдаланилади, агарда қонунчиликда бошқа тартиб кўзда тутилмаган бўлса.

20. Асосий воситаларни тугатишнинг молиявий натижаси (фойда ёки зарари) ҳисобдан чиқарилаётган асосий воситанинг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати билан жамғарилган эскириш суммаси ўртасидаги фарқ сифатида ушбу объектни тугатиш харажатларини ва яроқли қисмлар, деталлар, материаллар, рангли ва қимматбаҳо металллар қийматини ҳисобга олган ҳолда, резерв капиталини ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинган асосий воситанинг қайта баҳолаш натижаси (қолдиғи), яъни ушбу асосий восита объектининг олдинги қайта баҳолашларда баҳосининг ўсиши баҳосининг пасайишидан ошган суммасига тузатишлар киритиб аниқланади.

21. Бюджет ташкилотларида асосий воситаларнинг тугатилиши муносабати билан балансдан чиқарилиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

- а) агар эскириш ҳисобланмаган бўлса:  
дебет «Асосий воситалар фонди» счёти;  
кредит «Асосий воситалар» счёти;
- б) тўлиқ эскириш ҳисобланмаган бўлса:  
дебет «Асосий воситалар фонди» счёти;  
дебет «Асосий воситаларнинг эскириши» счёти;  
кредит «Асосий воситалар» счёти;
- в) эскириш тўлиқ ҳисобланганда:  
дебет «Асосий воситаларнинг эскириши» счёти;  
кредит «Асосий воситалар» счёти;

г) олинган қисмлар, деталлар, материаллар, рангли ва қимматбаҳо металлларнинг қиймати кирим қилинганда:  
дебет «Материаллар ва озиқ-овқатлар» счёти;

кредит «Муассасани сақлаш ва бошқа тадбирларга бюджетдан молиялаштириш» счёти ёки «Муассаса харажатлари ва бошқа тадбирларни бюджетдан молиялаштириш бўйича ҳисоб-китоблар» счёти.

22. Унитар, давлат ва бошқа корхона ва ташкилотларда асосий воситаларни тугатиш муносабати билан балансдан чиқариш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) асосий воситаларнинг бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

кредит асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар (0100);

б) асосий воситаларнинг жамғарилган эскириши ҳисобдан чиқарилганда:

дебет асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар (0200);

кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

в) тугатиш бўйича харажатлар суммасига:

дебет 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

кредит материалларни (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни (6700), суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни (6500) ҳисобга олувчи счётлар ва бошқа тегишли счётлар;

г) олинган қисмлар, деталлар, материаллар, рангли ва қимматбаҳо металлларнинг қиймати кирим қилинганда:

дебет материалларни ҳисобга олувчи счётлар (1000);

кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

д) резерв капиталини ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинган мазкур асосий восита объектларининг қайта баҳолаш натижалари (қолдиқ) суммасига:

дебет 8510-«Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти;

кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

е) асосий воситаларни тугатишдан фойда суммасига: дебет 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

кредит 9310-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда» счёти;

ж) асосий воситаларни тугатишдан зарар суммасига: дебет 9430-«Бошқа операцион харажатлар» счёти;

кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти.

### **3-§. Асосий воситаларнинг сотилиши натижасида балансдан чиқариш тартиби**

23. Асосий воситалар қуйидаги тартибда сотилади:

а) бюджет ташкилотларида — қонунчиликка мувофиқ;

б) унитар корхоналарда хўжалик юритиш ҳуқуқи бўйича уларга тегишли бўлган кўчмас асосий воситаларни — корхона мулки эгасининг розилиги билан, қолган асосий воситаларни — қонунчиликка мувофиқ мустақил равишда;

в) давлат корхоналарида — корхона мулки эгасининг розилиги билан;

г) бошқа корхона ва ташкилотларда — қонунчиликка мувофиқ мустақил равишда.

24. Асосий воситаларни сотишнинг молиявий натижаси (фойда ёки зарари) асосий воситани сотишдан тушган тушум билан унинг қолдиқ (баланс) қиймати ўртасидаги фарқ сифатида, қўшилган қиймат солиғи ва сотиш харажатларини ҳисобга олган ҳолда, резерв капиталини ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинган асосий воситанинг қайта баҳолаш натижаси (қолдиғи), яъни ушбу асосий восита объектининг қайта баҳолаш натижасида олдинги қийматининг оширилиши олдинги қийматининг камайтирилишидан ошган суммасига тузатишлар киришиб аниқланади.

25. Бюджет ташкилотларида асосий воситаларни сотишдан олинган маблағлар ўзларининг ихтиёрида қолдирилади ва қуйидаги счётларга ўтказилади:

а) бюджет маблағлари ҳисобига харид қилинган буюмлар бўйича — бюджет ташкилотининг талаб қилиб олгунча асосий депозит счётига ва асосий ва капитал активларини харид қилишга сарфланади;

б) тадбиркорлик фаолияти маблағлари, текин тушумлар ва ҳомий маблағлари ҳисобига харид қилинган буюмлар бўйича — бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олгунча депозит счётига ва бюджет ташкилотининг моддий-техника базасини сақлашга ва ривожлантиришга (мустақкамлашга) сарфланади.

26. Бюджет ташкилотларида асосий воситаларни сотиш муносабати билан балансдан чиқарилиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) агар мазкур асосий восита бўйича эскириш ҳисобланмаган бўлса:

дебет «Асосий воситалар фонди» счёти;

кредит «Асосий воситалар» счёти;

б) эскириш тўлиқ ҳисобланмаган ёки қисман ҳисобланган бўлса:

дебет «Асосий воситалар фонди» счёти;

дебет «Асосий воситаларнинг эскириши» счёти;

кредит «Асосий воситалар» счёти;

в) эскириш тўлиқ ҳисобланганда:

дебет «Асосий воситаларнинг эскириши» счёти;

кредит «Асосий воситалар» счёти;

г) олдин бюджет маблағлари ҳисобидан харид қилинган асосий воситаларни харидорга сотиш суммасига:

дебет «Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисобкитоблар» счёти;

кредит «Муассасани сақлаш ва бошқа тадбирларга бюджетдан молиялаштириш» счёти ёки «Муассаса харажатлари ва бошқа тадбирларни бюджетдан молиялаштириш бўйича ҳисоб-китоблар» счёти;

д) пул маблағлари ташкилотнинг талаб қилиб олгунча депозит счётига келиб тушганда:

дебет «Бюджет ташкилотининг талаб қилиб олгунча асосий депозит счётлари» счёти;

кредит «Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисобкитоблар» счёти.

Бюджет ташкилотларида ушбу суммалар «Ташкилот бўйича харажатлар сметасининг бажарилиши тўғрисидаги»

(1-ОХ ойлик шакл) ва «Харажатлар сметасининг бажарилиши тўғрисидаги» (2-чораклик шакл) ҳисоботларида тегишли моддалар бўйича касса харажатларининг қайта тикланганлиги сифатида акс этирилади, бухгалтерия баланси (1-шакл)да эса маълумот қисмида 930-қаторда акс этирилади;

е) олдин бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан харид қилинган асосий воситаларни харидорга сотиш суммасига:

дебет «Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисобкитоблар» счёти;

кредит «Махсус маблағлар бўйича даромадлар» счёти;

ж) пул маблағлари ташкилотнинг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олгунча депозит счётига келиб тушганда:

дебет «Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олгунча депозитлар» счёти;

кредит «Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисобкитоблар» счёти.

Бюджет ташкилотларида ушбу суммалар «Бюджет ташкилотларини ривожлантириш фондига маблағларнинг келиб тушиши ва ишлатилиши тўғрисидаги ҳисобот» (2-РЖ шакл)да тегишли моддалар бўйича касса харажатларининг қайта тикланганлиги сифатида акс этирилади.

27. Унитар, давлат ва бошқа корхона ва ташкилотларда асосий воситаларни сотиш муносабати билан уларни балансдан чиқариш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс этирилади:

а) асосий воситаларнинг сотиш қиймати суммасига:

дебет 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар» счёти;

кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

б) қўшилган қиймат солиғи ҳисобланган ҳолларда:

дебет 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

кредит 6410-«Бюджетта тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти;

в) асосий воситаларнинг бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

кредит асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар (0100);

г) асосий воситаларнинг жамғарилган эскириши ҳисобдан чиқарилганда:

дебет асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар (0200);

кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

д) сотиш харажатлари суммасига:

дебет 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

кредит материалларни (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни (6700), суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни (6500) ҳисобга олувчи счётлар ва бошқа тегишли счётлар;

е) резерв капитални ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинган мазкур асосий восита объектларининг қайта баҳолаш натижалари (қолдиғи) суммасига:

дебет 8510-«Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти;

кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

ж) асосий воситаларни сотишдан фойда суммасига:

дебет 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

кредит 9310-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда» счёти;

з) асосий воситаларни сотишдан зарар суммасига:

дебет 9430-«Бошқа операцион харажатлар» счёти;

кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти.

#### **4-§. Асосий воситаларни айирбошлаш натижасида балансдан чиқариш тартиби**

28. Асосий воситаларни бошқа асосий воситаларга айирбошлаш қонунчиликда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

29. Асосий воситани бошқа асосий воситага айирбошлаш учун бераётган корхона ёки ташкилотнинг балансидан у баланс қиймати бўйича ҳисобдан чиқарилади.

30. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ айирбошлаш йўли билан олинган асосий восита объектининг бошланғич қиймати берилган асосий восита объектининг қолдиқ қийматига тенг суммада акс эттирилади.

Агарда асосий воситаларни айирбошлаш қўшимча тўлов йўли билан амалга оширилган ҳолда, айирбошлаб олинган асосий восита объектининг бошланғич қиймати берилган асосий восита объектининг қолдиқ қийматини қўшимча тўланадиган пул маблағларига ёки унинг эквивалентлари суммасига оширилгани (камайтирилгани)га тенг бўлади.

31. Унитар, давлат ва бошқа корхона ва ташкилотларда асосий воситаларни айирбошлаш муносабати билан балансдан чиқариш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) асосий воситаларнинг бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

кредит асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар (0100);

б) асосий воситаларнинг жамғарилган эскириши ҳисобдан чиқарилганда:

дебет асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар (0200);

кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

в) қўшимча тўловсиз айирбошлаб олинган асосий восита объектини берилаётган асосий восита объектининг қолдиқ қиймати бўйича кирим қилинганда:

дебет асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар (0100);

кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

г) қўшимча пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентларини тўлов йўли билан айирбошлаб олинган асосий восита объекти кирим қилинганда:

дебет асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар (0100) — берилётган асосий восита объектининг қолдиқ қиймати суммаси ва тўланадиган пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари суммасига;

кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти — берилган асосий восита объектининг қолдиқ қиймати бўйича;

кредит 6990-«Бошқа мажбуриятлар» счёти — айирбошлаш натижасида тўланадиган пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари;

д) пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентларини олиш йўли билан айирбошлаб олинган асосий восита объекти кирим қилинганда:

дебет асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар (0100) — берилган асосий восита объектининг қолдиқ қиймати билан олинадиган пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари суммаси ўртасидаги фарқ суммасига;

дебет 4890-«Бошқа дебиторлар қарзлари» счёти — айирбошлаш натижасида олинадиган пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари;

кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти — берилган асосий восита объектининг қолдиқ қийматига;

е) асосий воситаларни айирбошлашдаги харажатлар суммасига:

дебет 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

кредит материалларни (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни (6700), суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни (6500) ҳисобга олувчи счётлар ва бошқа тегишли счётлар;

ж) резерв капиталини ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинган мазкур асосий восита объектларининг қайта баҳолаш натижалари (қолдиғи) суммасига:

дебет 8510-«Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти;

кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

з) қўшилган қиймат солиғи ҳисобланган ҳолларда:

дебет 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

— кредит 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти;

и) асосий воситаларни айирбошлашдан фойда суммасига:

дебет 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

кредит 9310-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда» счёти;

к) асосий воситаларни айирбошлашдан зарар суммасига:

дебет 9430-«Бошқа операцион харажатлар» счёти;

кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти.

## **5-§. Асосий воситаларни текинга бериш натижасида балансдан чиқариш тартиби**

32. Асосий воситалар қуйидаги тартибда текинга берилади:

а) бюджет ташкилотларида — қонунчиликка мувофиқ;

б) унитар корхоналарда хўжалик юритиш ҳуқуқи бўйича уларга тегишли бўлган кўчмас асосий воситаларни — корхона мулки эгасининг буйруғи, фармойиши ёки бошқа қарорларига асосан, қолган асосий воситаларни — қонунчиликка мувофиқ мустақил равишда;

в) давлат корхоналарида — корхона мулки эгасининг розилиғи билан;

г) бошқа корхона ва ташкилотларда — қонунчиликка мувофиқ мустақил равишда.

33. Асосий воситаларни текинга беришдан молиявий натижа (фойда ёки зарар) берилаётган асосий воситанинг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати билан жамғарилган эскириш суммаси ўртасидаги фарқ сифатида қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда резерв капиталини ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинган асосий воситанинг қайта баҳолаш натижаси (қолдиқ)га, яъни ушбу асосий восита объектининг қайта баҳолаш

натижасида олдинги қийматининг оширилиши олдинги қийматининг камайтирилишидан ошган суммасига тузатишлар киритиб аниқланади.

34. Бюджет ташкилотларида асосий воситаларни текинга бериш муносабати билан балансдан чиқарилиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

- а) агар эскириш ҳисобланмаган бўлса:  
дебет «Асосий воситалар фонди» счёти;  
кредит «Асосий воситалар» счёти;
- б) эскириш тўлиқ ҳисобланмаган бўлса:  
дебет «Асосий воситалар фонди» счёти;  
дебет «Асосий воситаларнинг эскириши» счёти;  
кредит «Асосий воситалар» счёти;
- в) эскириш тўлиқ ҳисобланганда:  
дебет «Асосий воситаларнинг эскириши» счёти;  
кредит «Асосий воситалар» счёти.

35. Унитар, давлат ва бошқа корхона ва ташкилотларда асосий воситаларни текинга бериш муносабати билан балансдан чиқариш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) асосий воситаларнинг бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

кредит асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар (0100);

б) асосий воситаларнинг жамғарилган эскириши ҳисобдан чиқарилганда:

дебет асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар (0200);

кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

в) қўшилган қиймат солиғи ҳисобланган ҳолларда:  
дебет 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

кредит 6410-«Бюджетта тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти;

г) резерв капиталини ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинган мазкур асосий восита объектларининг қайта баҳолаш натижалари (қолдиғи) суммасига:

дебет 8510-«Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти;

кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

д) асосий воситаларни текинга беришдан фойда суммасига:

дебет 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

кредит 9310-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда» счёти;

е) асосий воситаларни текинга беришдан зарар суммасига:

дебет 9430-«Бошқа операцион харажатлар» счёти;

кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти.

## **6-§. Устав капиталига улуш сифатида асосий воситалар берилганда балансдан чиқариш тартиби**

36. Асосий воситалар таъсис ҳужжатларига асосан бошқа корхонанинг устав капиталига улуш сифатида қуйидаги тартибда берилади:

а) унитар корхоналарда хўжалик юритиш ҳуқуқи бўйича уларга тегишли бўлган кўчмас асосий воситаларни — корхона мулки эгасининг розилиги билан, қолган асосий воситаларни — қонунчиликка мувофиқ мустақил равишда;

б) давлат корхоналарида — корхона мулки эгасининг розилиги билан;

в) бошқа корхона ва ташкилотларда — қонунчиликка мувофиқ мустақил равишда.

37. Асосий воситаларни устав капиталига улуш сифатида киритаётган корхона ва ташкилотларнинг балансдан баланс қиймати бўйича ҳисобдан чиқарилади.

Шунингдек, корхона ва ташкилотлар бошқа корхонанинг устав капиталига улуш сифатида асосий воситаларни қонунчиликда ўрнатилган тартибда баланс қийматидан фарқ қиладиган бошқа қийматда киритиши мумкин.

38. Асосий воситаларни устав капиталига улуш сифатида беришдан молиявий натижа (фойда ёки зарар),

таъсис ҳужжатлари ёки бошқа қонунчиликда ўрнатилган тартибга мувофиқ баҳоланган қиймат билан берилаётган асосий воситанинг қолдиқ (баланс) қиймати ўртасидаги фарқ сифатида қўшилган қиймат солиғи ва уни устав капиталига улуш сифатида бериш харажатларини ҳисобга олган ҳолда, резерв капиталини ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинган асосий воситанинг қайта баҳолаш натижаси (қолдиқ)га, яъни ушбу асосий восита объектининг қайта баҳолаш натижасида олдинги қийматининг оширилиши олдинги қийматининг камайтирилишидан ошган суммасига тузатишлар киритиб аниқланади.

39. Унитар, давлат ва бошқа корхона ва ташкилотларда асосий воситаларни устав капиталига улуш сифатида бериш муносабати билан балансдан чиқариш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) асосий воситаларни устав капиталига улуш сифатида таъсис шартномаси ёки қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳужжатлар билан аниқланган қийматда берилиши:

дебет узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар (0600);

кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

б) қўшилган қиймат солиғи ҳисобланган ҳолларда:

дебет 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

кредит 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти;

в) асосий воситаларнинг бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

кредит асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар (0100);

г) асосий воситаларнинг жамғарилган эскириши ҳисобдан чиқарилганда:

дебет асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар (0200);

кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

д) устав капиталига улуш сифатида асосий воситаларни бериш харажатларига:

дебет 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

кредит материалларни (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни (6700), суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни (6500) ҳисобга олувчи счётлар ва бошқа тегишли счётлар;

е) резерв капиталини ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинган мазкур асосий восита объектларининг қайта баҳолаш натижалари (қолдиғи) суммасига:

дебет 8510-«Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти;

кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

ж) асосий воситаларни устав капиталига улуш сифатида беришдан фойда суммасига:

дебет 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

кредит 9310-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда» счёти;

з) асосий воситаларни устав капиталига улуш сифатида беришдан зарар суммасига:

дебет 9430-«Бошқа операцион харажатлар» счёти;

кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти.

## **7-§. Асосий воситалар узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича берилганда баланسدан чиқариш тартиби**

40. Асосий воситаларни узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича бериш қуйидагича амалга оширилади:

а) унитар корхоналарда хўжалик юритиш ҳуқуқи бўйича уларга тегишли бўлган кўчмас асосий воситаларни — корхона мулки эгасининг розилиги билан, қолган асосий воситаларни — қонунчиликка мувофиқ мустақил равишда;

б) давлат корхоналарида — корхона мулки эгасининг розилиги билан;

в) бошқа корхона ва ташкилотларда — қонунчиликка мувофиқ мустақил равишда.

41. Унитар, давлат ва бошқа корхона ва ташкилотларда асосий воситаларни узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича бериш натижасида балансдан чиқариш бухгалтерия ҳисобида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2004 йил 12 майдаги 74-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Бухгалтерия ҳисобида лизинг операцияларини ақс эттириш тартиби тўғрисидаги низом»га (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 22 июнда 1373-сон билан рўйхатга олинган, «Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўплами», 2004 й., 25-сон, 291-модда) мувофиқ ақс эттирилади.

**8-§. Асосий воситалар камомати ёки йўқотилиши аниқланганда балансдан чиқариш тартиби**

42. Асосий воситалар камомати ёки йўқотилиши аниқланганда, улар корхона ва ташкилотларнинг балансдан баланс қиймати бўйича ҳисобдан чиқарилади.

43. Унитар, давлат ва бошқа корхона ва ташкилотларда асосий воситаларни камомат ёки йўқотиш муносабати билан ҳисобдан чиқариш бухгалтерия ҳисобида 2004 йил 9 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 37-сонли, Давлат солиқ қўмитасининг 2004-26-сонли, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 20/1-сонли қарори билан тасдиқланган «Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомати ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш тартиби тўғрисидаги низом»га (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 6 апрелда 1334-сон билан рўйхатга олинган, «Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўплами», 2004 й., 14-сон, 173-модда) мувофиқ ақс эттирилади.

**9-§. Юридик шахс таъсисчилари таркибидан таъсисчининг чиқиб кетишида асосий воситалар билан ҳисоб-китоб қилиниши натижасида асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби**

44. Юридик шахс таъсисчилари таркибидан чиқаётган таъсисчига асосий воситаларни бериш таъсисчилар

Йиғилиши қарорига асосан ёки таъсис ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

45. Юридик шахс таъсисчилари таркибидан чиқётган таъсисчи билан асосий воситалар билан ҳисоб-китоб қилинганда, корхона ва ташкилотларнинг балансидан асосий воситалар баланс қиймати бўйича ҳисобдан чиқарилади.

46. Юридик шахс таъсисчилари таркибидан чиқётган таъсисчи билан асосий воситалар орқали ҳисоб-китоб қилиниши муносабати билан асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан молиявий натижа (фойда ёки зарар), чиқиб кетаётган таъсисчининг улуши бўйича қарзни ҳисоб-китоб қилиш учун берилаётган асосий воситанинг бериш қиймати билан чиқиб кетаётган асосий воситанинг қолдиқ (баланс) қиймати ўртасидаги фарқ сифатида, қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда, резерв капиталини ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинган асосий воситанинг қайта баҳолаш натижаси (қолдиғи), яъни ушбу асосий восита объектининг олдинги қийматининг оширилиши олдинги қийматининг камайтирилишидан ошган суммасига тузатишлар киритиб аниқланади.

47. Агар чиқиб кетаётган таъсисчининг улуши бўйича қарзини ҳисоб-китоб қилиш учун берилаётган асосий воситанинг қиймати унинг қарзидан ортиқ бўлса, фарқ чиқиб кетаётган таъсисчи томонидан қoplanади.

48. Унитар, давлат ва бошқа корхона ва ташкилотларда таъсисчилар таркибидан чиқётган таъсисчи билан асосий воситалар билан ҳисоб-китоб қилиниши муносабати билан асосий воситаларнинг балансдан чиқарилиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) чиқиб кетаётган таъсисчи билан улуши бўйича қарзини ҳисоб-китоб қилиш учун асосий восита берилганда: дебет 6620-«Чиқиб кетаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарз» счёти — чиқиб кетаётган таъсисчининг улуши бўйича қарз суммасига;

дебет турли дебиторлар қарзларини ҳисобга олувчи счётлар (4800) — берилаётган асосий воситанинг қиймати билан чиқиб кетаётган таъсисчининг улуши бўйича қарз суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланиб чиқиб кетаётган таъсисчи томонидан қoplanадиган суммага (агар шундай ҳолат вужудга келса);

кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти — чиқиб кетаётган таъсисчига улуши бўйича қарзини ҳисоб-китоб қилиш учун берилган асосий воситанинг бериш қиймати суммасига;

б) қўшилган қиймат солиғи ҳисобланган ҳолларда: дебет 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

кредит 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти;

в) асосий воситаларнинг бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

кредит асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар (0100);

г) асосий воситаларнинг жамғарилган эскириши ҳисобдан чиқарилганда:

дебет асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар (0200);

кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

д) резерв капиталини ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинган мазкур асосий восита объектининг қайта баҳолаш натижалари (қолдиғи) суммасига:

дебет 8510-«Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти;

кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

е) юридик шахс таъсисчилари таркибидан чиқаётган таъсисчи билан асосий воситалар билан ҳисоб-китоб қилиниши натижасида асосий воситанинг чиқиб кетишидан фойда суммасига:

дебет 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

кредит 9310-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда» счёти;

ж) юридик шахс таъсисчилари таркибидан чиқаётган таъсисчи билан асосий воситалар билан ҳисоб-китоб қилиниши натижасида асосий воситанинг чиқиб кетишидан зарар суммасига:

дебет 9430-«Бошқа операцион харажатлар» счёти;  
кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»  
счёти.

---

### **10-§. Яқуний ҳодалар**

49. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан келишилган.

*Асосий воситаларни балансдан  
ҳисобдан чиқариш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА*

АВ-4-сон намунавий шакл

Тасдиқлайман

\_\_\_\_\_ раҳбарнинг Ф.И.Ш. имзо

200\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_

**Асосий воситаларни тугатиш тўғрисида \_\_\_\_\_-сон  
ДАЛОЛАТНОМА**

Корхона, ташкилот \_\_\_\_\_

Таркибий бўлинма	Тузилган санаси	Опера-ция тури коди	Асосий воситалар-нинг сақланишига жавобгар шахснинг коди

Асосий восита-нинг номи	Ту-ри	Код-и	Даст-лабки (тикла-ниш) қий-мати	Жам-лан-ган эски-риш сум-маси	Чиқ-қан (барпо-этил-ган) йили	Фой-дала-нишга топ-ши-рилган сана	Рақами	
							ин-вер-тарь	тай-ёр-лов-чи
1	2	3	4	5	6	7	8	9

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-сон буйруқ билан тайинланган комиссия \_\_\_\_\_

(объект номи)

\_\_\_\_\_ объектни кўздан кечиришни амалга оширди.

\_\_\_\_\_  
(объект номи)

унинг агрегатлари, узел ва механизмларини кўздан кечириш ва ҳужжатлар (паспорт, формуляр) билан танишиш натижасида комиссия қуйидагиларни аниқлади:



*Асосий воситаларни балансдан  
ҳисобдан чиқариш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА*

АВ-4а-сон намунавий шакл

Тасдиқлайман

\_\_\_\_\_  
раҳбарнинг Ф.И.Ш. имзо

200\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_

**Транспорт воситаларини тугатиш тўғрисида \_\_\_\_\_-сон  
ДАЛОЛАТНОМА**

Корхона, ташкилот \_\_\_\_\_

Таркибий бўлинма	Тузилган санаси	Операция тури коди	Транспорт воситаларининг сақла-нишига жавобгар шахснинг коди

Транспорт воситасининг номи	Моделли, тури	Коди	Дастлабки (тикланиш) қиймати	Жамланган эскириш суммаси	Чиққан йили	Фойдаланишга топширилган санаси	Рақами		Ба-жарилган ишлар ҳажми ёки бо-сиб ўтилган йўл ҳажми
							ин-вер-тарь	тай-ёр-лов-чи	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

20 \_\_\_\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_ -сон буй-  
руқ билан тайинланган комиссия \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ модели

(маркаси)

\_\_\_\_\_ туридаги двигатель рақами  
\_\_\_\_\_ давлат рақам белгиси  
\_\_\_\_\_ бўлган \_\_\_\_\_

транспорт воситасини кўздан кечиришни амалга оширди.

\_\_\_\_\_, унинг агрегатлари, узеллари  
(маркаси)

ва механизмларини кўздан кечириш, ҳужжатлар (паспорт,  
формуляр) билан танишиш натижасида комиссия қуйи-  
дагиларни аниқлади:

1. Ташкилотга келиб тушган: 20 \_\_\_\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_.

2. Объектнинг паспорт бўйича оғирлиги \_\_\_\_\_.

3. Яроқли узеллар, деталлар, материаллар, рангли ва  
қимматбаҳо металллар ва ҳоказоларнинг борлиги тўғриси-  
да маълумотлар.

Рақами			Номи	Ул- чов бир- лиги	Миқ- дори	Нар- хи	Сум- ма
тар- тиб буйи- ча	ката- лог буйи- ча	но- мен- клату- ра буйи- ча					
1	2	3	4	5	6	7	8
Жами							

4. Ҳисобдан чиқариш сабаби \_\_\_\_\_.

5. Техник ҳолати \_\_\_\_\_.

6. \_\_\_\_\_ дан  
ҳисобдан олинганлиги тўғрисидаги маълумотлар

Комиссия хулосаси \_\_\_\_\_.

Илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати \_\_\_\_\_.

Комиссия раиси

\_\_\_\_\_  
лавозим                      имзо                      имзо расшифровкаси

Комиссия аъзолари:

\_\_\_\_\_  
лавозим                      имзо                      имзо расшифровкаси

\_\_\_\_\_  
лавозим                      имзо                      имзо расшифровкаси

\_\_\_\_\_  
лавозим                      имзо                      имзо расшифровкаси

М.Ў.

Асосий воситаларни балансдан ҳисобдан  
чиқариш тартиби тўғрисидаги низомга  
3-ИЛОВА

Асосий воситаларни тугатиш билан боғлиқ харажатлар  
ва уларни тугатишдан келган моддий бойликлар тўғрисида  
**МАЪЛУМОТНОМА**

Тугатишга кетган харажатлар				Фойдаланиш мумкин бўлган нарх бўйича тугатишдан келиб тушди						
иш тури	ҳужжат рақами	харажат моддаси	суммаси	ҳужжат рақами	моддий бойлик номи	коди (номенклатура рақами)	миқдори	нархи	суммаси	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	
Жами				Жами						

Ҳисобдан чиқариш натижалари \_\_\_\_\_

Чiqиб кетиш асосий воситаларни ҳисобга олиш варақчасида (китобида) қайд этилган.

Бош бухгалтер (бухгалтер) \_\_\_\_\_  
имзо имзо расшифровкаси

М.Ў. 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

**ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДАГИ  
ОПЕРАЦИЯЛАРНИ БУХГАЛТЕРИЯ  
ҲИСОБИ, СТАТИСТИКА ВА БОШҚА  
ҲИСОБОТЛАРДА АКС ЭТТИРИШ  
ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА  
НИЗОМ**

**Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги томонидан  
рўйхатга олинган  
17.09.2004 й. 1411-сон**

**Тасдиқланган  
Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги  
2.09.2004 й. 98-сон  
Ўзбекистон Республикаси  
Иқтисодиёт вазирлиги  
2.09.2004 й. 41-сон  
Ўзбекистон Республикаси  
Давлат солиқ қўмитаси  
2.09.2004 й. 2004-57-сон  
Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки  
2.09.2004 й. 257-В-сон,  
Ўзбекистон Республикаси  
Давлат статистика қўмитаси  
2.09.2004 й. 8-сон**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 25 октябрдаги 422-сонли «Ички валюта бозорида алмашув курсларини бирхиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2001 й., 20-сон, 142-модда) мувофиқ ишлаб чиқилган ва чет эл валютасидаги операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби, статистика ва молиявий ҳисоботларда акс эттириш тартибини белгилайди.

## 1-§. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги мулкчилик шаклидан, фаолият туридан, идоравий бўйсинувидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида валюта операцияларини амалга оширувчи барча бирлашмалар, ташкилотлар, корхоналар, муассасалар (кейинги ўринларда — хўжалик юритувчи субъектлар) учун тааллуқлидир (банклар ва кредит уюшмалари бундан мустасно).

2. Мазкур Низомда қуйидагилар қўрилмайди:

а) таъсис ҳужжатлари ва бошқаларда қайта ҳисоблаш талаб қилинган ҳолларда, сўмда тузилган молиявий ҳисобот кўрсаткичларини чет эл валютасига қайта ҳисоблаш;

б) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган хўжалик юритувчи субъект томонидан сўмда молиявий ҳисоботларни тузиш учун Ўзбекистон Республикасидан ташқарида фаолият юритишда фойдаланиладиган чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг қийматини миллий валютага қайта ҳисоблаш;

в) бош жамият томонидан тузиладиган консолидациялашган молиявий ҳисоботга киритиш учун Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган шубба (қарам) хўжалик жамиятлари, мустақил балансга ажратилган таркибий бўлинмаларнинг чет эл валютасида ифодаланган молиявий ҳисоботларини қайта ҳисоблаш.

3. Ўзбекистон Республикасида барча хўжалик юритувчи субъектлар миллий валютада — сўмда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисоботларни тақдим этиши шарт, агарда қонунчиликда бошқа тартиб кўзда тутилмаган бўлса.

4. Хўжалик юритувчи субъект томонидан қуйидагиларни амалга оширишни назарда тутувчи битимлар чет эл валютасидаги операциялар ҳисобланади:

а) мол-мулкни (асосий воситалар, номоддий активлар, товар-моддий захиралари ва бошқа активларни) чет эл валютасига сотиб олиш ёки сотиш;

б) чет эл валютасига ишлар, хизматлар кўрсатиш ва улардан фойдаланиш;

в) тўлаш ёки олиш суммаси чет эл валютасида белгиланган кредитлар ва қарзларни олиш ёки бериш;

г) чет эл валютасидаги мажбуриятларни ўзига қабул қилиш ёки мажбуриятларни қоплаш.

5. Чет эл валютасида ифодаланган хўжалик операциялари, активлар ва мажбуриятларни (устав капиталини шакллантириш бўйича мажбуриятлардан ташқари) сўмга қайта ҳисоблашда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган чет эл валютасининг сўмга нисбатан курсининг (кейинги ўринларда — Марказий банк курси) ўзгаришига қараб ижобий ёки салбий курс фарқи юзага келади.

## **2-§. Бухгалтерия ҳисобида чет эл валютасидаги операцияларни акс эттириш тартиби**

6. Чет эл валютасидаги операциялар, шу жумладан қуйидагилар бўйича операциялар, бухгалтерия ҳисобида улар амалга оширилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича сўм эквивалентида акс эттирилади:

а) кассадаги, банкдаги депозит ва ссуда ҳисобрақамларидаги, аккредитивлардаги валюта маблағлари, валютадаги ссуда қарзлари;

б) чет эл валютасидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, кредитлар ва қарзлар;

в) тузилган шартномалар бўйича четдан келтирилган товар-моддий бойликлар ва бошқа активларни божхона юк декларациясини расмийлаштириш санасида кирим қилиш;

г) чет эл валютасида божхона тўловларини амалга ошириш;

д) чет эл валютасида ифодаланган пул ҳужжатлари;

е) чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар.

7. Бухгалтерия ҳисобини юритиш мақсадида чет эл валютасидаги айрим операцияларни сўмга қайта ҳисоблаш санаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2004 йил 23 мартдаги 51-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (22-сон БҲМС) «Чет эл валюта-сида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби»нинг (2004 й. 21 май, рўйхат рақами 1364, «Ўзбекис-

тон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2004 й., 20-сон, 246-модда) иловасида келтирилган.

— 8. Чет эл валютасидаги операциялар ушбу валютанинг сўмга нисбатан Марказий банкнинг операция амалга оширилган санасидаги курси бўйича сўмда қайта ҳисобланиши лозим.

9. Бухгалтерия ҳисобида чет эл валютасини харид қилиш ва сотиш Марказий банкнинг валютани харид қилиш ёки сотиш кунига бўлган курси бўйича акс эттирилади.

Чет эл валютасини Марказий банк курсидан паст ёки юқори қийматда сотиш (харид қилиш) натижасида вужудга келадиган курс фарқлари хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижаларига молиявий фаолиятдан даромадлар (харажатлар) сифатида олиб борилади.

10. Бухгалтерия ҳисобида чет эл валютасини сотиш куйидаги тартибда акс эттирилади:

а) чет эл валютасининг Марказий банк курси бўйича валюта счётидан ўтказилиши (кўчирилиши):

дебет банкдаги махсус счётлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5500),

кредит чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5200);

б) чет эл валютаси Марказий банк курсидан юқори баҳода сотилганда сотилган чет эл валютасининг сўмдаги эквивалентининг ҳисоб-китоб счётига кириш қилиниши:

дебет ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5100) — сотилган чет эл валютасининг сотиш кундаги валюта бозоридаги битим курси бўйича сўмдаги эквивалент қийматига,

кредит банкдаги махсус счётлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5500) — сотилган чет эл валютасининг Марказий банк курси бўйича сўмдаги эквивалент қийматига,

кредит 9540 «Валюталар курслари фарқидан даромадлар» счёти — сотилган чет эл валютасининг сотиш кундаги валюта бозоридаги битим курси бўйича сўмдаги эквивалент қиймати билан сотилган чет эл валютасининг Марказий банк курси бўйича сўмдаги эквивалент қиймати ўртасидаги фарқ суммасига;

в) чет эл валютаси Марказий банк курсидан паст

баҳода сотилганда сотилган чет эл валютасининг сўмдаги эквивалентининг ҳисоб-китоб счётига кирим қилиниши:

дебет ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5100) сотилган чет эл валютасининг сотиш кундаги валюта бозоридаги битим курси бўйича сўмдаги эквивалент қийматига,

дебет 9620 «Валюталар курслари фарқидан зарарлар» счёти — сотилган чет эл валютасининг сотиш кундаги валюта бозоридаги битим курси бўйича сўмдаги эквивалент қиймати билан сотилган чет эл валютасининг Марказий банк курси бўйича сўмдаги эквивалент қиймати ўртасидаги фарқ суммасига,

кредит банкдаги махсус счётлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5500) — сотилган чет эл валютасининг Марказий банк курси бўйича сўмдаги эквивалент қийматига.

11. Бухгалтерия ҳисобида чет эл валютасини сотиб олиш қўйидаги тартибда акс эттирилади:

а) чет эл валютасини сотиб олиш учун харид кунига бўлган валюта бозоридаги битим курси бўйича ҳисоб-китоб счётидан сўм маблағларини ўтказиш (кўчириш):

дебет банкдаги махсус счётлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5500),

кредит ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5100);

б) чет эл валютаси Марказий банк курсидан юқори баҳода харид қилинганда:

дебет чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5200) — харид қилинган чет эл валютасининг Марказий банк курси бўйича сўмдаги эквивалент қийматига,

дебет 9620 «Валюталар курслари фарқидан зарарлар» счёти — харид қилинган чет эл валютасининг Марказий банк курси бўйича сўмдаги эквивалент қиймати билан харид қилинган чет эл валютасининг харид кундаги валюта бозоридаги битим курси бўйича сўмдаги эквивалент қиймати ўртасидаги фарқ суммасига,

кредит банкдаги махсус счётлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5500) — харид қилинган чет эл валютасининг харид кундаги валюта бозоридаги битим курси бўйича сўмдаги эквивалент қийматига;

в) чет эл валютаси Марказий банк курсидан паст баҳода харид қилинганда:

— дебет чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5200) — харид қилинган чет эл валютасининг Марказий банк курси бўйича сўмдаги эквивалент қийматига,

кредит банкдаги махсус счётлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5500) — харид қилинган чет эл валютасининг харид кундаги валюта бозоридаги битим курси бўйича сўмдаги эквивалент қийматига,

кредит 9540 «Валюталар курслари фарқидан даромадлар» счёти — харид қилинган чет эл валютасининг Марказий банк курси бўйича сўмдаги эквивалент қиймати билан харид қилинган чет эл валютасининг харид кундаги валюта бозоридаги битим курси бўйича сўмдаги эквивалент қиймати ўртасидаги фарқ суммасига.

12. Бухгалтерия ҳисобида консигнантга бўлган чет эл валютасидаги кредиторлик қарзи консигнацияга олинган товарларни сотиш санасидаги Марказий банкнинг курси бўйича вужудга келади. Қарзнинг кейинги ҳисоби мазкур Низомга мувофиқ амалга оширилади.

13. Маҳсулот (иш, хизмат)ларга чет эл валютаси эквивалентида баҳо (тариф) белгилайдиган, тўловларни эса миллий валюта — сўмда оладиган хўжалик юритувчи субъектлар маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотиш санасидан тўлов келиб тушган (амалга оширилган) санасигача бўлган даврда Марказий банк курсининг ўзгариши сабабли вужудга келган ижобий курс фарқини 9540 «Валюталар курслари фарқидан даромадлар» счётига, салбий курс фарқини эса 9620 «Валюталар курслари фарқидан зарарлар» счётига олиб боради.

### **3-§. Четдан келтирилган товар-моддий қийматликлар ва бошқа активларнинг харид қийматини шакллантириш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби**

14. Четдан келтирилган товар-моддий қийматликлар ва бошқа активларнинг (консигнация шартномаси бўйича четдан келтирилган товарлар бундан мустасно) харид қиймати (кейинги ўринларда — харид қиймати) қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$C = Шқ + Т + Бх, \text{ бу ерда:}$$

**C** — четдан келтирилган товар-моддий қийматликлар ва бошқа активларнинг харид қиймати;

**Шқ** — Божхона юк декларациясини тўлдириш сана-сидаги Марказий банк курси бўйича ҳисобланган четдан келтирилган товар-моддий қийматликлар ва бошқа активларнинг шартнома қиймати;

**T** — божхона тўловлари.

ҚҚСни тўловчи корхоналар четдан келтирилган товарларга ҳисобланган ҚҚС суммасини харид қийматига қўшмайди, балки умумий белгиланган тартибда бюджетга тўлаши лозим бўлган ҚҚСни аниқлашда чегириб боради.

ҚҚСни тўловчи бўлмаган корхоналар четдан келтирилган товарларга ҳисобланган ҚҚС суммасини харид қийматига қўшади.

Ўзининг эҳтиёжлари учун четдан келтирилган асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисобда бошланғич қиймати бўйича ҚҚС суммасини қўшган ҳолда акс эттирилади;

**Бх** — четдан келтирилган товар-моддий қийматликлар ва бошқа активларни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар. Ушбу харажатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган («Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари тўплами», 1999 й., 2-сон, 9-модда) «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом»нинг 1.1.12-бандига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 27 августда 44-сон билан тасдиқланган Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС 4-сон) «Товар-моддий захиралар»га (1998 й. 28 август, рўйхат рақами 486, «Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси», 1999 й., 5-сон) ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 9 октябрдаги 114-сонли буйруғи билан тасдиқланган Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС 5-сон) «Асосий воситалар»га (2004 й. 20 январь, рўйхат рақами 1299, «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2004 й., 3-сон, 35-модда) мувофиқ шаклланади.

15. Четдан келтирилган товар-моддий қийматликлар ва бошқа активларни (консигнация шартномаси бўйича четдан келтирилган товарлар бундан мустасно) харид қилиш билан боғлиқ операциялар бухгалтерия ҳисобида қуйидаги тартибда акс эттирилади:

а) товар-моддий қийматликлар ва асосий воситалар объектларини юк божхона декларациясини тўлдириш санасидаги Марказий банк курси бўйича кирим (қабул) қилиш:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800), ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи счётлар (0700), материалларни ҳисобга олувчи счётлар (1000), товарларни ҳисобга олувчи счётлар (2900),

кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти — қарзларнинг жорий қисми ёки 7010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти — қарзларнинг узоқ муддатли қисми;

б) божхона тўловлари (импорт учун ҚҚСдан ташқари) ва четдан келтиришда вужудга келадиган ва белгиланган тартибда харид қилиш қийматига қўшиладиган бошқа харажатлар:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800), ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи счётлар (0700), материалларни ҳисобга олувчи счётлар (1000), товарларни ҳисобга олувчи счётлар (2900),

кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти,

кредит турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900);

в) ҚҚСни тўловчи корхоналар учун чегиришга олиб борилган ҚҚС суммасига:

дебет 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)» счёти,

кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти;

г) ҚҚСни тўламайдиган корхоналар учун харид қийматида қўшилган ҚҚС суммасига:

дебет материалларни ҳисобга олувчи счётлар (1000) ёки товарларни ҳисобга олувчи счётлар (2900),

кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти;

д) асосий воситалар ва номоддий активларнинг бошланғич қийматига қўшиладиган ҚҚС суммасига:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800), ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи счётлар (0700),

кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти.

16. Консигнация шартномасига асосан четдан келтирилган товарлар бўйича операциялар хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) консигнация шартномаси бўйича четдан келтирилган товарлар консигнаторнинг бухгалтерия ҳисобида балансдан ташқари 004 «Комиссияга қабул қилинган товарлар» счётининг дебети бўйича акс эттирилади;

б) четдан келтирилган консигнация товарлари бўйича божхона тўловлари, ҚҚС қўшилган ҳолда ҳисобланганда:

дебет 3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» счёти,

кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти;

в) четдан келтирилган консигнация товарлари бўйича ҚҚС ва божхона тўловлари бўйича қарзлар тўланганда (қопланганда):

дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти,

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

г) консигнация товарлари сотилганда:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар» счёти — шартнома баҳоси бўйича сотилган товарлар суммасига ҳисобланган ҚҚС (ҚҚСни тўловчилар учун) қўшилган ҳолда,

кредит 9030 «Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» счёти комиссия мукофотлари (рабатлантириш) суммасига,

кредит турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900) — товар инвойси ва БЮД бўйича сотиш санасидаги Марказий банк курси бўйича консигнация товари қийматига,

кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти — комиссия мукофотидан келиб чиқиб аниқланадиган ҚҚС суммасига (ҚҚСни тўловчилар учун).

Бир вақтнинг ўзида, сотилган консигнация товарлари қийматини ҳисобдан чиқариш баланسدан ташқари 004 «Комиссияга қабул қилинган товарлар» счётининг кредити бўйича акс эттирилади;

д) сотилган консигнация товарларининг улушига тўғри келадиган четдан келтирилган консигнация товарлари бўйича ҚҚС қўшилган ҳолда божхона тўловлари бўйича харажатларни ушбу товарларни сотиш пайтида молиявий натижаларга олиб бориб ҳисобдан чиқариш:

дебет давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар (9400),

кредит 3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» счёти.

Консигнация шартномаси бўйича олинган товарлар консигнантга қайтарилган ҳолларда, 3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» счётида акс эттирилган божхона тўловлари ва ҚҚС бўйича консигнатор харажатларининг қайтарилган товарлар улушига тўғри келадиган қисми консигнаторларнинг молиявий натижаларига (давр харажатларига) олиб бориб ҳисобдан чиқарилади;

е) харидорлар ва буюртмачилардан пул маблағлари келиб тушганда:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар,

кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олиннадиган счётлар» счёти;

ж) бюджетга ҚҚС бўйича (ҚҚСни тўловчилар учун) қарзлар тўланганда (қопланганда):

дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»,

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

з) консигнаторга қарзлар тўланганда (қопланганда):

дебет турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900),

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар.

#### **4-§. Курс фарқлари ҳисоби**

17. Хўжалик юритувчи субъектлар балансининг валюта моддаларини ҳар ой ҳисобот оинининг охири санаси ва

хўжалик операцияларини амалга ошириш санасида Марказий банк курси бўйича қайта баҳолашни амалга оширади.

18. Мазкур Низомда қайта баҳолаш ва курс фарқларини аниқлаш мақсадида баланснинг валюта моддаларига қуйидагилар киради:

а) кассадаги, банкдаги депозит ва ссуда счётларидаги валюта маблағлари, шу жумладан аккредитивлар;

б) чет эл валютасидаги пул ҳужжатлари;

в) чет эл валютасида ифодаланган қисқа муддатли ва узоқ муддатли инвестициялар;

г) чет эл валютасида ифодаланган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, кредитлар ва пул қарзлар.

19. Қуйидагилар қайта баҳоланмайди:

а) чет эл валютасига сотиб олинган хўжалик юритувчи субъектнинг асосий воситалари, номоддий активлари, ўрнатиладиган асбоб-ускуналари, капитал қўйилмалари, товар-моддий қийматликлари;

б) устав капитали миқдори ва хўжалик юритувчи субъектнинг, шунингдек чет эл инвестицияларига эга бўлган корхоналарнинг таъсисчилари (қатнашчилари) улушларининг нисбатлари.

20. Баланснинг валюта моддаларини ҳар ой қайта баҳолаш натижасида вужудга келадиган курс фарқлари тўғри олиб бориш усули қўлланилганда молиявий-хўжалик фаолияти натижаларига ҳисобдан чиқарилади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидаги счётларда акс эттирилади:

а) ижобий курс фарқи — 9540 «Валюталар курслари фарқидан даромадлар» счётининг кредити бўйича;

б) салбий курс фарқи — 9620 «Валюталар курслари фарқидан зарарлар» счётининг дебети бўйича.

21. Баланснинг валюта моддаларини ҳар ой қайта баҳолаш натижасида вужудга келадиган курс фарқлари жамғариш усули қўлланилганда улар вужудга келган вақтда молиявий-хўжалик фаолияти натижаларига олиб борилмайди ва бухгалтерия ҳисобида қуйидаги счётларда акс эттирилади:

а) ижобий курс фарқи — 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счётининг кредити бўйича — уларнинг жорий қисми ва (ёки) 7230 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар» счётининг кредити бўйича — уларнинг узоқ муддатли қисми;

б) салбий курс фарқи — 3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» счётининг дебети бўйича — уларнинг жорий қисми ва (ёки) 0990 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар» счётининг дебети бўйича — уларнинг узоқ муддатли қисми.

22. Жамғариш усулини қўллаш натижасида жамғарилган курс фарқлари молиявий-хўжалик фаолият натижаларига қуйидаги тартибда олиб борилади:

а) чет эл валютасидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бўйича — уларнинг тўланиши (ёки ҳисобдан чиқарилиши) бўйича;

б) бошқа ҳолларда — баланснинг тегишли валюта моддалари билан хўжалик операциялари амалга оширилиши бўйича.

23. Курс фарқларидан вужудга келган узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар ва харажатларнинг жорий қисмини ўтказиш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс этирилади:

а) ижобий курс фарқи бўйича вужудга келган узоқ муддатли кечиктирилган даромадларнинг жорий қисми ўтказилганда:

дебет 7230 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар» счёти,

кредит 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счёти;

б) салбий курс фарқи бўйича вужудга келган узоқ муддатли кечиктирилган харажатларнинг жорий қисми ўтказилганда:

дебет 3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» счёти,

кредит 0990 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар» счёти.

24. Жамғарилган курс фарқларини молиявий-хўжалик фаолиятининг натижаларига мазкур Низомнинг 22-бандида кўрсатилган тартибда олиб бориш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс этирилади:

а) ижобий курс фарқи:

дебет 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счёти,

кредит 9540 «Валюталар курслари фарқидан даромадлар» счёти;

б) салбий курс фарқи:

дебет 9620 «Валюталар курслари фарқидан зарарлар» счёти,

кредит 3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» счёти.

25. Курс фарқларини бухгалтерия ҳисобида юритишни соддалаштириш мақсадида кечиктирилган даромадлар ва харажатлар сётларида мос равишда акс эттирилган ижобий ва салбий курс фарқларини ҳисобдан чиқаришни ҳисобот ойининг охиридаги чет эл валютасининг бир бирлигига тўғри келадиган курс фарқининг ўртача миқдори бўйича амалга оширишга рухсат этилади (курс фарқини ўртача миқдори бўйича ҳисобдан чиқаришнинг шартли мисоли мазкур Низомнинг иловасида келтирилган).

26. Курс фарқларини олиб боришда қўлланилаётган усуллар ҳўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши лозим. Ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳисоб сиёсатини календарь йил давомида ўзгартирмаслиги лозим, бундан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 26 июлда 17-07/86-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (1-сонли БҲМС) «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» (1998 й. 14 август, рўйхат рақами 474, «Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси», 1999 й., 5-сон)нинг 56-бандида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

27. Курс фарқларини олиб боришнинг жамлаш усулидан тўғри олиб бориш усулига ўтишда балансинг валюта моддаларини ҳар ойда қайта баҳолаш натижасида олдин тўпланган курс фарқлари ҳўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-ҳўжалик фаолияти натижаларига ҳисоб сиёсати қабул қилинган календарь йилининг охиригача ҳар ойда (бир меъёрда) ҳисобдан чиқариб борилади.

28. Устав капитали миқдори чет эл валютасида ўрнатилган ҳолларда ҳар бир таъсисчи томонидан улушларнинг киритилиши Марказий банкнинг улушни киритиш санасидаги курси бўйича амалга оширилади.

29. Устав капитали миқдори чет эл валютасида ўрнатилган ҳолларда ва устав капиталига улушлар киритиш миллий валюта — сўмда ёки бошқа мулк шаклида амалга оширилганда ҳам, қайта ҳисоблаш Марказий банкнинг улушларни киритиш санасидаги курси бўйича амалга оширилади.

30. Ҳўжалик юритувчи субъектнинг устав капиталини шакллантиришда таъсис ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш

санасидаги ва ҳақиқатда устав капиталига улушларни киритиш санасидаги Марказий банк курслари ўртасида вужудга келадиган ижобий курс фарқи бухгалтерия ҳисобида қўшилган капитал сифатида 8420 «Устав капиталини шакллантиришдаги курс фарқи» счётида акс этирилади.

31. Хўжалик юритувчи субъектнинг устав капиталини шакллантиришда таъсис ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш санасидаги ва ҳақиқатда устав капиталига улушларни киритиш санасидаги Марказий банк курслари ўртасида вужудга келадиган салбий курс фарқи бухгалтерия ҳисобида 8420 «Устав капиталини шакллантиришдаги курс фарқи» счётининг дебитида устав капитали шаклланишида вужудга келган олдинги ижобий курс фарқи суммаси чегарасида акс этирилади. Устав капиталини шакллантиришдаги салбий курс фарқи суммасининг ижобий курс фарқи суммасидан ошган қисми молиявий фаолият бўйича харажатларга олиб борилади.

32. Чет эл валютасида акс этирилган устав капитали оширилганда (камайтирилганда) бухгалтерия ҳисоби мақсадида устав капиталининг фақат оширилган (камайтирилган) қисми таъсис ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар рўйхатдан ўтказилган санадаги Марказий банк курси бўйича миллий валютага қайта ҳисобланади.

33. Устав капитали қўшимча оширилганлиги (камайтирилганлиги)ни шакллантиришда вужудга келадиган курс фарқларининг бухгалтерия ҳисоби ушбу Низомнинг 30 ва 31-бандларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

34. Агар чет эл валютасида акс этирилган устав капиталининг оширилиши муносабати билан улушлар киритиш қонунчиликка мувофиқ таъсис ҳужжатларига ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказишга қадар амалга оширилган бўлса, бухгалтерия ҳисобида ушбу хўжалик операцияси таъсисчиларга қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6600)-нинг кредитида активларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғлиқликда акс этирилади.

35. Суғурта ташкилотларида устав капиталининг валюта эквиваленти қисмидаги валюта маблағларини ҳар ойда қайта баҳолаш натижасида вужудга келадиган ижобий курс фарқлари резерв капитали таркибидаги «Девальвация учун резерв» счётига олиб борилади. Устав капиталининг

валюта эквиваленти қисмидаги валюта маблағларини ҳар ойда қайта баҳолаш натижасида вужудга келадиган салбий курс фарқлари резерв капитали таркибидаги «Девальвация учун резерв» счётига олдинги ижобий курс фарқлари суммаси чегарасида камайтиришга олиб борилади. Салбий курс фарқи суммасининг ижобий курс фарқи суммасидан ошган қисми молиявий фаолият бўйича харажатларга олиб борилади.

#### **5-§. Молиявий ва статистик ҳисоботларда чет эл валютасидаги операцияларни акс эттириш**

36. Жамғариш усулида 6230-«Бошқа кечиктирилган даромадлар», 7230-«Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар», 3290-«Бошқа кечиктирилган харажатлар», 0990-«Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар» счётларида ҳисобга олинган курс фарқлари «Бухгалтерия баланси» (1-шакл)нинг актив ва пассивининг тегишли қаторларида ва бошқа ҳисоботларнинг тегишли моддаларида акс эттирилади.

37. Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижаларига олиб борилган курс фарқлари молиявий ҳисоботнинг «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» (2-шакл), статистик ҳисоботнинг «Корхонанинг харажатлари тўғрисидаги ҳисобот» (5-с-шакл) ва бошқа ҳисоботларнинг тегишли моддаларида акс эттирилади.

38. Хўжалик юритувчи субъектнинг устав капитали шаклланишида вужудга келган курс фарқлари бухгалтерия баланси (1-шакл)нинг пассивида «Кўшилган капитал» моддасида, «Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот» (5-шакл)нинг «Кўшилган капитал» устунисида ва бошқа ҳисоботларнинг тегишли моддаларида акс эттирилади.

Чет эл валютасидаги операцияларни бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартиби тўғрисида *низоми*  
ИЛОВА

Курс фарқларини ўртача миқдор бўйича ҳисобдан чиқаришга шартли  
МИСОЛ

Баланснинг валюта моддасининг номи	АҚШ доллари-нинг суммаси	Миллий валютадаги суммаси (сўмда)			Баланснинг валюта моддаларини ҳар ой қайта баҳолаш натижасида жамланган курс фарқлари (сўмда)	
		МБ курси \$1 = 900 сўм	МБ курси \$1 = 950 сўм	МБ курси \$1 = 1000 сўм	ижобий 6230-«Бошқа кечиктирилган даромадлар» сўғининг кредити бўйича	салбий 3290-«Бошқа кечиктирилган ҳарajatлар» сўғининг дебити бўйича
Валюта маблағлари	100	90000	95000	100000	5000 (95000 – 90000) 5000 (100000 – 95000)	
Дебиторлик қарзлари	300	270000	285000	300000	15000 (285000 – 270000) 15000 (300000 – 285000)	
Кредиторлик қарзлари	500	450000	475000	500000		25000 (475000 – 450000) 25000 (500000 – 475000)
ЖАМИ	900				40000	50000

Бир бирлик чет эл валютасига тўғри келадиган ўртача курс фарқи ҳажмини ҳисоблаш:  
(40 000 сўм + 50 000 сўм) : \$900 = 90 000 сўм : \$900 = 100 сўм

Масалан:

200 АҚШ доллари миқдоридан кредиторлик қарзи тўланди, молия-хўжалик фаолияти натижасига ҳисобдан чиқариладиган салбий курс фарқи суммаси 20 000 сўм (\$200 × 100 сўм)га тенг.

дебиторлардан 150 АҚШ доллари миқдоридан валюта маблағи келиб тушди, молия-хўжалик фаолияти натижасига ҳисобдан чиқариладиган ижобий курс фарқи суммаси 15 000 сўм (\$150 × 100 сўм)га тенг.

**ЮРИДИК ШАХСЛАРГА СОЛИҚЛАР,  
БОЖХОНА ВА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАРНИ  
БЮДЖЕТГА ТЎЛАШ БЎЙИЧА БЕРИЛГАН  
ИМТИЁЗЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ  
ВА БУХГАЛТЕРЛИК ҲИСОБИДА АКС  
ЭТТИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА  
НИЗОМ**

**Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги томонидан  
рўйхатга олинган  
2.04.2005 й. 1463-сон**

**Тасдиқланган  
Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги  
24.02.2005 й. 29-сон  
Ўзбекистон Республикаси  
Давлат солиқ қўмитаси  
24.02.2005 й. 2005-25-сон  
Ўзбекистон Республикаси  
Давлат божхона қўмитаси  
24.02.2005 й. 01-02/8-3-сон**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни 7-моддасига, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонуни 7-моддасига ва Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни 23-моддасига мувофиқ ҳамда юридик шахслар томонидан бюджетга тўланадиган солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни тўлаш бўйича берилган имтиёзларни (кейинги ўринларда — солиқлар ва божхона имтиёзлари) расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттиришнинг ягона тартибини белгилаш мақсадида ишлаб чиқилган.

## 1-§. Умумий қондалар

— 1. Мазкур Низомнинг амал қилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва божхона имтиёзлари берилган, мулкчилик шаклидан, фаолият туридан, идоравий мансублигидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар, муассасаларга (кейинги ўринларда — ҳўжалик юритувчи субъектлар) тааллуқлидир.

2. Хўжалик юритувчи субъектларга солиқлар ва божхона имтиёзлари:

а) бўшаётган маблағларни мақсадли вазифаларни бажариш учун йўналтириш шарти билан;

б) бўшаётган маблағларни мақсадли ишлатиш назарда тутилмаган ҳолда берилади.

3. Бўшаётган маблағларни мақсадли ишлатиш назарда тутилмаган солиқлар ва божхона имтиёзлари берилганда бюджетта тўланадиган солиқлар, божхона ва мажбурий тўловлар маҳсулот (товарлар, ишлар, хизматлар) ҳамда бошқа хил мол-мулкнинг сотиш (харид) қиймати-га ҳисоблаб ёзилмайди ва киритилмайди.

4. Солиқлар ва божхона имтиёзлари бўшаётган маблағларни мақсадли вазифаларни бажариш учун йўналтириш шарти билан берилганда солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетта ҳисоблаб ёзиш қонун ҳужжатларига мувофиқ умумбелгиланган тартибда амалга оширилади.

Бунда:

а) божхона божи, акциз солиғи, ҚҚС ва ҳоказо турлари бўйича ҳисобланган божхона тўловлари суммалари, улар имтиёз берилганлиги сабабли бюджетта тўланмайди деган белги қўйилган ҳолда божхона юк декларациясининг 47 ва «В»-устунларида кўрсатилади;

б) солиқ имтиёзлари берилган, бюджетта ҳисобланган солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар, тўловчи рўйхатта олинган жойдаги солиқ органларига белгиланган шакллар ва муддатларга мувофиқ тақдим этилади. Маҳсулот (товар, ишлар, хизматлар) ва бошқа активлар реализация қилинаётганда солиқ солинадиган айланмага ҳисобланган ҚҚС (ҚҚС тўловчилар учун) ва

акциз солиғи (акцизли товарлар (маҳсулотлар) сотилганда) суммаси ажратилган ҳолда ҳисобварақ-фактура ёзилди.

5. Бўшаётган маблағларни мақсадли вазифаларни бажаришга йўналтириш шарти билан солиқ ва божхона имтиёзлари берилганда ҳисоблаб ёзилган божхона тўловлари, солиқлар (мазкур солиқ тўловчилари учун ҚҚС, шунингдек қонунга мувофиқ ҳисобга қабул қилинадиган акциз солиғидан ташқари) ва бюджетга мажбурий тўловлар қонун ҳужжатларига мувофиқ умумбелгиланган тартибда маҳсулот (товарлар, ишлар, хизматлар) ҳамда бошқа хил мол-мулкнинг сотиш (харид) қийматига киритилади.

ҚҚС тўловчиси ҳисобланган ва ҚҚС бўйича имтиёзга эга бўлган корхоналар харид қилинадиган (шу жумладан импорт қилинадиган) товар-моддий захиралар (товарлар) бўйича ҚҚС суммасини харид қийматига киритмайдилар, балки умумбелгиланган тартибда бюджетга тўланадиган ҚҚСни белгилашда ҳисобга киритадилар.

Ўз эҳтиёжлари учун ишлатиладиган асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисобда харид қилиш қиймати бўйича, бунга ҚҚС ва акциз солиғи суммаси киритилади, акс эттирилади.

Акциз солиғи бўйича имтиёз берилаётганида қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисобга қабул қилинадиган акциз солиғи тўловчилари ҳисобланган корхоналар харид қилинган (шу жумладан импорт қилинаётган) товар-моддий захиралар (товарлар) бўйича акциз солиғи суммасини уларнинг харид қийматига киритмайдилар, балки умумбелгиланган тартибда бюджетга тўланадиган акциз солиғини аниқлаш чоғида ҳисобга киритадилар.

6. Солиқ ва божхона имтиёзлари миқдори белгиланган тартибда бюджетга ҳисоблаб ёзилган солиқлар, божхона ва мажбурий тўловлардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

## **2-§. Бўшаётган маблағларни мақсадли вазифаларни бажаришга йўналтириш шарти билан солиқлар ва божхона имтиёзларини бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби**

7. Бўшаётган маблағларни мақсадли вазифаларни бажаришга йўналтириш шарти билан солиқлар ва божхона

имтиёзларининг бухгалтерлик ҳисоби 8840-«Мақсадли ишлатиладиган' солиқ имтиёзлари» ҳисобварағида, берилган солиқлар ва божхона имтиёзларининг турлари бўйича юритилади.

Солиқлар ва божхона имтиёзларини ҳисоблаб ёзаётганда батафсил ҳисобга олиш мақсадида ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳисобварақларининг иш режасида қуйидаги ҳисобварақлар очилади:

а) бюджетга бўнак тўловларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари (4400) гуруҳида «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари — солиқлар ва божхона имтиёзлари (турлари бўйича)» ҳисобварағи;

б) бюджетга тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (6400) гуруҳида «Бюджетга тўловлар бўйича қарз — солиқлар ва божхона имтиёзлари (турлари бўйича)» ҳисобварағи;

в) суғурта бўйича ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (6500) гуруҳида «Давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар — солиқ имтиёзлари (турлари бўйича)» ҳисобварағи;

г) турли кредиторлардан қарзни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (6900) гуруҳида «Импорт чоғида ҚҚС ва акцизлар бўйича ҳисоблаб ёзилган солиқ имтиёзлари (турлари бўйича)» ҳисобварағи.

8. Солиқлар ва божхона имтиёзлари бухгалтерлик ҳисобида қуйидаги тартибда акс эттирилади:

а) қонун ҳужжатларига мувофиқ товар-моддий захиралар, асосий воситалар, номоддий активлар ва ўрнатиладиган ускуналарни, шу жумладан импорт қилинадиганлари харид қилинаётганда харид қийматига киритиладиган, умумбелгиланган тартибда ҳисоблаб ёзилган солиқлар ва божхона тўловлари суммасига (мазкур солиқ тўловчилари учун ҚҚС, шунингдек қонунга мувофиқ ҳисобга киритиладиган акциз солиғидан ташқари):

капитал қўйилмалар ҳисоби ҳисобварағи (0800), ўрнатиладиган ускуналар ҳисоби ҳисобварағи (0700), товар-моддий захиралар ҳисоби ҳисобварақлари (1000-2900) дебети, «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар — солиқлар ва божхона имтиёзлари (турлари бўйича)» ҳисобварағи кредити:

б) мазкур солиқ тўловчилари учун ҚҚС, шунингдек

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товар-моддий захира-лар харид қилинганда қонунга мувофиқ ҳисобга қабул қилинадиган акциз солиғи суммасига:

«Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўлов-лари — солиқлар ва боғхона имтиёзлари (турлари бўйи-ча)» ҳисобварағи дебети,

6010-«Етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўлана-диган ҳисобварақлар» ёки 6210-«Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган ҳисобварақлар» ёхуд турли кре-диторлардан қарзни ҳисобга олиш ҳисобварағи (6900) ҳисобварағининг кредити ёки бошқа тегишли ҳисобва-рақлар;

в) мазкур солиқ тўловчилари учун ҳисоблаб ёзилган ҚҚС, шунингдек товар-моддий захиралар импортида қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисобга қабул қилинадиган акциз солиғи суммасига:

«Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўлов-лари — солиқлар ва боғхона имтиёзлари (турлари бўйи-ча)» ҳисобварағи дебети,

«Импорт чоғида ҚҚС ва акцизлар бўйича ҳисоблаб ёзилган солиқ имтиёзлари (турлари бўйича)» ҳисобварағи кредити;

г) товар-моддий захиралар импорти чоғида ҚҚС ва акциз солиғини тўлашдан озод қилиш натижасида бўша-ган маблағлар суммасига:

«Импорт чоғида ҚҚС ва акцизлар бўйича ҳисоблаб ёзилган солиқ имтиёзлари (турлари бўйича)» ҳисобварағи дебети,

8840-«Мақсадли ишлатиш билан солиқ имтиёзлари» ҳисобварағи кредити;

д) маҳсулот (ишлар, хизматлар) реализация қилин-ганда ҳисоблаб ёзилган ҚҚС, акциз солиғи суммасига:

4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олиннадиган ҳисобварақлар», 4120-«Шуъба ва қарам хўжалик жамият-ларидан олиннадиган ҳисобварақлар» ҳисобварағи дебети,

«Бюджетга тўловлар бўйича қарз — солиқлар ва боғ-хона имтиёзлари (турлари бўйича)» ҳисобварағи кредити;

е) қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисобга қабул қили-надиган, илгари ҳисоблаб ёзилган ҚҚС ва акциз солиғи суммаларини ҳисобга киритганда:

«Бюджетта тўловлар бўйича қарз — солиқлар ва божхона имтиёзлари (турлари бўйича)» ҳисобварағи дебети,  
«Бюджетта солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловлари — солиқлар ва божхона имтиёзлари (турлари бўйича)» ҳисобварағи кредити;

ж) маҳсулот (ишлар, хизматлар) реализация қилинаётганда ҚҚС ва акциз солиғини тўлашдан озод қилиш натижасида бўшаган маблағлар суммасига:

«Бюджетта тўловлар бўйича қарз — солиқлар ва божхона имтиёзлари (турлари бўйича)» ҳисобварағи дебети,  
8840-«Мақсадли ишлатиш билан солиқ имтиёзлари» ҳисобварағи кредити;

з) асосий воситалар ва бошқа активлар чиқиб кетишида ҚҚС суммасига:

асосий воситалар ва бошқа активлар чиқиб кетишини ҳисобга олиш ҳисобварақлари (9200) дебети,

«Бюджетта тўловлар бўйича қарз — солиқлар ва божхона имтиёзлари (турлари бўйича)» ҳисобварағи кредити;

и) қонун ҳужжатларига мувофиқ давр харажатларига киритиладиган, умумбелгиланган тартибда ҳисоблаб ёзилган, бюджетта тўланадиган солиқлар ва мажбурий тўловлар суммасига:

9430-«Бошқа операцион харажатлар» ҳисобварағи дебети,

3.1	шу жумладан дебиторлар номи бўйича в том числе по наименованиям дебиторов										
<b>КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИ / КРЕДИТОРСКАЯ ЗАДОЛЖЕННОСТЬ</b>											
4	Кредиторлар, жами Кредиторы, всего							X	X		
5	Республика ичидаги қарзлар, жами Задолженность внутри республики, всего							X	X		
5.1	шу жумладан кредиторлар номи бўйича в том числе по наименованиям кредиторов							X	X		
5.2	Ички идоравий қарзлар, жами Внутриведомственная задолженность, всего							X	X		
5.2.1	шу жумладан кредиторлар номи бўйича в том числе по наименованиям кредиторов							X	X		

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
6	Республикадан ташқаридаги қарзлар, жами Задолженность за пределами республики, всего							X	X		
6.1	шу жумладан кредиторлар номи бўйича в том числе по наименованиям кредиторов							X	X		

Раҳбар  
Руководитель

\_\_\_\_\_

(Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_

(имзо / подпись)

М.Ў / М.П.

Бош бухгалтер  
Главный бухгалтер

\_\_\_\_\_

(Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_

(имзо / подпись)

## Молиявий ҳисобот шакллариини тўлдириш бўйича ҚОИДАЛАР

### 1-§. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидаларга мувофиқ молиявий ҳисоботни мулкчиликнинг барча шаклларига мансуб, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига кўра юридик шахс ҳисобланган корхона ва ташкилотлар (бундан суғурта ташкилотлари ва банклар мустасно), шунингдек мулкида, хўжалик юритишида ёки тезкор бошқарувида мол-мулки бўлган ва ўз мажбуриятлари бўйича ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, шунингдек мустақил баланс ва ҳисоб-китоб рақамига эга бўлган, солиқ қонунчилигига мувофиқ солиқ тўловчи ҳисобланадиган алоҳида бўлинмалар тақдим этади. Юридик шахс мақомига эга бюджет ташкилотлари фақат 2-шакл ҳисоботи — «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»ни молия органларига тақдим этишлари керак.

Молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2000 йил 15 июнда 47-сон билан тасдиқланган Чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари тўғрисида низом (рўйхат рақами 942, 2000 йил 3 июль, «Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси», 2000 й., 13-сон) билан белгиланади.

2. Йиллик молиявий ҳисобот қуйидаги шакллар ҳажмида тақдим этилади:

- а) бухгалтерия баланси — 1-шакл;
- б) молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот — 2-шакл;
- в) асосий воситалар ҳаракати тўғрисида ҳисобот — 3-шакл;
- г) пул оқимлари тўғрисида ҳисобот — 4-шакл;
- д) ўз сармояси тўғрисида ҳисобот — 5-шакл;

е) дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома — 2а-шакл.

3. Ярим йиллик ва чораклик молиявий ҳисоботлар қуйидаги шакллар ҳажмида тақдим этилади:

а) бухгалтерия баланси — 1-шакл;

б) молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот — 2-шакл;

в) дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома — 2а-шакл.

4. Кичик корхона ва микрофирмалар фақат бухгалтерия баланси — 1-шакл, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот — 2-шакл ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома — 2а-шаклдан иборат бўлган йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этадилар.

5. Йиллик молиявий ҳисоботга ҳисобот йилида корхона фаолиятининг якуний натижаларига таъсир кўрсатган асосий омиллар баён этилган тушунтириш хати илова қилинади.

Агар баланс йил бошида ўзгартирилган бўлса, тушунтириш хатида ўзгартириш сабаблари тушунтирилади. Унда кейинги йил учун қабул қилинган ҳисоб сиёсати ҳам келтирилади.

Агар асосий фондларни қайта баҳолаш ҳисобот йилининг биринчи санаси ҳолатига ўтказилса, қайта баҳолаш натижаларининг кўрсаткичлари ҳисобот йилининг бошига шаклланадиган молиявий ҳисоботга қабул қилинади. Бунда ўтган йилнинг охиридаги кўрсаткич ҳисобот йилининг бошидаги кўрсаткичга мос келмаслиги, асосий воситаларни ҳисобот йилининг биринчи санасига ўтказилган қайта баҳолашнинг натижаси деб тушунилади ва жорий даврнинг молиявий ҳисоботидаги тушунтириш хатида баён этилади.

6. Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» Қонуннинг 10-моддасида («Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси», 2000 й., 5-сон) кўрсатилган юридик шахслар солиқ органларига аудиторлик текшируви ўтказилганидан кейин 15 кун давомида, лекин ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 майидан кечиктирмай, молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги тўғрисида аудиторлик хулосаси нусхасини тақдим этадилар.

Ташаббусли аудиторлик текшируви ўтказилган тақ-

дирда корхона молиявий ҳисоботининг тўғрилиги тўғрисида аудиторлик хулосасининг нусхаси солиқ органларига аудиторлик текшируви ўтказилганидан кейин 15 кун давомида тақдим этилади.

7. Молиявий ҳисобот шаклларида барча реквизитлар ва назарда тутилган кўрсаткичлар тўлдирилиши керак. Корхонада тегишли активлар, пасивлар, операциялар мавжуд эмаслиги сабабли бирор-бир модда (сатрлар, устунлар) тўлдирилмаган тақдирда, ушбу модда (сатр, устун) устига чизиб қўйилади.

8. Молиявий ҳисобот шаклларининг манзил қисми куйидаги тартибда тўлдирилади:

а) «Корхона, ташкилот» реквизити — корхонанинг тўлиқ номи (белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган таъсис ҳужжатларига мувофиқ) ва КТУТга кўра унинг коди кўрсатилади;

б) «Тармоқ» реквизити — корхона тармоғи ва ХХТУТга кўра тармоқ коди кўрсатилади;

в) «Ташкилий-ҳуқуқий шакл» реквизити — корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ва ТХТга кўра ташкилий-ҳуқуқий шакlining коди кўрсатилади;

г) «Мулкчилик шакли» реквизити — корхонанинг мулкчилик шакли ва МШТга кўра мулкчилик шакlining коди кўрсатилади;

д) «Вазирликлар, идоралар ва бошқалар» реквизити — ихтиёрида корхона турган (агар у мавжуд бўлса) ва унга молиявий ҳисобот йўналтириладиган органнинг номи ҳамда ДБПБТга кўра ушбу органнинг коди кўрсатилади;

е) «Солиқ тўловчининг идентификация рақами» реквизити — СТИР бўйича корхонанинг идентификация рақами кўрсатилади;

ж) «Ҳудуд» реквизити — МҲОБТ бўйича код кўрсатилади;

з) «Манзил» реквизити — корхонанинг тўлиқ юридик манзили кўрсатилади.

9. Молиявий ҳисоботни тузиш чоғида Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларига, шунингдек бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни

тузиш масалалари бўйича бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиш лозим.

10. Корхона ва ташкилотлар барча алоҳида мустақил балансга ажратилмаган бўлинмаларининг фаолият кўрсаткичлари молиявий ҳисобот шакллариининг кўрсаткичларига киритилиши керак.

11. Молиявий ҳисоботни тузиш чоғида ҳисобот санаси бўлиб ҳисобот даврининг охириги тақвимий куни ҳисобланади.

Ҳисобот йилида тугатилган ёки қайта ташкил этилган корхона йил бошидан тугатиш (қайта ташкил этиш) пайтигача бўлган давр учун йиллик молиявий ҳисоботнинг амалдаги шакллари бўйича ҳисобот тақдим этади.

1 октябрга қадар янги барпо этилган корхоналар молиявий ҳисоботда маблағлар ва уларнинг манбаларини улар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ойнинг 1-кунидан бошлаб ҳисобот йилининг 31 декабрига қадар, ҳисобот йилининг 1 октябридан кейин барпо этилган корхоналар эса — давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб кейинги йилнинг 31 декабригача (31 декабрь ҳам кирази) кўрсатадилар (кўрсатилган тартиб тугатилган (қайта ташкил этилган) корхоналар ва уларнинг алоҳида бўлинмалари базасида барпо этилган корхоналарга татбиқ этилмайди).

12. Корхона балансининг моддалари активлар ва мажбуриятларнинг пухта ўтказилган инвентаризацияси билан асосланган бўлиши керак. Инвентаризация Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 19 октябрда ЭГ/17-19-2075-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (19-сон БҲМС) «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш» (рўйхат рақами 833, 1999 йил 2 ноябрь) белгиланган тартибда ўтказилади. Бунда йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этишга қадар доимий ишлаб турган инвентаризация комиссиялари томонидан инвентаризация давомида аниқланган, бойликлар ҳақиқий мавжудлигининг бухгалтерия ҳисоби маълумотларига қараганда тафовутлари тартибга солиниши керак. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини инвентаризациялашлар ҳам ўтказилиши керак, улар ўзаро ҳисоб-китоблар сальдосини тасдиқлайдиган со-

лиштириш далолатномалари ёки хатлар билан расмийлаштирилади. Ўтказилган инвентаризациялар сони ва натижалари, шунингдек уларни ўтказмаслик сабаблари йиллик молиявий ҳисоботга илова қилинадиган тушунтириш хатида акс эттирилиши керак.

13. Молиявий ҳисобот шакллариغا раҳбар ва бош бухгалтер имзо чекади, имзолар муҳр билан тасдиқланади.

14. Молиявий ҳисоботда ўчириш ва устига ёзишлар бўлмаслиги керак. Хатолар тузатишган тақдирда тегишли қайдлар қилинади, уларни молиявий ҳисоботларга имзо чеккан шахслар тасдиқлаб, тузатиш санасини кўрсатадилар.

15. Жорий ҳамда ўтган йил ҳисобот маълумотларидаги (улар тасдиқланганидан кейин) тузатишлар унинг маълумотларини бузишлар аниқланган ҳисобот даври учун тузилган ҳисоботда амалга оширилади, бунда тузатишлар ҳисобот даври (чорак, йил бошидан) учун маълумотларга киритилади.

Йиллик молиявий ҳисоботни текшириш чоғида даромадларни яшириш ёки улар билан боғлиқ бўлмаган харажатларни давр харажатларига (ёки муомала чиқимларига) киритиш натижасида молиявий натижаларни камайтириб кўрсатиш аниқланган ҳолда бухгалтерия ҳисоби ва ўтган йил учун молиявий ҳисоботга тузатишлар киритилмайди, балки жорий йилда ҳисобот даврида аниқланган ўтган йиллар фойдаси сифатида акс эттирилади.

## **2-§. Бухгалтерия баланси (1-шакл)**

16. Бухгалтерия баланси (бундан кейин — баланс) тузилгунига қадар таҳлилий ҳисобварақлар бўйича айланмалар ва қолдиқлар ҳисобот даври охиридаги Бош дафтарнинг жамлама ҳисобварақлари бўйича айланмалар ва қолдиқлар билан албатта солиштирилиши керак.

17. 3-устунда ҳисобот даври бошидаги маълумотлар, яъни олдинги ҳисобот даври учун баланс 4-устунининг маълумотлари кўрсатилади.

18. Балансда «Дастлабки (тиклаш) қиймат» моддаси (010-сатр) бўйича асосий воситалар ўз асосий воситалари (ишлаб турган ҳамда консервацияда бўлган) ва узоқ муддатга ижарага олинadиган асосий воситаларнинг, уларнинг

ҳисоби асосий воситаларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (0100) ва 0310-«Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» ҳисобварағида амалга оширилади, дастлабки (тиклаш) қиймати бўйича кўрсатилади.

Алоҳида «Эскириш суммаси» (011-сатр) моддаси бўйича корхона асосий воситаларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (0100) ва 0310-«Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» ҳисобварағида ҳисобга олган, ҳисоби асосий воситалар эскиришини ҳисобга олиш ҳисобварақлари (0200)да юритиладиган, асосий воситалар бўйича ҳисоблаб ёзилган эскириш суммаси келтирилади.

«Қолдиқ (баланс) қиймат» моддаси бўйича (012-сатр) 010-«Дастлабки (тиклаш) қиймат» ва 011-«Эскириш суммаси» сатрлари фарқи акс эттирилади.

19. Номоддий активлар балансида «Дастлабки қиймат» моддаси бўйича (020-сатр) корхонанинг номоддий активларга (узоқ муддат даврида хўжалик фаолиятида ишлатиладиган ва даромад келтирадиган) доир харажатлари суммаси бўлиб ҳам, табиий ресурслардан, ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқлари, патентлар, лицензиялар, савдо маркалари, товар белгилари, саноат намуналари, ташкилий харажатлар, муаллифлик ҳуқуқлари ва ҳисоби номоддий активларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (0400) юритиладиган бошқа номоддий активларнинг дастлабки қиймати бўлиб ҳам кўрсатилади.

Бу модда бўйича шунингдек ҳисобот даври учун қилинган ҳисобдан чиқаришлар чегирилган ҳолда гудвилл суммаси (фирма нархи) акс эттирилади. Бухгалтерия ҳисобида гудвилл (фирма нархи) номоддий активининг суммасини ҳисобдан чиқариш алоҳида ҳисобварақда амортизацияни жамламасдан, бевосита 0480-«Гудвилл» ҳисобварағи сальдосини камайтиришга ёзилади.

Алоҳида «Амортизация суммаси» (021-сатр) моддаси бўйича ҳисоби номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (0500) юритиладиган номоддий активлар бўйича ҳисоблаб ёзилган амортизация суммаси келтирилади.

«Қолдиқ (баланс) қиймат» моддаси бўйича (022-сатр) 020-«Дастлабки қиймат» ва 021-«Амортизация суммаси» сатрлари фарқи акс эттирилади.

20. «Узоқ муддатли инвестициялар, жами» моддаси бўйича (030-сатр) қимматли қоғозларга, шуъба ва тобе хўжалик жамиятлари, хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарга қўйилган маблағлар суммаси ҳамда 040, 050, 060, 070, 080-сатрларда кўрсатилган бошқа узоқ муддатли инвестициялар кўрсатилади.

Қимматли қоғозлар баланс активида уларнинг тўла харид қийматида кўрсатилиб, инвестор дивидендлар олиш ҳуқуқига эга бўлган ва ушбу қўйилмалар бўйича тўла жавоб берадиган ҳолларда кредиторлар моддаси бўйича сўндирилмаган сумма баланс пассивига киритилади. Қолган ҳолларда харид қилинадиган қимматли қоғозлар ҳисобига киритилган суммалар баланс активида дебиторлар моддаси бўйича кўрсатилади.

21. «Қимматли қоғозлар» моддаси бўйича (040-сатр) облигациялар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга қўйилган, 0610-«Қимматли қоғозлар» ҳисобварағида ҳисобга олинандиган сумма кўрсатилади.

22. «Шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар» моддаси бўйича (050-сатр) шуъба хўжалик жамиятларининг акциялари, облигациялари ва бошқа инвестицияларига қўйилган, 0620-«Шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар» ҳисобварағида ҳисобга олинандиган маблағлар суммаси кўрсатилади.

23. «Тобе хўжалик жамиятларига инвестициялар» моддаси бўйича (060-сатр) тобе хўжалик жамиятларининг акциялари, облигациялари ва бошқа инвестицияларига қўйилган, 0630-«Тобе хўжалик жамиятларига инвестициялар» ҳисобварағида ҳисобга олинандиган маблағлар суммаси акс эттирилади.

24. «Хорижий сармоя иштирокидаги корхонага инвестициялар» моддаси бўйича (070-сатр) хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарнинг акциялари, облигациялари, устав сармоясига улушлари ва бошқа инвестицияларига қўйилган, 0640-«Хорижий сармоя иштирокидаги корхонага инвестициялар» ҳисобварағида ҳисобга олинандиган маблағлар суммаси кўрсатилади.

25. «Бошқа узоқ муддатли инвестициялар» моддаси бўйича (080-сатр) узоқ муддатли инвестицияларга қўйилган, юқорида саналган моддаларда ҳисобга олинмаган ва

0690-«Бошқа узоқ муддатли инвестициялар» ҳисобварағида ҳисобга олинадиган маблағлар суммаси кўрсатилади.

26. «Ўрнатиладиган ускуна» моддаси бўйича (090-сатр) ҳисоби 0710-«Ўрнатиладиган ускуна — мамлакатимизники» ва 0720-«Ўрнатиладиган ускуна — импорт қилинган» ҳисобварақларида юритиладиган ўрнатиладиган ускунанинг ҳақиқий қиймат бўйича қиймати кўрсатилади.

27. «Капитал қўйилмалар» моддаси бўйича (100-сатр) хўжалик усулида ва пудрат усулида амалга ошириладиган тугалланмаган қурилишнинг қиймати, харид қилинган, фойдаланишга топширилмаган асосий воситалар ва номоддий активларнинг қиймати, асосий подани шакллантириш харажатлари, шунингдек ерни ободонлаштиришга, узоқ муддатли ижара (лизинг) шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга ва ҳисоби капитал қўйилмаларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (0800) юритиладиган бошқа воситаларга қўйилмалар суммалари кўрсатилади.

28. «Узоқ муддатли дебиторлик қарзи» моддаси бўйича (110-сатр) олинган векселларнинг узоқ муддатли қисми, узоқ муддатли ижара (лизинг) шартномаси бўйича топширилган асосий воситалар учун олинадиган тўловлар қолдиғи, ходимларнинг узоқ муддатли қарзи ва ҳисоби 0910-«Олинган векселлар», 0920-«Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар», 0930-«Ходимларнинг узоқ муддатли қарзи», 0940-«Бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзи» ҳисобварақларида юритиладиган бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзлари кўрсатилади.

29. «Узоқ муддатли муддати кўчирилган харажатлар» моддаси бўйича (120-сатр) вақт фарқлари бўйича ўтказиб юборилган даромад (фойда) солиғи, дисконтлар (нарх чегирмалари) бўйича узоқ муддатли ўтказиб юборилган харажатлар ва ҳисоби 0950-«Вақт фарқлари бўйича ўтказиб юборилган даромад (фойда) солиғи», 0960-«Дисконтлар (нарх чегирмалари) бўйича узоқ муддатли ўтказиб юборилган харажатлар», 0990-«Бошқа узоқ муддатли ўтказиб юборилган харажатлар» ҳисобварақларида юритиладиган бошқа узоқ муддатли ўтказиб юборилган харажатлар кўрсатилади.

30. «Ў бўлим бўйича жами» моддаси бўйича (130-сатр) 012, 022, 030, 090, 100, 110, 120-сатрлар бўйича сумма кўрсатилади.

31. «Товар-моддий захиралар, жами» моддаси бўйича (140-сатр) 150, 160, 170, 180-сатрларда кўрсатилган ишлаб чиқариш захираларининг қолдиқлари, тугалланмаган ишлаб чиқариш суммаси, тайёр маҳсулот ва товарлар кўрсатилади.

32. «Ишлаб чиқариш захиралари» моддаси бўйича (150-сатр) хом ашё захиралари, харид қилинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар, ёқилғи, эҳтиёт қисмлар, қурилиш материаллари, идиш ва идиш материаллари, инвентарь ва хўжалик анжомлари, қайтариладиган чиқиндилар ва 1000-«Материалларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари» ҳисобварағида ҳисобга олинандиган бошқа моддий бойликларнинг ҳақиқий таннарни кўрсатилади.

Ушбу модда бўйича шунингдек ёш ҳайвонлар; бўрдоқига, яйловда боқилаётган катта ҳайвонлар; паррандалар; ёввойи ҳайвонлар, қуёнлар; асалари уялари; сотиш учун асосий подадан чиқарилган (бўрдоқига боқиш учун қўйилмаган) катта моллар; аҳолидан сотиш учун қабул қилинган, парваришlash ва бўрдоқига боқиш учун ҳайвонларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (1100) ҳисобга олинандиган молларнинг ҳақиқий таннарни акс эттирилади.

Материалларни тайёрлаш ва харид қилишни ҳисобга олиш (1500) ва материаллар қийматидаги тафовутларни ҳисобга олиш (1600) ҳисобварақларидан фойдаланилганда кўрсатилган бойликлар ушбу ҳисобварақларда «Ишлаб чиқариш захиралари» моддаси бўйича акс эттирилади.

33. «Тугалланмаган ишлаб чиқариш» моддаси бўйича (160-сатр) ҳисоби асосий ишлаб чиқариш (2000), ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар (2100), ёрдамчи ишлаб чиқаришлар (2300), хизмат кўрсатувчи хўжаликларни (2700) ҳисобга олиш ҳисобварақларида юритиландиган тугалланмаган ишлаб чиқариш ва тугалланмаган ишлар (хизматлар) бўйича харажатлар кўрсатилади.

34. «Тайёр маҳсулот» моддаси бўйича (170-сатр) ишлаб чиқариши тугалланган, синов ва қабул қилишдан ўтган, буюртмачилар билан шартнома шартларига кўра барча қисмлар билан бутланган ва техник шартлар ҳамда стандартларга мувофиқ бўлган буюмлар қолдигининг, кўрғазмада бўлган ва бошқа корхоналарга комиссияга (консигнацияга) топширилган, тайёр маҳсулотни ҳисобга олиш

ҳисобварақларида (2800) ҳисобга олинадиган тайёр маҳсулотнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннари кўрсатилади. Кўрсатилган талабларга жавоб бермайдиган маҳсулот ва топширилмаган ишлар тугалланмаган деб ҳисобланади ва тугалланмаган ишлаб чиқариш таркибида кўрсатилади.

35. «Товарлар» моддаси бўйича (180-сатр) омборлардаги товарлар қолдиқларининг қиймати, товарларнинг чакана савдодаги қиймати, кўргазмада бўлган ва бошқа корхоналарга комиссияга (консигнацияга) топширилган товарларнинг қиймати, ижара буюмлари, товар идишлари ва бўш идишларнинг қиймати, йўлдаги товарлар, савдо устамасини чегирган ҳолда савдо ёки умумий овқатланишда ўз фаолиятини амалга оширадиган корхона харид қилган ва товарларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (2900) ҳисобга олинадиган бошқа товарлар кўрсатилади.

36. «Келгуси давр харажатлари» моддаси бўйича (190-сатр) бўлгуси даврлар харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (3100) акс эттирилган, ҳисобот даврида амалга оширилган, лекин у тааллуқли бўлган муддат давомида кейинги ҳисобот давларида молиявий-хўжалик фаолияти харажатларига киритиладиган харажатлар суммаси кўрсатилади. Бундай харажатларга оммавий ахборот воситалари нашрига обуна бўйича харажатлар, олдиндан тўланган ижара ҳақи ва ҳоказолар киради.

37. «Муддати ўтказиб юборилган харажатлар» моддаси бўйича (200-сатр) муддати ўтказиб юборилган даромад (фойда) солиғининг вақт фарқлари бўйича жорий қисми, дисконт (нархдаги чегирешлар) бўйича муддати ўтказиб юборилган харажатлар ва муддати ўтказиб юборилган харажатларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (3200) ҳисобга олинган бошқа муддати ўтказиб юборилган харажатлар кўрсатилади.

38. «Дебиторлар, жами» моддаси бўйича (210-сатр) харидорлар ва буюртмачилар қарзлари суммасининг якуни сифатида жами дебиторлик қарзи, шубҳа ва тобе хўжалик жамиятларининг қарзи, мол етказиб берувчилар, пудратчилар, ходимларга берилган бўнақлар; бюджетга, давлат мақсадли жамғармаларига ва суғурта бўйича бўнақ тўловлари; муассисларнинг устав сармоясига улушлар бўйича қарзи ва турли дебиторларнинг 220, 240, 250, 260, 270,

280, 290, 300, 310-сатрларда кўрсатилган қарзлари кўрсатилади.

211-сатрда маълумот учун дебиторлик қарзининг муддати ўтказиб юборилган қисми кўрсатилади.

39. «Харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзи» моддаси бўйича (220-сатр) буюртмачилар (харидорлар)га сотилган маҳсулот, товарлар, топширилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун қарз кўрсатилади, бунда шубҳали қарзлар бўйича резерв чегирилади.

40. «Алоҳида бўлинмаларнинг қарзи» моддаси бўйича (230-сатр) алоҳида бўлинмалар (филиаллар, ваколатхоналар)нинг корхона балансига (ички хўжалик ҳисоб-китобларига) киритиладиган, ҳисоби 4110-«Алоҳида бўлинмалардан олишга доир ҳисобварақлар» ҳисобварағида юритиладиган жорий қарзи акс эттирилади.

41. «Шуъба ва тобе хўжалик жамиятларининг қарзи» моддаси бўйича (240-сатр) шуъба ва тобе хўжалик жамиятларининг ҳисоби 4120-«Шуъба ва тобе хўжалик жамиятларидан олишга доир ҳисобварақлар» ҳисобварағида юритиладиган жорий қарзлари (ички идора ҳисоб-китоблари) акс эттирилади. Шуъба ва (ёки) тобе хўжалик жамиятларига инвестициялар ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 14 октябрда 50-сон билан тасдиқланган (рўйхат рақами 580, 1998 й. 28 декабрь, «Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъърий ҳужжатлари ахборотномаси», 1999 й., 6-сон) Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (8-БҲМС) «Консолидацияланган молиявий ҳисоботлар ва шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар ҳисоби»га кўра бош жамиятнинг молиявий ҳисоботида консолидацияланиши керак.

42. «Ходимларга берилган бўнақлар» моддаси бўйича (250-сатр) ходимларга меҳнат ҳақи бўйича, хизмат сафарларига, умумхўжалик харажатларига берилган бўнақлар суммаси ва бўлғуси ҳисоб-китоблар бўйича бошқа бўнақлар кўрсатилади. Ходимларга берилган бўнақлар ҳисоби ходимларга берилган бўнақларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (4200) юритилади.

43. «Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар» моддаси бўйича (260-сатр) қонун ҳуж-

жатларига мувофиқ, муддати бир йилдан кам бўлган бўлгуси ҳисоб-китоблар бўйича бошқа корхоналарга тўланган бўнақлар суммаси кўрсатилади. Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар ҳисоби етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (4300) юритилади.

44. «Бюджетта солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловлари ва ошиқча тўловлар» моддаси бўйича (270-сатр) бюджетта солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловлари кўрсатилади. Бюджетта солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловлари ҳисоби 4410-«Бюджетта солиқлар ва йиғимлар бўйича (турлари бўйича) бўнақ тўловлари» ҳисобварағида юритилади.

45. «Давлат мақсадли жамғармаларига ва суғурта бўйича бўнақ тўловлари» моддаси бўйича (280-сатр) ҳисоби давлат мақсадли жамғармаларига ва суғурта бўйича бўнақ тўловларини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (4500) юритиладиган давлат мақсадли жамғармаларига (Республика йўл жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига, Давлат бандликка кўмаклашиш жамғармасига) ва суғурта бўйича мажбурий ажратмалар бўйича бўнақ тўловлари ва ортиқча тўловлар кўрсатилади.

46. «Муассисларнинг устав сармоясига улушлар бўйича қарзи» моддаси бўйича (290-сатр) 4610-«Муассисларнинг устав сармоясига улушлар бўйича қарзи» ҳисобварағида ҳисобга олинadиган муассисларнинг устав сармоясига улушлар бўйича қарзи кўрсатилади.

47. «Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи» моддаси бўйича (300-сатр) корхона ходимларининг кредитга сотилган товарлар, ходимларга берилган қарзлар, корхонага етказилган моддий зарарни қоплаш бўйича қарзи ва ходимларнинг бошқа қарзлари кўрсатилади. Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзининг ҳисоби ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (4700) юритилади.

48. «Бошқа дебиторларнинг қарзи» моддаси бўйича (310-сатр) турли дебиторларнинг юқорида кўрсатилган дебиторлар билан ҳисоб-китоблар моддаларида акс эттирилмаган қарзлари кўрсатилади, хусусан, олинadиган фоиз

ва дивидендлар, узоқ муддатли ижара (лизинг) бўйича жорий тўловлар, қисқа муддатли ижара бўйича тўловлар; роялти бўйича олишга доир ҳисобварақлар, қарздорлар эътироф этган ёки улар бўйича суд ёки бошқа органнинг уларни ундириш тўғрисида қарори олинган, молия-хўжалик фаолияти натижаларига киритилган жарималар, пеня ва неустойкалар, бошқа шахсларнинг ҳисоби турли дебиторларнинг қарзини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (4800) юритиладиган қарзи кўрсатилади.

49. «Пул маблағлари, жами» моддаси бўйича (320-сатр) касса, ҳисоб-китоб ва валюта ҳисобварақларидаги пул маблағлари суммаси, шунингдек 330, 340, 350, 360-сатрларда кўрсатилган бошқа пул маблағлари кўрсатилади. Баланснинг ушбу моддаларида акс этирилган суммалар банк кўчирмаларига ва пул маблағларининг касса ҳисоботи бўйича қолдиқларига мос келиши керак.

50. «Кассадаги пул маблағлари» моддаси бўйича (330-сатр) ҳисобот даврининг охириги санасида қорхона кассаларида бўлган, миллий валюта ва хорижий валютадаги пул маблағлари қолдиғи кўрсатилади. Кассадаги пул маблағлари ҳисоби кассадаги пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақларида юритилади (5000).

51. «Ҳисоб-китоб варағидаги пул маблағлари» моддаси бўйича (340-сатр) ҳисобот даврининг охириги санасида банклардаги ҳисоб-китоб варақларида бўлган, миллий валютада пул маблағлари қолдиғи кўрсатилади. Ҳисоб-китоб варағида миллий валютадаги пул маблағларининг ҳисоби 5110-«Ҳисоб-китоб варағи» ҳисобварағида юритилади.

52. «Хорижий валютадаги пул маблағлари» моддаси бўйича (350-сатр) қорхона банклардаги валюта ҳисобварақларида бўлган, ҳисобот даврининг охириги санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича миллий валютада баҳоланган валюта маблағларининг қолдиғи кўрсатилади. Хорижий валютадаги пул маблағларининг ҳисоби хорижий валютадаги пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (5200) юритилади.

53. «Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари» моддаси бўйича (360-сатр) қорхонанинг банкда махсус ҳисобварақлардаги пул маблағлари (5500), пул эквивалентлари (5600), йўлдаги пул маблағлари (жўнатмалари)ни (5700)

ҳисобга олиш ҳисобварақларида ҳисобга олинадиган пул маблағлари қолдиғи кўрсатилади.

54. «Қисқа муддатли инвестициялар» моддаси бўйича (370-сатр) корхонанинг бошқа корхоналар қимматли қоғозларига қисқа муддатли (12 ойдан ошмайдиган муддатга) инвестициялари, давлат ва маҳаллий заём облигациялари ва шу сингарилар, шунингдек бошқа корхоналарга берилган қарзлар ва ҳисоби қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (5800) юритиладиган бошқа жорий инвестициялар кўрсатилади.

55. «Бошқа жорий активлар» моддаси бўйича (380-сатр) мазкур ҳисобот даврида инвентаризация чоғида аниқланган, улар бўйича айбдор шахслар топилмаган камомадлар, ўғирликлар ва бойликларни шикастлашдан талафотлар суммаси ҳамда юқорида келтирилган бўлим моддаларида назарда тутилмаган, бироқ корхона мулки ҳисобланган бошқа жорий активлар кўрсатилади, улар ҳисоби 5910-«Камомадлар ва бойликлар шикастланишидан талафотлар» ва 5920-«Бошқа жорий активлар» ҳисобварақларида юритилади.

56. «II бўлим бўйича жами» моддаси бўйича (390-сатр) 140, 190, 200, 210, 230, 320, 370, 380-сатрлар бўйича сумма кўрсатилади.

57. «Баланс активи бўйича жами» моддаси бўйича (400-сатр) сатрларни қўшиш йўли билан олинган активнинг якуний суммаси кўрсатилади 130-сатр + 390-сатр.

58. «Устав сармояси» моддаси бўйича (410-сатр) устав сармоясининг таъсис ҳужжатларида корхона муассислари улушлари (ҳиссалари, номинал қиймат бўйича акциялари, пай бадаллари)нинг жами сифатида рўйхатга олинган миқдори кўрсатилади. Устав сармоясининг ҳисоби устав сармоясини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (8300) юритилади.

59. «Кўшилган сармоя» моддаси бўйича (420-сатр) акцияларни номинал қийматдан юқори нархларда бирламчи сотиш чоғида олинган эмиссион даромад суммаси, корхонанинг устав сармоясини шакллантириш чоғида таъсис ҳужжатларини рўйхатга олиш санаси билан маблағларни устав сармоясига ҳақиқатда киритиш санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курслари ўрта-

сида юзага келадиган курслардаги фарқ суммаси кўрсатилади, уларнинг ҳисоби қўшилган сармойани ҳисобга олиш ҳисобварақларида (8400) юритилади.

60. «Захира сармоя» моддаси бўйича (430-сатр) корхона уставига кўра фойда ҳисобига, мол-мулкни қайта баҳолаш чоғида ҳосил бўладиган инфляцион захиралар, текинга олинган мол-мулк ҳисобига ташкил этилган, ҳисоби захира сармойани ҳисобга олиш ҳисобварақларида (8500) юритиладиган захиралар суммаси кўрсатилади.

Мазкур модда бўйича имтиёзли давр тугаганидан кейин 8840-«Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари» ҳисобварағидан 8530-«Текинга олинган мол-мулк» ҳисобварағи кредитига ҳисобдан чиқариладиган, солиқ солишдан озод қилиш натижасида бўшайдиган маблағларни мақсадли вазибаларни бажаришга йўналтириш шарти билан божхона тўловларини, бюджетта солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлаш бўйича солиқ имтиёзлари суммалари ҳам акс эттирилади.

61. «Сотиб олинган ўз акциялари» моддаси бўйича (440-сатр) корхонада бўлган, уларни кейинчалик тарқатиш ёки йўқ қилиш (бекор қилиш) учун сотиб олинган ўз акциялари, ҳиссалари ва пайларининг қиймати кўрсатилади. Сотиб олинган ўз акциялари, ҳиссалари ва пайлари сотиб олинган ўз акцияларини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (8600) ҳисобга олинади.

62. «Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)» моддаси бўйича (450-сатр) ҳисоби тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)ни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (8700) юритиладиган ҳисобот йилининг соф фойдаси (зарари) ва ўтган йилларнинг жамғарилган фойдаси (зарари) акс эттирилади.

Агар корхона зарар олган бўлса, ҳисобот даврининг охирида ушбу зарар ушбу модда бўйича «минус» белгиси билан кўрсатилади.

63. «Мақсадли тушумлар» моддаси бўйича (460-сатр) олинган грантлар, субсидиялар, аъзолик бадаллари, мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари суммалари ва мақсадли тушумларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (8800) ҳисобга олинган, мақсадли тадбирларни амалга ошириш учун бошқа мақсадли тушумлар кўрсатилади.

64. «Бўлғуси харажатлар ва тўловлар захиралари» моддаси бўйича (470-сатр) корхона томонидан бўлғуси харажатлар ва тўловлар учун харажатларда бир текисда тақсимлаш мақсадида захира қилинган маблағлар кўрсатилади.

65. «I бўлим бўйича жами» моддаси бўйича (480-сатр) қуйидаги натижа кўрсатилади: 410-сатр + 420-сатр + 430-сатр - 440-сатр + 450-сатр + 460-сатр + 470-сатр.

66. «Узоқ муддатли мажбуриятлар, жами» моддаси бўйича (490-сатр) корхонанинг 500, 510, 520, 530, 540, 550, 560, 570, 580, 590-сатрларда кўрсатилган узоқ муддатли мажбуриятлари (сўндириш муддати бир йилдан ортиқ бўлган) кўрсатилади.

491-сатрда маълумот учун корхонанинг 500, 520, 540, 560, 590-сатрларда кўрсатилган узоқ муддатли кредиторлик қарзлари суммаси кўрсатилади.

67. «Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилардан узоқ муддатли қарз» моддаси бўйича (500-сатр) ҳисоби 7010-«Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўлашга доир ҳисобварақлар» ва 7020-«Берилган векселлар» ҳисобварақларида юритиладиган, олинган мол-мулк, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга узоқ муддатли мажбуриятлар суммаси кўрсатилади.

68. «Алоҳида бўлинмалардан узоқ муддатли қарз» моддаси бўйича (510-сатр) корхона балансига (ички хўжалик ҳисоб-китоблари) киритиладиган ҳисоби 7110-«Алоҳида бўлинмалардан узоқ муддатли қарз» ҳисобварағида юритиладиган алоҳида бўлинмаларга (филиаллар, ваколатхоналарга) узоқ муддатли мажбуриятлар акс эттирилади.

69. «Шуъба ва тобе хўжалик жамиятларидан узоқ муддатли қарз» моддаси бўйича (520-сатр) ҳисоби 7120-«Шуъба ва тобе хўжалик жамиятларидан узоқ муддатли қарз» ҳисобида юритиладиган шуъба ва тобе хўжалик жамиятларидан узоқ муддатли қарзлар (ички идора ҳисоб-китоблари) акс эттирилади.

70. «Муддати ўтказиб юборилган узоқ муддатли даромадлар» моддаси бўйича (530-сатр) ҳисоби 7210-«Дисконт (нархдан чегирмалар) кўринишида муддати ўтказиб юборилган узоқ муддатли даромадлар», 7220-«Мукофотлар (устамалар) кўринишида муддати ўтказиб юборилган узоқ

муддатли даромадлар», 7230-«Муддати ўтказиб юборилган бошқа узоқ муддатли даромадлар» ҳисобварақларида юритиладиган, корхоналарнинг муддати ўтказиб юборилган узоқ муддатли мажбуриятлари суммаси кўрсатилади.

71. «Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтказиб юборилган узоқ муддатли мажбуриятлар» моддаси бўйича (540-сатр) ҳисоби 724-«Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтказиб юборилган узоқ муддатли мажбуриятлар» ҳисобварағида юритиладиган, корхоналарнинг солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли мажбуриятлари суммаси кўрсатилади.

72. «Муддати ўтказиб юборилган бошқа узоқ муддатли мажбуриятлар» моддаси бўйича (550-сатр) ҳисоби 7250-«Вақт фарқлари бўйича даромад (фойда) солиғига доир муддати ўтказиб юборилган узоқ муддатли мажбуриятлар», 7290-«Муддати ўтказиб юборилган бошқа узоқ муддатли мажбуриятлар» ҳисобварақларида юритиладиган, корхоналарнинг молия-ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ, муддати ўтказиб юборилган бошқа узоқ муддатли мажбуриятлари суммаси кўрсатилади.

73. «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар» моддаси бўйича (560-сатр) 7310-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар» ҳисобварағида ҳисобга олинган, бўлғуси ҳисоб-китоблар бўйича бўнақлар кўришида чет ташкилотлардан олинган узоқ муддатли қарзлар суммаси кўрсатилади.

74. «Узоқ муддатли банк кредитлари» моддаси бўйича (570-сатр) 7810-«Узоқ муддатли банк кредитлари» ҳисобварағида ҳисобга олинган, олинган узоқ муддатли кредитлар бўйича банклардан қарз суммалари кўрсатилади.

75. «Узоқ муддатли қарз (заём)лар» моддаси бўйича (580-сатр) 7820-«Узоқ муддатли қарзлар», 7830-«Тўлашга доир облигациялар», 7840-«Тўлашга доир векселлар» ҳисобварақларида ҳисобга олинган, бошқа корхоналар ва муассасалардан узоқ муддатли қарзлар бўйича қарз суммалари кўрсатилади.

76. «Бошқа узоқ муддатли кредиторлик қарзлари» моддаси бўйича (590-сатр) турли кредиторлардан узоқ муддатли қарзни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (7900) ҳисобга олинган, корхонанинг ижарага берувчи (лизинг

берувчи), ходимлар, турли жисмоний ва юридик шахслар олдида турли хил нотижорий операциялар бўйича узоқ муддатли мажбуриятлари суммалари, суд органларининг ижро ҳужжатлари ёки қарорлари асосида турли ташкилотлар ва айрим шахслар фойдасига корхона ходимларининг иш ҳақидан ушланган суммалар кўрсатилади.

77. «Жорий мажбуриятлар, жами» моддаси бўйича (600-сатр) 610, 620, 630, 640, 650, 660, 670, 680, 690, 700, 710, 720, 730, 740, 750, 760-сатрларда кўрсатилган корхона жорий мажбуриятларининг (бир йилдан кам бўлган муддатли) суммаси акс эттирилади.

601-сатрда маълумот учун 610, 630, 650, 670, 680, 690, 700, 710, 720, 760-сатрда кўрсатилган корхона жорий кредиторлик қарзларининг суммаси кўрсатилади.

602-сатрда маълумот учун корхона жорий кредиторлик қарзларининг муддати ўтказиб юборилган қисми кўрсатилади.

78. «Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилардан қарз» моддаси бўйича (610-сатр) ҳисоби 6010-«Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўлашга доир ҳисобварақлар» ва 6020-«Берилган векселлар» ҳисобварақларида юритиладиган олинган мол-мулк, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун маҳсулот етказиб берувчилар ҳамда пудратчиларга жорий мажбуриятлар суммаси кўрсатилади.

79. «Алоҳида бўлинмалардан қарз» моддаси бўйича (620-сатр) ҳисоби «Алоҳида бўлинмаларга тўлашга доир ҳисобварақлар» ҳисобварағида юритиладиган, корхона балансига киритиладиган алоҳида бўлинмаларга (филиаллар, ваколатхоналарга) жорий мажбуриятлар (ички хўжалик ҳисоб-китоблари) акс эттирилади.

80. «Шуъба ва тобе хўжалик жамиятларидан қарз» моддаси бўйича (630-сатр) ҳисоби 6120-«Шуъба ва тобе хўжалик жамиятларига тўлашга доир ҳисобварақлар» ҳисобварағида юритиладиган, шуъба ва тобе хўжалик жамиятларидан жорий қарзлар (ички идора ҳисоб-китоблари) акс эттирилади.

81. «Муддати ўтказиб юборилган даромадлар» моддаси бўйича (640-сатр) ҳисоби 6210-«Дисконтлар (нархдан чегиришлар) кўринишида муддати ўтказиб юборилган да-

ромадлар», 6220-«Мукофотлар (устамалар) кўринишида муддати ўтказиб юборилган даромадлар», 6230-«Муддати ўтказиб юборилган даромадлар» ҳисобварақларида юритиладиган, муддати ўтказиб юборилган даромад бўйича корхоналар мажбуриятларининг суммаси кўрсатилади.

82. «Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтказиб юборилган мажбуриятлар» моддаси бўйича (650-сатр) ҳисоби 6240-«Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтказиб юборилган мажбуриятлар» ҳисобварағида юритиладиган, корхонанинг солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли мажбуриятлари суммасининг жорий қисми кўрсатилади.

83. «Муддати ўтказиб юборилган бошқа мажбуриятлар» моддаси бўйича (660-сатр) ҳисоби 6250-«Вақт фарқлари бўйича даромад (фойда) солиғига доир муддати ўтказиб юборилган мажбуриятлар», 6290-«Муддати ўтказиб юборилган бошқа мажбуриятлар» ҳисобварақларида юритиладиган, корхонанинг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ, муддати ўтказиб юборилган бошқа мажбуриятлар суммаси кўрсатилади.

84. «Олинган бўнақлар» моддаси бўйича (670-сатр) чет ташкилотлардан бўлғуси ҳисоб-китоблар бўйича бўнақлар кўринишида олинган, олинган бўнақларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (6300) ҳисобга олинган қарз суммаси кўрсатилади.

85. «Бюджетга тўловлар бўйича қарз» моддаси бўйича (680-сатр) 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича (турлари бўйича) қарз ҳисобварағида ҳисобга олинадиган, бюджетга тўловларнинг барча турлари, жумладан жисмоний шахслар даромад солиғи суммаси бўйича корхонанинг қарзи кўрсатилади.

86. «Суғурта бўйича қарз» моддаси бўйича (690-сатр) корхона суғурталанувчи ҳисобланган ва ҳисоби 6510-«Суғурта бўйича тўловлар» ҳисобварақларида юритиладиган суғурта бўйича тўловларга доир қарз кўрсатилади.

87. «Давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарз» моддаси бўйича (700-сатр) ҳисоби 6530-«Давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар» ҳисобварағида юритиладиган, корхонанинг давлат мақсадли жамғармаларидан қарзи кўрсатилади.

88. «Муассислардан қарз» моддаси бўйича (710-сатр) ҳисоби 6610-«Тўлашга доир дивидендлар», 6620-«Чиқиб кетаётган муассислардан уларнинг ҳиссаси бўйича қарз» ҳисобварақларида амалга ошириладиган, корхонанинг муассислар олдида дивидендлар ва чиқиб кетаётган муассислар олдида уларнинг ҳиссаси бўйича мажбуриятлари суммаси кўрсатилади.

89. «Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз» моддаси бўйича (720-сатр) 6710-«Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар», 6720-«Депонентга қўйилган иш ҳақи» ҳисобварақларида ҳисобга олинган, ҳисоблаб ёзилган, лекин ҳали тўланмаган меҳнатга ҳақ тўлаш суммалари, мукофотлар, нафақалар ва ҳоказолар кўрсатилади.

90. «Қисқа муддатли банк кредитлари» моддаси бўйича (730-сатр) ҳисоби 6810-«Қисқа муддатли банк кредитлари» ҳисобварағида юритиладиган, олинган қисқа муддатли кредитлар бўйича банклар олдидаги қарз суммалари кўрсатилади.

91. «Қисқа муддатли қарзлар» моддаси бўйича (740-сатр) ҳисоби 6820-«Қисқа муддатли қарзлар», 6830-«Тўлашга доир облигациялар», 6840-«Тўлашга доир векселлар» ҳисобварақларида юритиладиган, бошқа корхоналар ва шахслардан олинган қарзлар (заёмлар) бўйича қарз суммалари кўрсатилади.

92. «Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми» моддаси бўйича (750-сатр) ҳисоби 6950-«Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисм» ҳисобварағида юритиладиган, корхона узоқ муддатли мажбуриятларининг жорий қисми суммалари кўрсатилади.

93. «Бошқа кредиторлик қарзлари» моддаси бўйича (760-сатр) ҳисоби 6910-«Тўлашга доир қисқа муддатли ижара», 6920-«Ҳисоблаб ёзилган фоизлар», 6930-«Роялти бўйича қарз», 6840-«Кафолатлар бўйича қарз», 6960-«Даъволар бўйича тўлашга доир ҳисобварақлар», 6870-«Ҳисобдор шахслардан қарз» ва 6990-«Бошқа мажбуриятлар» ҳисобварақларида юритиладиган, корхонанинг турли кредиторлари билан операциялар бўйича қарз суммалари кўрсатилади.

94. «II бўлим бўйича жами» моддаси бўйича (770-сатр) 490 ва 600-сатрлар бўйича сумма кўрсатилади.

95. «Баланс пассиви бўйича жами» моддаси бўйича (780-сатр) 480 ва 770-сатрлар бўйича суммалар натижаси сифатида олинган пассивнинг якуний суммаси кўрсатилади.

96. «Балансдан ташқари ҳисобварақларда ҳисобга олиннадиган бойликлар мавжудлиги тўғрисида маълумотнома» 790-920-сатрларда корхонага тегишли бўлмаган, лекин вақтинча фойдаланадиган ёки унинг тасарруфида бўлган бойликлар (қисқа муддатга ижарага олинган асосий воситалар, масъулиятли сақлашдаги, қайта ишланаётган ва ҳоказо моддий бойликлар), шартли ҳуқуқлар ва мажбуриятлар мавжудлиги тўғрисидаги, шунингдек корхонанинг балансдан ташқари ҳисобварақларида ҳисобга олиннадиган айрим хўжалик операцияларини назорат қилиш учун ахборот кўрсатилади.

### **3-§. Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-шакл)**

97. «Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан соф тушум» моддаси бўйича (010-сатр) маҳсулот, товарлар, ишлар ва хизматларни сотишдан олинган тушум кўрсатилади, бунда солиқлар (қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи) ҳамда қайтарилган товарлар ва тайёр маҳсулотнинг қиймати, харидорнинг сотиш нархларидан чегирмалари чегирилади.

010-сатр асосий (операцион) фаолиятдан даромадларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (9000) маълумотлари бўйича тўлдирилади.

Асосий фаолияти мол-мулкни ижарага (лизингга) бериш ҳисобланган корхоналар 010-сатр бўйича жорий ҳисобот даврига тегишли бўлган даромад суммасини акс эттирадилар.

Воситачи корхоналар 010-сатрда комисион ҳақлар суммасини акс эттирадилар.

98. «Сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи» моддаси бўйича (020-сатр) сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар, хизматлар) таннархини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (9100) ҳисобга олинган, сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар, хизматлар) таннархининг суммаси кўрсатилади.

Савдо корхоналари ушбу сатр бўйича сотилган то-

варларнинг харид қийматини акс эттирадидлар. Товар айланмасида (товарларни қабул қилиш ва сотишда) иштирок этмасдан, хизматлар учун ҳақ кўринишида даромад оладиган воситачи ташкилотлар ушбу сатрни тўлдирмайдилар.

99. «Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан ялпи фойда (зарар)» (030-сатр) маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан соф тушум билан сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи ўртасидаги фарқ (010-сатр – 020-сатр) сифатида аниқланади.

100. «Давр харажатлари, жами» моддаси бўйича (040-сатр) 050, 060, 070, 080-сатрлар бўйича якуний сумма акс эттирилади.

101. «Реализация харажатлари» моддаси бўйича (050-сатр) ҳисоби 9410-«Реализация харажатлари» ҳисобварағида юритиладиган: маҳсулотни реализация қилиш харажатлари, яъни маҳсулотни истеъмолчига етказиш, транспорт воситаларига ортиш билан боғлиқ харажатлар, маркетинг билан шуғулланадиган бўлимлар ва ходимларнинг харажатлари ва ҳоказолар акс эттирилади.

102. «Маъмурий харажатлар» моддаси бўйича (060-сатр) ҳисоби 9420-«Маъмурий харажатлар» ҳисобварағида юритиладиган: корхонани бошқариш харажатлари, бошқарув ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари, умум-маъмурий мақсаддаги асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари, умумхўжалик мақсадидаги хоналарнинг ижара ҳақи ва бошқа маъмурий харажатлар акс эттирилади.

103. «Бошқа операцион харажатлар» моддаси бўйича (070-сатр) ҳисоби 9430-«Бошқа операцион харажатлар» ҳисобварағида юритиладиган: кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш харажатлари, ахборий, аудиторлик ва маслаҳат хизматларига ҳақ тўлаш харажатлари, компенсацияладиган ва рағбатлантирадиган хусусиятдаги тўловлар, иш ҳақини ҳисоблаб ёзишда ҳисобга олинмайдиган тўловлар ва харажатлар, банк ва депозитарий хизматларига ҳақ, зарарлар, жарималар, пенялар ва операцион фаолият жараёнида юзага келадиган, ишлаб чиқариш жараёни, молиявий фаолият билан боғланмаган ва харажатларнинг фавқулодда моддалари сифатларига эга бўлмаган бошқа харажатлар акс эттирилади.

104. «Келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари» моддаси бўйича (080-сатр) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон билан тасдиқланган Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида низомнинг («Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари тўплами», 1999 й., 2-сон, 9-модда) 2.4-бўлимида келтирилган, келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари акс эттирилади ва 9440-«Келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари» ҳисобварағида умумлаштирилган ҳисоб маълумотлари бўйича тўлдирилади.

105. «Асосий фаолиятдан бошқа даромадлар» моддаси бўйича (090-сатр) ҳисоби асосий фаолиятдан бошқа даромадларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (9300) юритиладиган: асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда, ундирилган жарималар, пеня ва неустойкалар, ўтган йиллар фойдаси, қисқа муддатли ижарадан даромадлар, кредиторлик ва депонентлик қарзини ҳисобдан чиқаришдан даромадлар, хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг даромадлари, текин молиявий ёрдам ва бошқа операцион даромадлар кўрсатилади.

106. «Асосий фаолиятдан фойда (зарар)» моддаси бўйича (100-сатр) корхона асосий фаолиятининг молиявий натижалари кўрсатилади, улар маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан ялпи фойда (зарар)дан (030-сатр) давр харажатлари суммасини (040-сатр) айириш ҳамда асосий фаолиятдан бошқа даромадлар суммасини (090-сатр) қўшиш йўли билан аниқланади.

107. «Молиявий фаолиятдан даромадлар, жами» моддаси бўйича (110-сатр) 120, 130, 140, 150, 160-сатрлар бўйича якуний сумма акс эттирилади.

108. «Дивидендлар кўринишида даромадлар» моддаси бўйича (120-сатр) ҳисоби 9520-«Дивидендлар кўринишида даромадлар» ҳисобварағида юритиладиган: Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида бошқа корхоналар фаолиятида улушбай иштирок этишдан олинган даромадлар, корхона эгаллигида бўлган акциялар ва бошқа қимматли қорғазлар бўйича дивидендлар акс эттирилади.

109. «Фоизлар кўринишида даромадлар» моддаси бўйича (130-сатр) ҳисоби 9530-«Фоизлар кўринишида даромадлар» ҳисобварағида юритиладиган, узоқ муддатли ва жорий инвестициялар бўйича фоизлар кўринишида даромадлар кўрсатилади.

110. Асосий фаолияти мол-мулкни ижарага (лизингга) бериш ҳисобланган корхоналар «Узоқ муддатли ижарадан даромадлар (лизинг)» моддаси бўйича (140-сатр), ҳисоби 9550-«Узоқ муддатли ижарадан даромадлар» ҳисобварағида юритиладиган, мол-мулкни узоқ муддатли ижарага (лизингга) беришдан олган даромадларини акс эттирилади.

111. «Валюта курсларидаги фарқлардан даромадлар» моддаси бўйича (150-сатр) ҳисоби 9540-«Валюта курсларидаги фарқлардан даромадлар» ҳисобварағида юритиладиган, шу жумладан балансни тузиш санасида баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолашдан, валюта операциялари бўйича мусбат курслардаги фарқлардан даромадлар акс эттирилади.

112. «Молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар» моддаси бўйича (160-сатр) ҳисоби 9510-«Роялти кўринишида даромадлар», 9560-«Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар», 9590-«Молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар» ҳисобварақларида юритиладиган: қимматли қоғозларни қайта баҳолашларни ўтказишдан даромадлар, роялти кўринишида даромадлар ва молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар кўрсатилади.

113. «Молиявий фаолият бўйича харажатлар, жами» моддаси бўйича (170-сатр) 180, 190, 200, 210-сатрлар бўйича якуний сумма акс эттирилади.

114. «Фоизлар кўринишида харажатлар» моддаси бўйича (180-сатр) ҳисоби 9610-«Фоизлар кўринишида харажатлар» ҳисобварағида юритиладиган, банклар кредитлари ва қарзлар бўйича фоизларни тўлаш харажатлари кўрсатилади.

115. «Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) бўйича фоизлар кўринишида харажатлар» моддаси бўйича (190-сатр) ҳисоби 9610-«Фоизлар кўринишида харажатлар» ҳисобварағида юритиладиган, узоқ муддатли ижара (лизинг) бўйича фоизларни тўлаш харажатлари акс эттирилади.

116. «Валюта курсларидаги фарқлардан зарарлар» мод-

даси бўйича (200-сатр) ҳисоби 9620-«Валюта курсларидаги фарқлардан зарарлар» ҳисобварағида юритиладиган, валюта операциялари бўйича ва баланс тузиш санасида баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолашдан манфий курслардаги фарқлар акс эттирилади.

117. «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» моддаси бўйича (210-сатр) ҳисоби 9630-«Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш харажатлари» ва 9690-«Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» ҳисобварақларида юритиладиган, қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар ҳамда молиявий фаолиятта доир бошқа харажатлар акс эттирилади.

118. «Умумхўжалик фаолиятдан фойда (зарар)» моддаси бўйича (220-сатр) корхонанинг умумхўжалик фаолиятига доир, асосий фаолиятдан фойда (зарар) суммасига (100-сатр) молиявий фаолиятдан даромадлар суммасини (110-сатр) қўшиш ва молиявий фаолият бўйича харажатлар суммасини (170-сатр) айириш йўли билан белгиланадиган молиявий натижалар кўрсатилади.

119. «Фавқулудда фойда ва зарарлар» моддаси бўйича (230-сатр) фавқулудда воқеалар натижалари кўрсатилади, «Даромадлар (фойда)» устуниси 9710-«Фавқулудда фойдалар» ҳисобварағининг маълумотлари, «Харажатлар (зарарлар)» устуниси эса 9720-«Фавқулудда зарарлар» ҳисобварағининг маълумотлари бўйича тўлдирилади.

120. «Даромад (фойда) солиғини тўлашга қадар фойда (зарар)» моддаси бўйича (240-сатр) ÷ белгисини ҳисобга олган ҳолда 220 ва 230-сатрларни қўшиш натижалари акс эттирилади. Ушбу сатр натижаси даромад (фойда) солиғининг ҳисоб-китоби чоғида асос бўлиб ҳисобланади.

121. «Даромад (фойда) солиғи» моддаси бўйича (250-сатр) ҳисобот даври бошидан ҳисоблаб ёзилган, 9810-«Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар» ҳисобварағида ҳисобга олинган сумма кўрсатилади.

122. «Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар» моддаси бўйича (260-сатр) йил бошидан ҳисоблаб ёзилган, қонун ҳужжатларига мувофиқ корхона ўз фойдасидан тўлайдиган солиқлар ва йиғимлар суммаси акс эттирилади.

Улар учун амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ солишнинг махсус тартиби назарда тутилган кор-

хоналар 260-сатр бўйича ҳисоблаб ёзилган ягона солиқ, ялпи даромаддан солиқ, ягона ер солиғи суммасини акс эттирадilar.

123. «Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)» моддаси бўйича (270-сатр) ҳисобот даврининг пировард молиявий натижаси кўрсатилади, у 240 – 250 – 260-сатрлар айирмаси сифатида белгиланган.

124. «Бюджетга тўловлар бўйича маълумотнома»да (280 – 430-сатрлар) корхоналар томонидан солиқ қонунчилигига мувофиқ ҳисоблаб ёзилган ва тўланадиган солиқлар турлари бўйича бюджетга тўловлар кўрсатилади. Мазкур маълумотномада 440-сатр бўйича корхоналар томонидан ҳисоблаб ёзилган ва тўланадиган бюджетга тўловларнинг якуний суммаси кўрсатилади.

#### **4-§. Асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот (3-шакл)**

125. Асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисоботда корхона асосий воситаларининг мавжудлиги ва ҳаракати кўрсатилади.

126. 3-устунда ва 6-устунда тегишлича йил бошида ва охирида корхона балансида қайд этилган корхона асосий воситаларининг, шу жумладан жорий ижарага топширилган, консервацияда бўлган ва ҳоказо асосий воситаларнинг айрим турларининг дастлабки (тиклаш) қиймати акс эттирилади.

127. 4-устунда барча манбалар бўйича ҳисобот йили давомида келиб тушган асосий воситаларнинг қиймати, шу жумладан: илгари ҳисобга олинмаган асосий воситалар, айланма маблағлардан асосий воситаларга ўтиш, шунингдек ҳисобот йилида ишга туширилган янги асосий воситалар молиялашнинг барча манбалари бўйича акс эттирилади.

128. 5-устунда ҳисобот йилида тугатиш, сотиш, текинга бериш, улуш сифатида устав сармоясига бериш, узоқ муддатли ижара (лизинг) шартномаси бўйича бериш, камомад ёки талафотларни аниқлаш натижасида ва бошқа сабаблар бўйича чиқиб кетган асосий воситаларнинг дастлабки қиймати акс эттирилади.

129. 7-устунда ва 10-устунда тегишлича йил боши ва охиридаги ҳолат бўйича асосий воситаларнинг жамғарилган эскириш суммаси акс эттирилади.

130. 8-устунда барча манбалар бўйича ҳисобот йилида ҳисоблаб ёзилган асосий воситалар бўйича эскириш суммасидаги ўсиш акс эттирилади, шу жумладан илгари тўлиқ ҳисоблаб ёзилмаган эскириш суммасини қўшган ҳолда ва ҳ.к.

131. 9-устунда тугатиш, сотиш, текинга бериш, улуш сифатида устав сармоясига бериш, узоқ муддатли ижара (лизинг) шартномаси бўйича бериш, камомад ёки талафотларни аниқлаш ва асосий воситаларнинг бошқача чиқиб кетиши жараёнида чиқиб кетишга доир жамғарилган эскириш акс эттирилади.

132. 11-устунда асосий воситаларнинг йил бошидаги, 3-устун ва 7-устун маълумотлари ўртасидаги айирманинг натижаси сифатида олинган қолдиқ қиймати акс эттирилади.

133. 12-устунда асосий воситаларнинг йил охиридаги, 6-устун ва 10-устун маълумотлари ўртасидаги айирманинг натижаси сифатида олинган қолдиқ қиймати акс эттирилади.

134. 010-160-сатрлар бўйича асосий воситалар турлари бўйича тегишли устунларда, асосий воситаларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (0100), 0310-«Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» ҳисобварағи ва асосий воситалар эскиришини ҳисобга олиш ҳисобварағи (0200) маълумотларига мувофиқ асосий воситаларнинг дастлабки (тиклаш) қиймати, келиб тушиши, чиқиб кетиши, эскириши ва қолдиқ қиймати акс эттирилади.

135. «Жами асосий воситалар» моддаси бўйича (170-сатр) 010-сатрдан 160-сатрга қадар бўлган сатрлар бўйича якуний сумма акс эттирилади ва тегишли устунларда барча асосий воситаларнинг, шу жумладан ишлаб чиқариш (171-сатр) ва ноишлаб чиқариш (172-сатр) асосий воситаларининг ҳолати ва ҳаракати кўрсатилади.

Ишлаб чиқариш асосий воситаларига саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, савдо ва умумий овқатланиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотини тайёрлаш билан ҳамда моддий ишлаб чиқариш соҳасига тааллуқли бўлган фаолиятнинг бошқа турлари билан боғлиқ воситалар киритилади.

Ноишлаб чиқариш мақсадидаги асосий воситаларга уй-жой ва коммунал хўжалик, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, ижтимоий таъминот, халқ таълими, маданият воситалари ва ҳоказолар киритилади.

136. «Йил давомида асосий воситаларни харид қилишлар, жами» моддаси бўйича (180-сатр) маълумот учун йил давомида харид қилинган барча асосий воситаларнинг қиймати кўрсатилади, 181, 182, 183-сатрлар бўйича эса молиялаш манбалари бўйича, яъни тегишлича ўз маблағлари, банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳисобига харид қилинган асосий воситаларнинг қиймати кўрсатилади.

137. «Тугалланмаган қурилиш» моддаси бўйича (190-сатр) маълумот учун тегишли устунларда пудрат ҳамда хўжалик усуллари билан бажариладиган тугалланмаган қурилишнинг мавжудлиги ва ҳаракати кўрсатилади.

#### **5-§. Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот (4-шакл)**

138. Пул оқимлари тўғрисида ҳисоботда пул маблағлари ҳаракати нуқтаи назаридан корхонанинг молиявий ресурсларидаги барча ўзгаришлар акс эттирилади.

Операцион, инвестицион ва молиявий фаолият боришида пул маблағларининг ҳаракати ҳисобот даврининг боши ва охирида пул маблағларининг қолдиқлари ўртасида ўзаро боғлиқликни аниқлаш имконини берадиган тарзда акс эттирилади.

139. «Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан пул тушумлари» моддаси бўйича (010-сатр) ҳисобот даврида сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) учун корхонанинг банк ҳисобварақлари ва кассасига келиб тушган пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

140. «Маҳсулот етказиб берувчиларга материаллар, товарлар, ишлар ва хизматлар учун пул тўловлари» моддаси бўйича (020-сатр) маҳсулот етказиб берувчиларга материаллар, товарлар, ишлар ва хизматлар учун тўланган пул маблағлари суммаси кўрсатилади, бундан узоқ муддатли активларни харид қилиш учун тўловлар мустасно.

141. «Ходимларга ва улар номидан пул тўловлари» моддаси бўйича (030-сатр) ходимларга меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишида тўланган пул маблағлари суммаси, шунинг-

дек давлат мақсадли жамғармаларига тўланган маблағлар суммалари, бюджетга жисмоний шахслар даромад солигини тўлаш, касаба уюшмасига ажратмалар, алиментлар, уй-жой фондига, ходимларга берилган банк кредитлари бўйича тўлаш, ходимларга кўрсатиладиган хизматлар учун корхонанинг ҳақ тўлаши, кассадан ва банк ҳисобварақларидан ходимлар билан ва улар номидан операцияларга доир ва пул маблағларини сарфлаш билан боғлиқ бошқа сарфлашлар кўрсатилади.

142. «Операцион фаолиятга доир бошқа пул тушумлари ва тўловлар» моддаси бўйича (040-сатр) «Чиқим» устунда роялти, турли хил тақдирлашлар, комиссия йиғимлар ва бошқа операцион фаолиятдан тўланган пул маблағлари суммаси, «Кирим» устунда эса улардан олинган пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

143. «Жами: операцион фаолиятдан соф пул оқими/чиқими» моддаси бўйича (050-сатр), «Кирим» устуни бўйича «+» белгисининг ва «Чиқим» устуни бўйича «-» белгисининг таъсирини ҳисобга олиб, 010, 020, 030, 040-сатрларни қўшиш натижаси кўрсатилади.

144. «Асосий воситаларни харид қилиш ва сотиш» моддаси бўйича (060-сатр) корхоналар «Чиқим» устунда маҳсулот етказиб берувчиларга тўланган асосий воситаларни харид қилганлик учун пул маблағлари суммасини, «Кирим» устунда эса — асосий воситаларни сотишдан келиб тушган маблағлар суммасини кўрсатадилар.

145. «Номоддий активларни харид қилиш ва сотиш» моддаси бўйича (070-сатр) корхоналар «Чиқим» устунда номоддий активларни харид қилганлик учун маҳсулот етказиб берувчига тўланган пул маблағлари суммасини, «Кирим» устунда эса — номоддий активларни сотганлик учун келиб тушган маблағлар суммасини кўрсатадилар.

146. «Узоқ муддатли ва қисқа муддатли инвестицияларни харид қилиш ва сотиш» моддаси бўйича (080-сатр) «Чиқим» устунда қимматли қоғозлар ва инвестициялар бошқа дастакларини харид қилиш учун тўланган пул маблағлари суммаси, шу жумладан воситачиларга комиссия тақдирлашлар ва биржада тўланган фоизлар кўрсатилади, «Кирим» устунда эса қимматли қоғозлар ва инвестициялар бошқа дастакларини сотишдан келиб тушган пул маблағлари суммаси аке **этирилади.**

147. «Инвестиция фаолиятга оид бошқа пул тушумлари ва тўловлар» моддаси бўйича (090-сатр) «Чиқим» устунида бошқа инвестицион фаолиятга оид тўланган пул маблағлари суммаси, «Кирим» устунида эса — олинган пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

148. «Жами: инвестиция фаолиятга оид соф пул оқими/чиқими» моддаси бўйича (100-сатр), «Кирим» устунида «+» ва «Чиқим» устуни бўйича «-» белгисининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда, 060, 070, 080, 090-сатрларни жамлаш натижаси кўрсатилади.

149. «Олинган ва тўланган фоизлар» моддаси бўйича (110-сатр) «Кирим» устунида олинган фоизлар суммаси, «Чиқим» устунида эса тўланган фоизлар суммаси кўрсатилади.

150. «Олинган ва тўланган дивидендлар» моддаси бўйича (120-сатр) «Кирим» устунида олинган дивидендлар суммалари кўрсатилади, «Чиқим» устунида эса тўланган дивидендлар суммалари акс эттирилади.

151. «Акциялар ёки ўз сармояси билан боғлиқ бошқа дастакларни чиқаришдан пул тушумлари» моддаси бўйича (130-сатр) ҳисобот йилида чиқарилган (сотилган) акциялар ёки ўз сармояси билан боғлиқ бошқа дастаклар учун акциядорлардан келиб тушган пул маблағлари суммаси акс эттирилади.

152. «Ўз акцияларини сотиб олиш чоғида пул тўловлари» моддаси бўйича (140-сатр) корхонада бўлган ўз акциялари, ҳиссалари ва пайлари учун, уларни кейинги тарқатиш ёки йўқ қилиш (бекор қилиш) мақсадида, эгаларига тўланган пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

153. «Узоқ муддатли ва қисқа муддатли кредитлар ҳамда қарзлар бўйича пул тушумлари ва тўловлари» моддаси бўйича (150-сатр) «Кирим» устунида ҳисобот даврида келиб тушган кредитлар ва қарзлар суммаси, «Чиқим» устунида эса — кредитлар ва қарзлар бўйича тўловлар кўрсатилади.

154. «Узоқ муддатли ижара (лизинг) бўйича пул тушумлари ва тўловлари» моддаси бўйича (160-сатр) «Чиқим» устунида ижарага берувчига (лизинг берувчига) тўланган пул маблағлари суммаси, «Кирим» устунида эса — ижарачидан (лизинг олувчидан) келиб тушган пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

155. «Молиявий фаолиятга оид бошқа пул тушумлари ва тўловлари» моддаси бўйича (170-сатр) «Чиқим» устунида бошқа молиявий фаолиятга оид тўланган пул маблағлари суммаси, «Кирим» устунида эса — олинган пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

156. «Жами: молиявий фаолиятга оид соф оқим/чиқим» моддаси бўйича (180-сатр) «Кирим» устуни бўйича «+» ва «Чиқим» устуни бўйича «-» белгисининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда, 110, 120, 130, 140, 150, 160, 170-сатрлар суммаси кўрсатилади.

157. «Тўланган даромад (фойда) солиғи» моддаси бўйича (190-сатр) тўланган даромад (фойда) солиғи суммаси кўрсатилади.

158. «Тўланган бошқа солиқлар» моддаси бўйича (200-сатр) тўланган солиқлар, божлар ва уларга тенглаштирилган йиғимлар ҳамда ажратмалар суммаси кўрсатилади, бундан даромад (фойда) солиғи мустасно.

159. «Жами: тўланган солиқлар» моддаси бўйича (210-сатр) 190 ва 200-сатрлар суммаси акс эттирилади.

160. «Жами: молия-хўжалик фаолиятига оид соф оқим/чиқим» моддаси бўйича (220-сатр), «Кирим» устуни бўйича «+» ва «Чиқим» устуни бўйича «-» белгисининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда, 050, 100, 180, 210-сатрлар суммаси кўрсатилади.

160-1. «Чет эл валютасидаги пул маблағларини қайта баҳолашдан юзага келган курс фарқлари сальдоси» моддаси бўйича (221-сатр) ҳисобот даври мобайнида ҳосил бўлган, чет эл валютасидаги пул маблағларини қайта баҳолашдан юзага келган мусбат ёки манфий курс фарқлари сальдоси акс эттирилади (5000, 5200, 5500, 5600, 5700).

161. «Йил бошидан пул маблағлари» моддаси бўйича (230-сатр) корхона баланси 320-сатри 3-устуни бўйича қайд этилган, пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақларидаги (5000, 5100, 5200, 5500, 5600, 5700) пул маблағлари қолдиқларининг суммаси кўрсатилади.

162. «Йил охирида пул маблағлари» моддаси бўйича (240-сатр) корхона баланси 320-сатри 4-устунида қайд этилган, пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақларидаги (5000, 5100, 5200, 5500, 5600, 5700) пул маблағлари қолдиқларининг суммаси кўрсатилади.

163. «Хорижий валютада пул маблағларининг ҳаракати тўғрисида маълумотнома» бўлимида ҳисобот даврида хорижий валютада пул маблағларининг ҳаракати кўрсатилади.

Валюта маблағлари операцияларни амалга ошириш пайтида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий валюта-сида, валюта маблағлари қолдиғи эса — ҳисобот даврининг охириги санасида акс эттирилади.

164. «Йил бошида қолдиқ» моддаси бўйича (250-сатр) ҳисобот даври бошида корхонанинг валюта ҳисобварақлари ва кассасида бўлган валюта маблағлари суммаси кўрсатилади.

165. «Валюта маблағлари келиб тушди, жами» моддаси бўйича (260-сатр) 261, 262, 263, 264-сатрларда кўрсатилган, ҳисобот даврида валюта тушумларининг умумий суммаси кўрсатилади, бу сатрларда акс эттирилади:

а) 261-сатр бўйича — «Сотишдан тушум» — корхона томонидан ҳисобот даврида олинган валюта тушуми суммаси;

б) 262-сатр бўйича — «Конвертацияланган» — сотиб олинган хорижий валюта суммаси;

в) 263-сатр бўйича — «Молиявий фаолият бўйича» — молиявий фаолиятдан олинган валюта маблағлари суммаси;

г) 264-сатр бўйича — «Бошқа манбалар» — 261, 262, 263-сатрларда саналмаган манбалар ҳисобига корхонанинг валюта ҳисобварақлари ва кассасига бошқа валюта тушумлари суммаси.

166. «Валюта маблағлари сарфланди, жами» моддаси бўйича (270-сатр) корхона томонидан 271-273-сатрларда кўрсатилган турли мақсадларга сарфланган валюта маблағларининг умумий суммаси акс эттирилади, бу сатрларда акс эттирилади:

а) 271-сатр бўйича — «Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўловлар» — мол-мулкни олишга, бажарилган ишларга ва кўрсатилган хизматларга сарфланган валюта маблағлари суммаси;

б) 272-сатр бўйича — «Молиявий фаолият бўйича тўловлар» — молиявий фаолият бўйича сарфланган валюта маблағлари суммаси;

в) 273-сатр бўйича — «Бошқа мақсадларга» — 271, 272-сатрларда саналмаган бошқа мақсадларга сарфланган валюта суммаси.

166-1. «Чет эл валютасидаги пул маблағларини қайта баҳолашдан юзага келган курс фарқлари сальдоси» моддаси бўйича (280-сатр) ҳисобот даври мобайнида ҳосил бўлган, чет эл валютасидаги пул маблағларини қайта баҳолашдан юзага келган мусбат ёки манфий курс фарқлари сальдоси акс эттирилади (5000, 5200, 5500, 5600, 5700).

167. «Йил охирида қолдиқ» моддаси бўйича (280-сатр) ҳисобот йили охирида корхонанинг валюта ҳисобварақлари ва кассасида бўлган, сатрлар маълумотлари:  $250 + 260 - 270 \div 280$ -сатрлар бўйича аниқланадиган валюта маблағлари суммаси акс эттирилади.

### **6-§. Ўз сармоясини тўғрисида ҳисобот (5-шакл)**

168. Ўз сармоясини тўғрисида ҳисобот ҳисобот даврида корхона ўз капиталининг ҳолати ва уни шакллантириш манбалари бўйича ҳаракатини акс эттиради.

169. «Йил бошида қолдиқ» моддаси бўйича (010-сатр) йил бошидаги ҳолат бўйича қуйидаги ахборот акс эттирилади:

а) 3-устунда — «Устав сармоясини» — таъсис ҳужжатларида қайд этилган ва устав сармоясини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (8300) кўрсатилган устав сармоясининг суммаси кўрсатилади;

б) 4-устунда — «Кўшилган сармоя» — қўшилган сармояни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (8400) қайд этилган қўшилган сармоя суммаси кўрсатилади;

в) 5-устунда — «Захира сармоя» — қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган, захира сармояни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (8500) қайд этилган захира сармоя маблағлари суммаси акс эттирилади;

г) 6-устунда — «Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарарлар)» — тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)ни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (8700) қайд этилган, йил бошида тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) суммаси кўрсатилади;

д) 7-устунда — «Сотиб олинган ўз акциялари» — сотиб олинган ўз акцияларини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (8600) қайд этилган, корхонада бўлган сотиб олинган ўз акцияларининг суммаси; уларни кейин тарқатиш ёки йўқ қилиш учун, кўрсатилади;

е) 8-устунда — «Мақсадли тушумлар ва бошқалар» — мақсадли тадбирларни амалга ошириш учун бюджетдан, махсус жамғармалар, бошқа корхоналар, жисмоний шахслардан грантлар, субсидиялар, аъзолик бадаллари кўринишида текинга олинган активлар ва бошқа мақсадли тушумлар, шунингдек ўз сармоясини шакллантиришнинг бошқа манбалари кўрсатилади.

170. «Қимматли қоғозлар эмиссияси» моддаси бўйича (020-сатр) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобот даврида қимматли қоғозларни чиқариш ва сотишдан олинган эмиссия даромади суммаси акс эттирилади.

171. «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш» моддаси бўйича (030-сатр) ҳисобот йилининг биринчи куни ҳолати бўйича ҳар йили қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказиладиган асосий фондларни қайта баҳолашдан ташқари, асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш суммаси акс эттирилади.

172. «Устав сармоясини шакллантириш чоғида валюта курсларида фарқ» моддаси бўйича (040-сатр) бухгалтерия ҳисобида 8420-«Устав сармоясини шакллантириш чоғида валюта курсларида фарқ» ҳисобварағида акс эттириладиган, таъсис ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш санасида ва маблағлар устав сармоясига ҳақиқатда киритилган санада Марказий банк курслари ўртасида юзага келадиган, корхонанинг устав сармоясини шакллантириш чоғида ҳисобот даври учун курслардаги фарқ акс эттирилади.

173. «Захира сармоёга ажратмалар» моддаси бўйича (050-сатр) таъсис ҳужжатларига кўра ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобот йили учун захира сармоёга ажратмалар суммаси акс эттирилади.

174. «Жорий йилнинг тақсимланмаган фойдаси (зарари)» моддаси бўйича (060-сатр) ҳисобот йилида олинган соф фойда (зарар) суммаси кўрсатилади.

175. «Текинга олинган мол-мулк» моддаси бўйича (070-сатр) ҳисобот йилида турли манбалардан текинга олинган мол-мулкнинг қиймати кўрсатилади.

176. «Мақсадли олинган маблағлар» моддаси бўйича (080-сатр) ҳисобот йилида олинган грантлар, субсидиялар, аъзолик бадаллари ва мақсадли фойдаланиш учун бошқа мақсадли тушумлар кўрсатилади.

177. «Тўланган дивидендлар» моддаси бўйича (090-сатр) аввалги йил учун фаолият якунлари бўйича ҳисобот йили бошида тақсимланмаган фойдадан ҳисоблаб ёзилган дивидендлар суммаси кўрсатилади.

178. «Ўз сармоясини шакллантиришнинг бошқа манбалари» моддаси бўйича (100-сатр) ўз сармоясини шакллантириш бошқа манбаларининг суммаси кўрсатилади.

179. «Йил охирида қолдиқ» моддаси бўйича (110-сатр) тегишли устунлар бўйича ҳисобот даври охирида ўз сармоясининг сальдоси кўрсатилади. Бунда, 030, 040, 050, 100-сатрларда акс эттирилган ва 8420-«Устав капитални шакллантиришда курсдаги фарқ», 8510-«Мол-мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар», 8520-«Резерв капитал» ҳисобварақларида, мақсадли тушумлар (8800) ҳисобварақларида ҳамда келуси харажатлар ва тўловлар резервини ҳисобга олувчи (8900) ҳисобварақларда ҳисобда турган ўз сармоясини манбаларининг йил бошидаги суммага нисбатан камайиши минус белгиси билан кўрсатилади. Шунингдек, минус белгиси билан ҳисобот йилидаги ҳисобланган дивидендлар (090-сатр) ва қопланмаган зарар (060-сатр) суммаси акс эттирилади.

180. «Ўз сармоясининг кўпайиши (+) ёки камайиши (-)» моддаси бўйича (120-сатр) йил бошидаги сумма билан қиёслаганда ҳисобот йили охирида ўз сармоясининг кўпайиши ёки камайиши суммаси акс эттирилади.

181. Акциядорлик жамиятлари 130 дан 150-сатрларгача бўлган сатрларни маълумот учун тўлдирадilar.

#### **7-§. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома (2а-шакл)**

182. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотномада ҳисобот даври охириги санасида корхона дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ҳолати акс эттирилади.

183. 2-устунда — «Дебиторлар ва кредиторлар рўйхати» — дебитор (кредитор)дан юқори турадиган вазирликлар (идоралар) бўйича дебитор ва кредиторлар рўйхати келтирилади. Агар дебитор (кредитор) юқори турадиган вазирликка (идорага) эга бўлмаса, юридик шахснинг тўлиқ номини кўрсатиш лозим.

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги қарзлар бўйича дебитор (кредитор) номи (тўлиқ ёки умумқабул қилинган қисқартиришлар билан) кўрсатилади, шунингдек қавсларда мамлакатнинг номи кўрсатилади.

2-устунда 2.1, 2.2.1, 3.1, 5.1, 5.2.1, 6.1-сатрлар бўйича мажбурий тартибда дебитор (кредитор)нинг номини кўрсатиш лозим.

184. 3-устунда қарзнинг умумий суммаси кўрсатилади, хусусан:

а) 1-сатр бўйича дебиторлик қарзининг умумий суммаси кўрсатилади, у 3-устуннинг 2 ва 3-сатрлари суммасига тенг бўлиши керак;

б) 4-сатр бўйича кредиторлик қарзининг умумий суммаси кўрсатилади, у 3-устуннинг 5 ва 6-сатрлари суммасига тенг бўлиши керак.

Дебиторлик қарзининг умумий суммаси ўз ичига ижара бўйича олинadиган тўловларни, харидор ва буюртмачилардан, шуъба ва тобе хўжалик жамиятларидан, даъволар бўйича олишга доир ҳисобварақларни; ходимларга, маҳсулот етказиб берувчиларга, пудратчиларга берилган бўнақларни; бюджетга, давлат мақсадли жамғармаларига ва суғурта бўнақ тўловларини; муассисларнинг устав сармоясига бадаллар бўйича қарзларини; ходимлар ва бошқа дебиторларнинг бошқа операциялар қарзларини, шу жумладан ички идоравий ҳисоб-китобларни олади. Бунда ички идоравий ҳисоб-китоблар деганда мустақил балансларга эга бўлган ва бир муайян вазирлик, идора, корпорация, уюшма, концерн ёки бирлашма таркибига кирadиган корхоналар ва ташкилотлар ўртасидаги ҳисоб-китоблар тушунилади. Дебиторлик қарзининг умумий суммаси бухгалтерия баланси 1-шаклининг 110 ва 210-сатрлари суммасига мувофиқ келиши керак.

Кредиторлик қарзининг умумий суммаси ўз ичига маҳсулот етказиб берувчилар, пудратчилар, шуъба ва тобе хўжалик жамиятларига тўлашга доир ҳисобварақларни; олинган бўнақларни; бюджетга, суғурта бўйича, давлат мақсадли жамғармалари, муассислар олдидаги, меҳнатта ҳақ тўлаш бўйича ва бошқа кредиторлар олдидаги тўловлар бўйича қарзларни, шу жумладан ички идоравий корхоналар билан ҳисоб-китобларни олади. Кредиторлик қар-

зининг умумий суммаси бухгалтерия баланси 1-шаклининг 491 ва 601-сатрлари суммасига мувофиқ келиши керак.

185. 3-устун бўйича 2, 2.1, 2.2, 2.2.1, 3.3.1-сатрлар бўйича 1-сатр бўйича акс эттирилган дебиторлик қарзининг умумий суммаси қуйидаги тартибда очиб кўрсатилади:

а) 2-сатр бўйича республика ичида дебиторлик қарзининг умумий суммаси кўрсатилади;

б) 2.1-сатр бўйича республика ичида дебиторларнинг номлари бўйича қарз кўрсатилади;

в) 2.2-сатр бўйича ички идоравий дебиторлик қарзининг умумий суммаси келтирилади;

г) 2.2.1-сатр бўйича 2-сатрдан ажратилган, дебиторлар номлари бўйича ички идоравий қарз суммаси кўрсатилади;

д) 3-сатр бўйича республиканинг ташқарисида дебиторлик қарзининг умумий суммаси кўрсатилади;

е) 3.1-сатр бўйича республиканинг ташқарисида дебиторлар номлари бўйича қарз кўрсатилади.

186. 4, 5, 5.1, 5.2, 5.2.1, 6, 6.1-сатрлар 184 ва 185-бандларга кўра, дебиторлик қарзига ўхшаш ҳолда тўлдирилади.

187. 4-устунда муддати ўтказиб юборилган, қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда сўндирилмаган қарзининг умумий суммаси кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 19 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-1154-сон Фармони қисман ўзгартириш тўғрисида» ПФ-2340-сон Фармонининг 1-бандига мувофиқ («Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси», 1999 й., 7-сон) дебиторлик қарзи товарлар ҳақиқатда юклаб жўнатилган, ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилган кундан бошлаб 90 кун ўтгач ўтказиб юборилган деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 21 сентябрдаги «Табиий газни етказиб бериш ва унинг учун ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 439-сон қарори билан («Ўзбекистон Республи-

каси ҳукуматининг қарорлари тўплами», 1999 й., 9-сон, 57-модда) айрим корхоналарга (қарорга 5-илова) мавсумийлик ва технологик жараёнларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, истисно тариқасида «Ўзтрансгаз» АКга етказиб берилган газ учун 120 кун давомида ҳақ тўлаш ҳуқуқи берилган. Юқорида кўрсатилган қарорнинг 5-илоvasида саналган корхоналар учун ўтказиб юборилган дебиторлик қарзининг муддати товарлар ҳақиқатда юклаб жўнатилган, ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилган кундан бошлаб 120 кун ўтгач белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 511-сон қарорига кўра («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2004 й., 44-сон, 460-модда) етказиб берилган (истеъмол қилинган) электр энергияси учун муддати ўтказиб юборилган қарзлар муддати барча юридик шахсларга календарь ой тугаганидан кейин 30 кун ўтиши билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 февралдаги «Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-5-сон қарорига кўра («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2005 й., 5-б-сон, 30-модда) кўрсатилган (истеъмол қилинган) коммунал хизматлар учун муддати ўтказиб юборилган қарзлар муддати барча юридик шахсларга календарь ой тугаганидан кейин 30 кун ўтиши билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон қарори билан тасдиқланган Марказлаштирилган манбалар ҳисобига қурилишни ташкил этиш, молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2003 й., 17-18-сон, 146-модда) мувофиқ:

а) марказлаштирилган манбалар ҳисобига объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришни амалга оширувчи бош

пудратчи ташкилотлар учун, шартномада кўрсатилган камида 45% миқдоридаги сумма бўйича муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзининг муддати объект қабул қилиш комиссияси томонидан қабул қилиб олинган кундан бир ой ўтгач белгиланади;

б) марказлаштирилган манбалар ҳисобига қурилишни амалга оширувчи бош пудратчи ташкилотлар учун шартномада кўрсатилган 5% миқдоридаги кафолат суммаси бўйича муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзининг муддати шартномада келишилган кафолат муддати тугаган молиявий йил якунлангандан сўнг белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустақамлашга доир чоратадбирлар тўғрисида» 245-сон қарорига кўра («Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами», 2000 й., 6-сон, 33-модда), марказлаштирилмаган экспорт операциялари бўйича тушумнинг келиб тушиши ёки товарни қайтадан олиб келиш муддати 60 кундан ошмаслиги керак, муассислар томонидан хориждаги корхоналар (савдо уйлари, савдо ваколатхоналари, шуъба ва тобе хўжалик жамиятлари, фирма дўконлари, дилерлик тармоқлари ва консигнация омборлари) манзилига олиб чиқиладиган товарлар бўйича — 180 кундан ошмаслиги керак. Ташқи савдо операциялари бўйича қарз божхона чегарасидан ўтилганидан кейин тегишлича 60 ва 180 кун ўтгач ўтказиб юборилган деб ҳисобланади.

Бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлар бўйича кредиторлик қарзи қонун ҳужжатларида белгиланган тўлов муддатлари тугаганидан кейин келадиган кундан бошлаб ўтказиб юборилган ҳисобланади.

Бошқа кредиторлик қарзлари бўйича ўтказиб юбориш муддати сўндиришнинг муайян муддатлари белгиланган хўжалик шартномалари асосида аниқланади.

188. Корхонага боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича юзага келган қарзлар бўйича:

а) 5-устунда корхонага боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича юзага келган умумий қарз кўрсатилади, хусусан:

1-сатр бўйича — дебиторлик қарзининг умумий суммаси, у 7, 9, 11, 12-устунларда кўрсатилган суммага тенг бўлиши керак;

4-сатр бўйича — кредиторлик қарзининг умумий суммаси, у 7, 11, 12-устунларда кўрсатилган суммага тенг бўлиши керак;

б) 6-устунда ўтказиб юборилган қарзнинг умумий суммаси кўрсатилади (ўтказиб юбориш муддати мазкур Қоидаларнинг 187-бандига мувофиқ аниқланади);

в) 7-устунда корхона ва ташкилотнинг ҳукумат қарорларига кўра олдиндан ҳақ тўламасдан юклаб жўнатиш (олинган) маҳсулот (иш, хизмат) бўйича умумий дебиторлик (кредиторлик) қарзи кўрсатилади. Ундан ўтказиб юборилган қарз 8-устун бўйича акс эттирилади (ўтказиб юборилган муддат мазкур Қоидаларнинг 187-бандига мувофиқ аниқланади);

г) 9-устунда улар бўйича хом ашё ва материалларни давлат захиралари ва фондларидан юклаб жўнатиш назарда тутилган бўнак тўловларининг суммаси кўрсатилади. Ундан муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзи 10-устунда кўрсатилади (ўтказиб юборилган муддат мазкур Қоидаларнинг 187-бандига мувофиқ аниқланади). 9 ва 10-устунларда акс эттириладиган маълумот фақат дебиторлик қарзи қисмида тўлдирилади;

д) 11-устунда корхона ва ташкилотнинг ҳукумат қарорлари бўйича қарзни сўндириш муддати аниқланган тартибда кечиктирилган қарзи акс эттирилади;

е) 12-устунда қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим этилган даъволар бўйича суд тергаб-текшируви жараёни борадиган қарз суммаси кўрсатилади. Бу ерда унинг бўйича ҳўжалик судининг кредитордан ундириш тўғрисида ҳал қилув қарорлари чиқарилган қарз ҳам акс эттирилади.

189. Зарурат туғилган тақдирда корхона ва ташкилотларга «Корхонага боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича юзага келган қарз» бўлимида қўшимча устунлар очишга рухсат берилади.

190. 2а-шакл сатрларининг миқдори тегишлича 2.1, 2.2.1, 3.1, 5.1, 5.2.1, 6.1-сатрлар бўйича кўрсатиладиган дебиторлар ва кредиторлар миқдорига боғлиқдир.

191. 2а-шакл раҳбар ва бош бухгалтер томонидан имзоланади ҳамда ҳар бир саҳифада муҳр билан тасдиқланади.

## 8-§. Тушунтириш хати

192. Молиявий ҳисоботга тушунтиришлар корхонанинг ҳисоб сиёсатини очиб бериши ва ҳисоботдан фойдаланувчиларни корхонанинг мулкӣй ва молиявий аҳволини реал баҳолаш учун зарур бўлган қўшимча маълумотлар билан таъминлаши керак.

193. Молиявий ҳисоботга тушунтириш хати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 26 июлда 17-07/86-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (1-сон БҲМС) «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» (рўйхат рақами 474, 1998 й. 14 август, «Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси», 1999 й., 5-сон)да назарда тутилган талабларга мувофиқ тузилади.

# МУНДАРИЖА

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги 279-1-сон Қонуни ..... 3

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида низом. (ЎЗР ВМ томонидан 5.02.1999 йилда 54-сон билан тасдиқланган) ..... 13

Чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари тўғрисидаги низом. (МВ томонидан 15.06.2000 йилда 47-сон билан тасдиқланган, АВ томонидан 3.07.2000 йилда 942-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ..... 48

Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини сотишда савдо устамаларини қўллаш тартиби тўғрисида низом. (МВ томонидан 18.08.2000 йилда 12-06-08/489-сон, ССВ томонидан 061/3-489-сон билан тасдиқланган, АВ томонидан 29.09.2000 йилда 974-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ..... 51

1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида низом. (Макроиқтисодстат вазирлиги томонидан 29.10.2002 йилда 4-сон, МВ томонидан 129-сон, ДСҚ томонидан 2002-86-сон билан тасдиқланган, АВ томонидан 4.12.2002 йилда 1192-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ..... 58

Товар-моддий бойликларни олишга ишончномалар бериш ва уларни ишончномалар бўйича бериш тартиби тўғрисида низом. (МВ томонидан 7.05.2003 йилда 62-сон билан тасдиқланган, АВ томонидан 27.05.2003 йилда 1245-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ..... 64

Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айлануви тўғрисидаги низом. (МВ томонидан 23.12.2003 йилда 131-сон билан тасдиқланган, АВ томонидан 20.01.2004 йилда 1297-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ..... 73

Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомоди ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш тартиби тўғрисидаги низом. (МВ томонидан 10.03.2004 йилда 37-сон, ДСҚ томонидан 2004-26-сон, МАИМҚВ томонидан 20/1-сон билан тасдиқланган, АВ томонидан 6.04.2004 йилда 1334-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ..... 88

Бухгалтерия ҳисобида лизинг операцияларини акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом. (МВ томонидан 12.05.2004 йилда 74-сон билан тасдиқланган, АВ томонидан 22.06.2004 йилда 1373-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ..... 108

Асосий воситаларни баланسدан чиқариш тартиби тўғрисида низом. (МВ томонидан 16.08.2004 йилда 101-сон билан тасдиқланган, АВ томонидан 29.08.2004 йилда 1401-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ..... 130

Чет эл валютасидаги операцияларни бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартиби тўғрисида низом. (МВ томонидан 2.09.2004 йилда 98-сон, ИВ томонидан 41-сон, ДСҚ томонидан 2004-57-сон, МБ томонидан 257-В-сон, Давстатқўм томонидан 8-сон билан тасдиқланган, АВ томонидан 17.09.2004 йилда 1411-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ..... 161

Юридик шахсларга солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисида низом. (МВ томонидан 24.02.2005 йилда 29-сон, ДСҚ томонидан 2005-25-сон, ДБҚ томонидан 01-02/8-3-сон билан

*тасдиқланган, АВ томонидан 2.04.2005 йилда 1463-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ..... 177*

---

*Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида. (Молия вазирининг 27.12.2002 йилдаги 140-сон буйруғи, АВ томонидан 24.01.2003 йилда 1209-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ..... 190*



444-25-45

252-25-45

Ғоғоҳ









**ООО «Norma Hamkon»  
представляет Вашему вниманию**

**Информационно-правовая система  
«NORMA-Законодательство РУз»**

Официальная информация государственных органов власти и управления, в т.ч. Кабинета Министров РУз, ГНК РУз, Министерства юстиции РУз, Министерства финансов.

Включение документов в систему осуществляется с официального текста. Нормативные акты помещаются в базу вместе с разъяснениями по их применению и методическими рекомендациями специалистов налоговых, таможенных и финансовых органов.

А также бесплатная подписка на электронное издание газеты "НТВ-СБХ" на русском и узбекском языках, "Календарь налогоплательщика" выделен в отдельный раздел.

**Электронно-справочная система  
«Практическая бухгалтерия»**

Методические разъяснения по учету хозяйственных операций с конкретными примерами.

Хозяйственные ситуации с бухгалтерскими проводками в старом и новом (НСБУ № 21) Плане счетов.

Полный набор первичных и отчетных документов, необходимых бухгалтеру.

Выходы по ссылкам из разъяснений и рекомендаций в тексты нормативно-правовых актов.

Типовые формы хозяйственных договоров.

**Электронно-справочная система  
«Практическое налогообложение»**

Полная, постоянно обновляемая информация о порядке исчисления и уплаты всех видов налогов, сборов, обязательных отчислений в бюджет и внебюджетные фонды.

Последние сведения о новых налоговых и таможенных льготах, а также об их изменениях.

Необходимые знания о санкциях, применяемых к нарушителям законодательства.

Многочисленные примеры из судебной практики по вопросам финансово-хозяйственной деятельности.

100000, г.Ташкент, пл. Х.Алимджана, 10а

Тел.: служба продаж (371) 144-89-23, 135-11-07  
отдел обслуживания (371) 144-89-29, 144-43-58

E-mail: [norma@uzlaw.org](mailto:norma@uzlaw.org)  
Web: <http://www.uzlaw.org>

3300e .

Б 97

Бухгалтерия ҳисобига доир низомлар / Тузувчи  
М. М. Мелибоев. — «NORMA» МЧЖ, 2007. — 272-бет.  
(«Норма маслаҳатчи» газетаси кутубхонаси, 1-чиқарилиш)

ББК 65.052.21

**«НОРМА МАСЛАҲАТЧИ»  
ГАЗЕТАСИ КУТУБХОНАСИ**

**БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИГА ДОИР  
НИЗОМЛАР**

Тошкент — «NORMA» МЧЖ — 2007

Чиқариш учун масъул  
Мусаҳҳиҳ  
Бадий муҳаррир  
Компьютерда саҳифаловчи

*Мелибоев М.  
Раҳимбекова З.  
Мирзамуҳамедов А.  
Киселева Н.*

Оригинал-макетдан 2007 йил 19 апрелда босишга рухсат  
этилди. Бичими 84×108<sup>1/32</sup>. Кегли 10 шпонсиз. Гарнитур  
«TimesUZ». Шартли 17,0 б. т. 700 нусхада босилди.  
Буюртма № 63.

«NORMA» МЧЖ, Тошкент ш., Ҳ. Олимжон майдони, 10а.

«КО'НИ НУР» босмахонасида босилди.  
Тошкент ш., Тапсельмаш мавзеси, 4.